

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
“УЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ АРХИВИ**

**ИДОРАВИЙ АРХИВЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги  
"Ўзархив" агентлиги  
илмий кенгаши томонидан  
2011й.

МАЪҚУЛЛАНГАН.  
«Ўзархив» агентлигининг 2011й.  
“\_” -сонли буйруги

**Тошкент-2011**

Тузувчилар:

Ўзбекистон Республикаси идоравий архивлар ишини ташкил этиш бўйича  
услубий кўрсатмалар «Ўзархив» агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий  
давлат архиви, 2011. – 134 бет.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
<b>I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	
1-§. Умумий қоидалар.....	
2-§. Идоравий архив турлари.....	
3-§. Идоравий архив ишини ташкил этиш.....	
4-§. Идоравий архив ишининг услубий таъминоти.....	
5-§. Идоравий архив ишини режалаштириш ва ҳисботи.....	
6-§. Идоравий архивлар ҳолати ва ташкилотнинг таркибий бўлинмалари иш юритиш ҳужжатларини ташкил этиш бўйича назорат.....	
7-§. Идоравий архив мудири ўзгарганда ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш тартиби.....	
8-§. Ташкилот тугатилаётганда ва қайта ташкил этилаётганда ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш тартиби.....	
<b>II. БОБ. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси.....</b>	
1-§. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасининг меъёрий-услубий асослари.....	
2-§. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси ўтказишни ташкил этиш.....	
3-§. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ўтказиш тартиби.....	
4-§. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси натижаларини Расмийлаштириш.....	
<b>III. БОБ. Идоравий архивларни ҳужжатлар билан жамлаш.....</b>	
1-§. Ҳужжатлар билан жамлаш.....	
2-§. Йифмажиллар номенклатуроси.....	
3-§. Ташкилотда йифмажилларни шакллантиришга бўлган асосий услубий талаблар.....	
4-§. Архивга қабул қилинаётган йифмажилларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар.....	
5-§. Йифмажиллар рўйхатини тузиш ва уларни расмийлаштириш.....	
<b>IV. БОБ. Идоравий архивда ҳужжатлар сақловини таъминлаш тартиби.....</b>	
1-§. Ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўйича мажмуий чоралар.....	
2-§. Идоравий архивнинг бино ва хоналарига қўйиладиган талаблар.....	
3-§. Ҳужжатларни сақлаш тартиби.....	
4-§. Сақловхонада ҳужжатларни жойлаштириш тартиби.....	
5-§. Топографиялаш.....	
6-§. Сақловхонадаги йифмажилларни бериш тартиби.....	
7-§. Қоғоз асосдаги ҳужжатларнинг жисмоний-кимёвий сақловини таъминлаш.....	
8-§. Йифмажиллар, ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш.....	
9-§. Архивнинг ўта қимматли ҳужжатлари.....	
10-§. Суғурта ва фойдаланиш фонди.....	

V. БОБ. Идоравий архивда ҳужжатларни ташкил этиш.....	
1-§. Ташкилотнинг ҳужжатли ва архив фонди.....	
2-§. Ҳужжатларнинг архив доирасидаги таснифланиши.	
Архив ҳужжатларининг фонд бўйича мансублигини .....	
аниқлаш ва архив фондини ҳосил қилиш.....	
3-§. Архив фондининг даврий чегаралари.....	
4-§. Фонд йиғмажилларини тизимлаштириш.....	
5-§. Шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни ташкил этиш.....	
VII. БОБ. Идоравий архивда ҳужжатларнинг ҳисоби.....	
1-§. Умумий қоидалар.....	
2-§. Ҳисоб бирликлари.....	
3-§. Идоравий архивнинг ҳисоб ҳужжатлари.....	
4-§. Асосий ҳисобга олиш ҳужжатларини юритиш тартиби.....	
5-§. Ҳисобга олиш маълумотлари базаларини юритиш.....	
VII. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларининг илмий-маълумотнома аппарати.....	
1-§. Идоравий архивнинг илмий-маълумотнома аппарати таркиби.....	
2-§. Йиғмажиллар ва ҳужжатлар рўйхати.....	
3-§. Каталоглар. Варақа кутилари (картотекалар).....	
4-§. Кўрсатгичлар.....	
5-§. Ҳужжатлар шарҳи.....	
6-§. Тарихий маълумотнома.....	
7-§. Архивнинг автоматлаштирилган илмий-маълумотнома аппарати.....	
VIII. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларидан фойдаланиш.....	
1-§. Умумий қоидалар.....	
2-§. Ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларнинг бажарилиши.....	
3-§. Архив ўқувхонасининг иши.....	
4-§. Ҳужжатларни вақтинча фойдаланиш учун бериш тартиби.....	
5-§. Идоравий архив ҳужжатларидан оммавий ахборот.....	
воситаларининг ахборот тадбирларида фойдаланиш.....	
6-§. Ҳужжатлардан фойдаланиш ҳисоби.....	
IX. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларини давлат сақловига топшириш тартиби.....	
1-§. Идоравий архивда ҳужжатларнинг чегаравий сақлов муддатлари.....	
2-§. Ҳужжатларни давлат сақловига топшириш тартиби.....	
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	

## КИРИШ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги, 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва 1994 йил 6 майдаги “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив хужжатларни тасдиқлаш ҳақида”, 1999-йил 30-октябрдаги 482-сонли “Архив ишига оид меъёрий хужжатларни тасдиқлаш ҳақида”, 2008 йил 26 августдаги 194-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда **“Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида» 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сонли қонуни)”**ги қарорлариға асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу хужжатларда идоравий архивларни ташкил этиш, идоравий архив хужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш **сақлаш тартиби ва муддатлари** ҳамда “хужжатлардан фойдаланиш тартиби ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси идоравий архивларининг асосий иш Қоидалари ташкилот, муассаса, корхоналарнинг идоравий архивлари фаолиятини белгилаб берувчи **бирламчи** меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Қоидалар илгари амал қилинган меъёрий - услубий хужжатлардаги камчиликларни янги шароит ва талаблар асосида қайта кўриб чиқиб, узоқ йиллар давомида **йигилган иш тажрибаларини** ҳисобга олиб, **хамда ташкилотлар фаолиятини инобатга олган** ҳолда ишлаб чиқилди. Қоидаларда архившунослик **ва анъанавий** архив ишидаги назарий қоидалар ўртасидаги ворисийлик сақлаб қолинди.

Қоидаларда архив хужжатлари билан олиб бориладиган асосий ишлар услуби ва технологияси сақлаб қолинган. Мазкур Қоидаларга амал қилиш ташкилот, муассаса, корхоналар идоравий архивларининг фондлаштириш, хужжатлар ҳисобини олиб бориш, хужжатлар қимматлигини экспертиза қилиш, архив хужжатлари ва фондларини **хатлаш бўйича бажараётган** ишларини ўзгартириш билан боғлик **заруратни туғдирмайди**. Мазкур хужжат республикада фаолият юритувчи турли хил мулк шаклидаги ташкилот, муассаса, корхоналар идоравий архивлари учун мақбул бўлган, архив ишлари **бир хиллигини** таъминлайдиган қоидалар ва меъёрларни мустаҳкамлади.

Қоидаларга ташкилот, муассаса, корхоналар идоравий архивлари фаолиятида зарур бўладиган хужжатларнинг шакллари намуналари илова этилган.

Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, “Ўзархив” агентлигининг илмий-тадқиқот ва услубий ишлар бўйича комиссияси томонидан маъқуллаган.

## I. БОБ. Умумий қоидалар

Корхоналар, муассасалар ва ташкилот (кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади)лар архив хужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда идоравий архивларни ташкил этиши мумкин.

Идоравий архив ташкилотнинг таркибий бўлинмалар ва бошқа жамлаш манбаларида архив хужжатларини ўз вақтида қабул қилиб олиш, улар ҳисобини, сақловини, тартибга солинишини, улардан фойдаланишни ва давлат сақловига топшириш учун тайёрлашни таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Хужжатларнинг ҳажмига қараб, идоравий архив, ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмаси ёки иш юритиш хизмати таркибида архив хужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва фойдаланишни ташкил этишни амалга оширувчи алоҳида бўлинма сифатида фаолият юритади.

Идоравий архив алоҳида хоналар, тегишли жиҳозлар ва кадрлар билан таъминланиши керак. Агар ташкилотнинг штатлар жадвалига архив мудири лавозими киритилмаган бўлса, у ҳолда ташкилот раҳбарининг бўйруғи билан архивга масъул шахс тайинланиши мумкин.

### 1-§. Идоравий архив турлари

Идоравий архивларнинг қўйидаги турлари мавжуд :

- а) идоравий архив – фақат маълум бир ташкилотнинг хужжатларини сақловчи ташкилот тузилмаси сифатида;
- б) бирлашган идоравий архив – бир турдаги ташкилий тузилма тизимиға эга бўлган бир нечта ташкилотлар хужжатларини сақловчи идоравий архив сифатида;
- в) идоралараро архив – шартнома асосида қатор тармоқ (тизим) ташкилотлар хужжатларини сақловчи идоравий архив сифатида.

Шунингдек, фуқаролар ва жамият (давлат) ўртасида хизмат, меҳнат ва ижтимоий-хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шахсий таркиб бўйича хужжатлар шартнома асосида сақланишни таъминлаш мақсадида республика шаҳар ва туман ҳокимликлари хузурида шахсий таркиб бўйича идораларо архивлар ҳам тузилган.

Идоравий архивларда сақланаётган хужжатларнинг мазмунига кўра:

- а) бошқарув хужжатлари;
- б) илмий-техника хужжатлари;
- в) аудиовизуал хужжатлари;
- г) электрон хужжатларига ажратиш мумкин.

### 2-§. Идоравий архив ишини ташкил этиш

Идоравий архив ишини тўғри ташкил этиш учун унинг меъёрий асоси бўлган Идоравий архив тўғрисидаги Низом ишлаб чикилиши ва тасдиқланиши керак.

Низом қўйидаги таркибий бўлимлардан иборат:

- а) асосий қоидалар;
- б) идоравий архив хужжатларининг таркиби;
- в) идоравий архивнинг вазифа ва хизматлари;
- г) идоравий архивнинг хуқуқ ва мажбуриятлари;
- д) идоравий архив ишини ташкил этиш ва тутатиш.

Ташкилот ўзининг идоравий архиви тўғрисидаги низомини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 30 октябрда қабул килинган №482 – сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат

ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги идоравий Архив тўғрисида Намунавий низом”дан фойдаланишлари керак.

Белгиланган тартибга кўра идоравий архив мудири (ёки архив учун жавобгар шахс) ва архивнинг штатдаги бошқа ходимлари ташкилот раҳбари томонидан ишга тайинланади ва ишдан бўшатилади. Тайинланган идоравий архив мудири (ёки архив учун жавобгар шахс) идоравий архив ишини ташкил этади, юритади ва идоравий архивга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши, тўғри йўлга қўйилишига масъул ҳисобланади.

Идоравий архивда ишловчи ходим(лар)нинг лавозим йўриқномаси ишлаб чикилади. Лавозим йўриқномасида идоравий архив ходимининг асосий вазифалари, масъулияти, хуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Лавозим йўриқномалари ташкилотнинг юридик хизмати билан келишилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Идоравий архив мудири (ёки архив учун жавобгар шахс) ва штатдаги бошқа ходимлари ташкилотнинг архив иши ва иш юритишга оид услубий хужжатлари (хужжатларни сақлаш муддатлари кўрсатилган соҳавий рўйхати, иш юритиш йўриқномалари, намунавий, тахминий, аниқ турдаги йифмажиллар номенклатураси ва бошк.) лойиҳаларини тайёрлаш ёки ишлаб чиқишида иштирок этади.

Шунингдек, улар тармоқ услубий хужжатлари асосида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва уларни сақлаш қоидлари бўйича аниқ услубий хужжатлар ишлаб чиқади.

Тайёрланган услубий хужжатлар (рўйхатлар, йифмажиллар номенклатураси, йўриқномалар ва бошк.) ташкилот раҳбарияти томонидан имзоланади. Давлат архивларини жамлаш манбаига киритилган ташкилотларнинг идоравий архивлари ўз хужжатларини тегишли давлат архивига кўриб чиқиши учун тақдим этади.

### **3-§. Идоравий архив ишининг услубий таъминоти**

Идоравий архив ишини ташкил этиш тартиби умумий талаблар асосида олиб борилади. Ушбу талаблар Ўзбекистон Республикасининг умуммажбурий норматив-хуқуқий хужжатлари ҳамда ташкилотнинг ички хужжатлари асосида белгиланади.

Ташкилотнинг иш юритишга оид норматив-услубий базаси идоравий архивлардаги хужжатлар билан ишлашга оид умумий масалаларни ҳал этиш борасида мувофиқликни таъминлайди.

### **4-§. Идоравий архив ишини режалаштириш ва ҳисботи**

Мазкур услубий кўрсатмаларнинг 1-иловасига мувофиқ идоравий архивда йиллик иш режаси, йифмажилларни сақловга қабул қилиш, хужжатларни давлат архивига топшириш режа-жадвали тузилади.

Йиллик иш режаси фаолият йўналишлари бўйича аниқ иш турларини (хужжатлар сақловини таъминлаш, хужжатларни ҳисобга олиш, илмий-маълумотнома аппаратини яратиш, хужжатлар рўйхатини тузиш, хужжатларни давлат сақловига топшириш, хужжатлардан фойдаланиш ва б.) кўрсатилган ҳолда тузилади.

Иш режасидаги кўрсаткичлар штатлар сони ва иш вақтидан келиб чиқиб, белгиланган тартиб асосида аниqlанади.

Хужжатлари ЎЗР МАФ таркибига киритилган ташкилотларнинг идоравий архиви иш режаси идоравий архив мудири (архив учун жавобгар шахс) томонидан имзоланиб, тегишли давлат архиви билан келишилади ва бевосита ташкилот раҳбари ёки раҳбари ўринbosари томонидан тасдиқланади, қолган ҳолларда идоравий архивларнинг иш режаси ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Идоравий архивга йиғмажилдларни қабул қилиш режа-жадвали ташкилотнинг таркибий бўлинмалари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хужжатларни давлат архивига топшириш режа-жадвали ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва тегишли давлат архиви ЭТКсига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Идоравий архивнинг йиллик иш режаси бажарилиши юзасидан мазкур Қоидаларнинг 1а-иловасига мувофиқ ҳисобот тайёрланади. Йиллик иш режага киритилмаган тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотлар ҳисоботнинг сўнгига, жоиз бўлса, алоҳида бўлимда кўрсатилади.

Идоравий архив тегишли давлат архивига ҳар икки йилда бир марта идоравий сақловда бўлган ЎзР МАФ хужжатларининг ҳажми ва ҳолати тўғрисида маълумот тақдим этиб туради.

Идоравий архивдаги меҳнатга оид муносабатлар қонун хужжатлари белгиланган тартиблар ва меҳнат шартномаси асосида олиб борилади.

#### **5-§. Идоравий архивлар ҳолати ва ташкилотнинг таркибий бўлинмалари иш юритиши хужжатларини ташкил этиш бўйича назорат**

Идоравий архив ташкилотнинг иш юритиши хизмати билан ҳамкорлиқда хужжатларни архивга топширишдан олдин йил давомида камидан бир марта, жамлаш манбаи ҳисобланмаган қўйи ташкилотларда эса беш йилда камидан бир марта хужжатларнинг сақланиш ҳолати ва таркибий бўлинмалардаги иш юритишини ташкил этиш бўйича таҳлилий ўрганишлар ўтказиб туради.

Таҳлилий ўрганишларни ташкил этиш ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган идоравий архив иш режаси таркибига киритилиши шарт.

Режалаштирилган таҳлилий ўрганишларни ўтказиши муддати тўғрисида қўйи ташкилот ёки ташкилот таркибий бўлинмалар раҳбарлари олдиндан маълум қилинади.

Ҳар бир таҳлилий ўрганишларни якуни бўйича жорий ҳолат юзасидан маълумотнома тузилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, хужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилади.

Маълумотнома билан тегишли ташкилот ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ҳамда бевосита идоравий архив мудири (архив учун жавобгар шахс) таништирилади.

Ташкилотнинг идоравий архиви Низомига мувофиқ архив мудири (архив учун жавобгар шахс) хужжатларини сақланиш ҳолати ва иш юритиши хужжатларини сифати ташкил этиши бўйича назорат ишларини олиб борадилар. Хужжатлар билан ишлаш ҳолатини сифатли ташкил этиш юзасидан назорат олиб бориш учун мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ ташкилот билан ишлаш ҳисоби варақаси юритилади.

#### **6-§. Идоравий архив мудири ўзгарганда ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш тартиби**

Идоравий архив мудири (архив учун жавобгар шахс) ўзгарганда, архив мудири хужжатларни, архивга тегишли илмий-маълумотнома аппарати, архив хоналари ва тегишли жиҳозларни хужжатларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (мазкур Қоидаларнинг 3-иловаси) асосида топширади ва қабул қилиб олади.

Идоравий архив мудири (архив учун жавобгар шахс)нинг ишларини қабул қилиш-топшириш жараёнида ташкилот раҳбарининг буйруғи билан камидан З кишидан иборат комиссия тузилиб, унинг таркибига иш юритиши хизмати ходими ҳам киритилади.

Идоравий архив мудири (архив учун жавобгар шахс) ўзгарган ҳолларда хужжатларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси топширувчи ҳамда қабул қилиб

олувчи, шунингдек комиссия аъзолари (3 киши) томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари тасдиқланайди.

Хужжатларни қабул қилиш-топшириш давомида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда зудлик билан ташкилот раҳбари хабардор қилинади ва тегишли чоралари кўрилади.

Хужжатларни қабул қилиш-топшириш далолатномасида қўйидаги маълумотлар, яъни ЎзР МАФ таркибига киритилган ва узок муддат сақланувчи хужжатлар, ўта қимматли йиғмажиллар ва уларнинг суғурта нусхалари ҳисобга олинган хужжатлар ва архив илмий-маълумотнома аппарати (йиғмажиллар рўйхати, йиғмажиллар номенклатураси, фонд варафи, хужжатларнинг кириш ва чиқиш китоблари ва шу кабилар)нинг мавжудлиги ва хужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, архив муҳри, штампи ва жиҳозлари ҳолати акс эттирилади.

#### **7-§. Ташкилот тугатилаётганда ва қайта ташкил этилаётганда хужжатларни қабул қилиш-топшириш тартиби**

Ташкилотларни тугатишида ёки қайта ташкил этишида, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг мулкчилик шакллари ўзгарган ҳолларда, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда пайдо бўлган архив хужжатлари тартибга келтирилган, кўрсатилган хужжатларга давлат мулк эгалиги сақланган ҳолда ворисларга берилади, ворис бўлмаган тақдирда тегишли давлат архивларига топширилади.

Ташкилотлар қайта ташкил этилганда, уларнинг архив хужжатларини келгусида сақлаш масаласи тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ташкилотлар тугатилганда, ЎзР МАФ таркибига киритилган архив фонди хужжатлари тегишли давлат архивларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

Хужжатларнинг сақланиши таъминлаш мақсадида ва уларнинг бундан бўён сақлаш жойи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун йиғмажиллар ва мулкларни бериш учун тузилган тугатиши комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлигининг тегишли ваколатли органлари ва давлат архивларининг вакиллари киритилади.

### **II. БОБ. Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси**

#### **1-§. Хужжатлар қимматдорлиги экспертизасининг меъёрий-услубий асослари**

Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси хужжатларнинг сақлаш муддатларини аниқлаш ҳамда доимий сақлаш учун танлаб олиш мақсадида ўтказилади.

Хужжатларни ЎзР МАФ таркибига киритиш учун уларнинг келиб чиқиши, мазмун ва ташки хусусияти каби мезонлари ўрганилади. Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси тарихийлик, тизимлилик ва яхлитлик тамойилларида асосланиб ўтказилади. Шунингдек, хужжатларни ЎзР МАФ таркибига киритишида фонднинг тўлиқлиги ва сақланиш ҳолати инобатга олинади.

Ташкилотнинг давлат бошқаруви ёки алоҳида тармоқ тизимидағи роли, у томондан бажарилаётган вазифаларнинг аҳамияти, жисмоний шахснинг жамият ҳаётидаги ўрни, хужжатларни яратилиш вақти ва жойи, келиб чиқиш мезонлари ҳисобга олинади.

Хужжатларда акс эттирилган воқеалар, ундаги ахборотнинг аҳамияти ва бошқа хужжатларда тақорланиши, хужжатнинг кўриниши, асл (оригинал)лиги унинг мазмун мезонлари ҳисобланади.

Хужжат матнининг жойлаштирилиши ва баён этилиши шакли, тасдиқланиши, расмийлаштирилиши, хужжатнинг моддий асоси хусусиятлари ва жисмоний ҳолати унинг ташқи хусусият мезонлари саналади.

Хужжатлар қимматдорлигининг экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг архив иши ва иш юритиш бўйича меъёрий-хукукий хужжатлари, хужжатларнинг сақланиш муддати кўрсатилган ҳолда намунавий, таҳминий ва аниқ йўналишдаги йифмагилдларнинг номенклатуралари ва бошқа услубий хужжатлар асосида ўтказилади.

Сақланиш муддати доимий бўлган ЭҲларни саралаб олиш учун ташкилотнинг МЭК ёки ЭК томонидан уларнинг қимматлилик экспертизаси ўтказилади.

Ташкилотнинг МЭК ёки ЭКси ЭҲларнинг қимматлилик экспертизасини уларни яратиш даврида ўтказади.

ЭҲларининг қимматини экспертиза килиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- хужжатларининг сақлаш муддатларини аниқлаш;
- улар орасидан доимий сақланиши лозим бўлган тоифаларини ажратиб олиш;
- ЭҲларидан ўчирилаётган маълумот янгиланиш жараёнида амалий ва/ёки илмий-тариҳий қимматликка эгалигини белгилаш;
- амалий ва/ёки илмий-тариҳий қимматликка эга бўлган ўчирилаётган маълумотнинг сақланишини таъминлаш.

МЭК ёки ЭК давлат сақловига топширилиши лозим бўлган ЭҲларининг архив нусхаларини қуйидаги мезонлар асосида саралайди:

- а) янгилик даражасини;
- б) ахборотнинг ноёблиги, унинг ижтимоий аҳамияти;
- в) тижорат қимматлиги ва тариҳий аҳамияти.

Қимматлилик экспертизаси натижалари ташкилот томонидан тузиладиган давлат сақловига топширилиши лозим бўлган лойиҳалар, ЭҲ рўйхатида акс эттирилади.

Ташкилотнинг МЭК ёки ЭК қарори билан қуйидаги аҳамиятга эга бўлган ЭҲларнинг архив нусхаси яратилади:

- ахборот ресурси мазмунининг тўлиқ нусхаси;
- ўчирилаётган маълумот мазмунининг нусхаси;
- ўзгартираётган ёзувларнинг (файлларнинг) олдинги ва янги аҳамияти (мазмун) нусхаси.

Ташкилотнинг МЭК ёки ЭКси ЭҲ мазмунининг тўлиқ нусхаси ёки ўчирилаётган маълумот мазмунининг нусхасини яратиш тўғрисидаги қарорни электрон хужжатнинг ҳажми жуда катта, киритилаётган ўзгартишлар кам аҳамиятга эга, маълумотларнинг тўлиқ ҳажми билан солиштириб бўлмайдиган даражада бўлган ҳолларда қабул қилинади. Бундай ҳолларда вақт бўйича биринчи яратилган архив нусхаси электрон хужжат мазмунининг тўлиқ нусхасини албатта ўз ичига олган бўлиши лозим.

## **2-§. Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси ўтказишни ташкил этиш**

Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси қуйидагича ўтказилади:

а) иш юритишида – йифмагилдлар номенклатурасини тузишида, йифмагилдларни шакллантиришида ва йифмагилдларни идоравий архивга топшириш учун тайёрлашда;

б) идоравий архивда - йифмагилдларни давлат сақловига топшириш учун тайёргарлик жараёнида.

Бошқарув (иш юритиши), илмий-техника ва бошқа маҳсус хужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш учун ва уларни архивларга сақлашга топширишда кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, юридик шахс

саналган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда доимий фаолият юритувчи эксперт комиссияси (ЭК) тузилади.

ЭК маслаҳат органи саналади. Унинг қарорлари ташкилот раҳбари имзолагандан сўнг зарурий холларда эса тегишли архив муасассаси тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

ЭК ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилиб, унинг таркибиға малакали мутахассислар киритилади ва тегишли раҳбар ходим унинг раиси этиб тайинланади. Комиссия таркибиға албатта иш юритиш хизмати ходими ва архив мудири ёки архив учун жавобгар шахс ва тегишли давлат архиви ходими киритилиши лозим. Комиссия котиби этиб, иш юритиш хизмати ходими ёки идоравий архив мудири (архив учун маъсул шахс) тайинланади.

Бошқарув (иш юритиш), илмий-техникавий, аудиовизуал, машиналар билан ўқиладиган ва бошқа хужжатлар қимматдорлиги экспертизасининг услубий ва амалий ишларини ўtkазиш ва архивга топширишга тайёрлаш учун, шунингдек, ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ва унга бўйсунувчи ташкилотлар ЭКлари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш учун марказий бошқарув аппарати хузурида доимий фаолият юритувчи Марказий эксперт комиссияси (МЭК) тузилади.

Марказий эксперт комиссияси (МЭК) маслаҳат органи саналади. Унинг қарорлари ҳам ташкилот раҳбари имзолагандан сўнг, зарурий холларда эса тегишли архив муасассаси тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

МЭК ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тузилиб, унинг таркибиға ташкилотнинг асосий таркибий бўлинмаларида фаолият юритувчи малакали мутахассислар киритилади ва маълум раҳбар ходим унинг раиси этиб тайинланади. Комиссия таркибиға албатта иш юритиш хизмати ходими ва архив мудири ёки архив учун жавобгар шахс ҳамда тегишли давлат архиви ходими киритилиши лозим. МЭК таркибиға ташкилотга бўйсунувчи корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилиши шарт.

Қуидагилар ЭКнинг вазифалари ҳисобланади:

Иш юритиш хизмати ва идоравий архив билан хамкорликда ҳар йили ташкилотнинг йиғмажилларини сақлаш ва йўқ қилишга ажратишида қатнашади, ташкилотда иш юритишнинг олиб борилиши ва ҳолати юзасидан назорат олиб боради.

Бегиланган тартибда маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тақдим этилган қўидаги масалалар:

- давлат сақловига хужжатларни топширишга тайёрлаш ва топшириш жадвали;
- доимий сақланувчи йиғмажилларнинг йиғма рўйхатлари (йиллик бўлимлар) ва узок муддат сақланувчи (10 йилдан ортиқ), жумладан шахсий таркибга оид йиғмажилларнинг рўйхатлари;
- доимий сақланувчи илмий-техника ҳужжатларининг муаммо (мавзу)лари, лойиҳалари, рўйхатлари;
- сақлаш муддати тугалланган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатнома;
- қидирав ишлари тугаган йиғмажилларнинг топилмаганлиги тўғрисидаги далолатнома;
- йиғмажилларни тузатиб бўлмас даражада заарланганлиги тўғрисида далолатномалар юзасидан қарорларни кўриб чиқади ва қабул қиласди.

Ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, иш юритишни олиб бориш бўйича услубий кўлланмалар ишлаб чиқиш, ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси ва келгусида сақлашга тайёрлаш ишларида қатнашади.

Ҳужжатларни ЎзР МАФ таркибиға киритиш ёки унинг таркибидан чиқариш, амалдаги рўйхат билан белгиланган маълум йиғмажилларни сақлаш муддатларини ўзгартериш ва рўйхатга киритилмаган ҳужжатларни сақлаш муддатини аниқлаш

бўйича таклифларни кўриб чиқади ва тегишли архив муассасаси томонидан тасдиқлаш хусусида қарор қабул қиласди.

Ташкилот ходимларининг иш юритиш, хужжатлар қимматдорлигини аниқлаш ва сақлашга топширишга тайёрлаш масалалари бўйича маслаҳат ва инструктажларни ўтказишни таъминлайди.

Қўйидагилар МЭКнинг вазифалари ҳисобланади:

Ташкилот ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти натижасида шаклланадиган ЎзР МАФ таркибига киритилган хужжатларни оптималлаш масаласи юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Давлат архиви жамлаш манбаи бўлган ва бўлмаган, бевосита ўзига бўйсунувчи ташкилотлар рўйхати, иш юритиш бўйича йўриқномаси, классификаторлар, давлат архивига топширилиши шарт бўлган хужжатлар рўйхати, таркибий бўлинмаларнинг ЭКси тўғрисида низом, шунингдек, иш юритишида хужжатларни ташкил этиш, уларнинг қимматдорлиги экспертизасини ташкил этиш ва сақлаш учун топширишга тайёрлаш бўйича меъёрий-услубий хужжатларни кўриб чиқади ва тегишли давлат архивига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Хужжатлар қимматдорлиги экспертизаси, иш юритиш (хужжатларни таснифлаш, йиғмажиллар номенклатурасини тузиш, иш юритишида йиғмажилларни шакллантириш ва сақлаш учун тайёрлаш)нинг услубий ва амалий масалаларини кўриб чиқади ва улар бўйича тавсиялар ишлаб чиқади. Мазкур тавсияларни давлат архивларининг эксперт-текширув комиссиялари (ЭТК) ёки эксперт-текширув, услубий комиссиялари (ЭТУК)га тақдим этади.

Идоравий архив ва иш юритиш хизмати билан хамкорликда ташкилотнинг таркибий бўлинмалари хужжатларини сақлаш учун танлаб олиш ва йўқ қилишга ажратиш тартибини белгилайди.

Бегиланган тартибда маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тақдим этилган қўйидаги хужжатлар:

- давлат сақловига хужжатларни топширишга тайёрлаш ва топшириш жадвали;
- ташкилот йиғмажилларининг йиғма номенклатуралари;
- иш юритиш бўйича йўриқномалар;
- доимий сақланувчи йиғмажилларнинг йиғма рўйхатлари (йиллик бўлимлар) ва узоқ муддат сақланувчи (10 йилдан ортиқ), жумладан шахсий таркибга оид йиғмажилларнинг рўйхатлари;
- хужжатларнинг сақлаш муддати кўрсатилган соҳавий рўйхати;
- доимий сақланувчи илмий-техника хужжатларининг муаммо (мавзу)лари, лойиҳалари, рўйхатлари;
- сақлаш муддати тугалланган хужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатнома;
- қидирув ишлари тугаган йиғмажилларнинг топилмаганлиги тўғрисидаги далолатнома;
- йиғмажилларни тузатиб бўлмас даражада заарланганлиги тўғрисида далолатнома;
- ўта қимматли ва суғурта фондлари рўйхати юзасида қарорларни кўриб чиқади ва қабул қиласди.

Тегишли идоравий архив муасассаси билан келишган холда ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ва унга бўйсунувчи ташкилотлар ЭКсига тасдиқланган далолатнома шакли бўйича сақлаш муддати тугаган хужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва доимий, узоқ муддат сақланувчи йиғмажиллар рўйхатини кўриб чиқиб тасдиқлаш хуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ташкилотнинг ЎзР МАФ таркибига хужжатларини киритиш ёки унинг таркибидан чиқариш, амалдаги рўйхат билан белгиланган маълум йиғмажилларни

сақлаш муддатларини ўзгартириш ва рўйхатга киритилмаган ҳужжатларни сақлаш муддатини аниқлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда тегишли архив муассасаси томонидан тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

ЭКлар фаолияти бўйича услубий бошқарув ва назоратни амалга оширади; мунтазам равишда ўз мажлислирида ЭК фаолияти текширувлари хуносаларини, ЭК раислари маъруза ва ахборотларини тинглайди ва муҳокама қиласди.

ЭК аъзолари учун маслаҳатлар ва инструктаж ўтказишни ташкил этади. Иш юритиш хизмати ходимлари, ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ЭКси аъзоларининг малакасини ошириш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашади.

Давлат архивлари ҳисобида турмаган ташкилотга бўйсинувчи идораларга йиғмажиллар номенклатурасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳужжатларни ташкил этиш, ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишида услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

### **3-8. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ўтказиш тартиби**

Ҳужжатлар қимматдорлигини экспертизаси ҳар йили идоравий архив раҳбарлигига бошқарув ҳужжати таъминоти хизмати ходимлари томонидан, ташкилотнинг МЭК (ЭК)си билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини ўтказишда таркибий бўлинмаларда доимий ва вақтинча сақланадиган ҳужжатларни архивга топшириш учун танлаб олиш амалга оширилади; таркибий бўлинмаларда сақланиши давом эттириладиган вақтинча сақловдаги йиғмажиллар танлаб олинади; сақлов муддатлари тугаган йиғмажиллар йўқ қилиш учун ажратилади. Бу билан бир қаторда ташкилотнинг амалдаги йиғмажиллар номенклатурасининг сифати ва тўлиқлиги, йиғмажилларнинг шаклланиши ва сақлаш муддатларини тўғрилиги текширилади.

Доимий ва вақтинча сақланадиган ҳужжатларни танлаб олиш йиғмажилдинг ҳар бир варагини бирма-бир кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Йиғмажилларни фақат сарлавҳалари асосида сақлаш учун танлаб олиш ва йўқ қилиш учун ажратиб олишга йўл қўйилмайди.

Доимий сақланадиган йиғмажилларнинг варақларини бирма-бир кўриб чиқишида бир хил ҳужжатлар (қоралама нусхалари, ҳужжатларнинг расмийлаштирилмаган нусхалари ва вақтинча сақлов муддатидаги ҳужжатлар) чиқариб ташланади.

"ЭТК" белгиси бор йиғмажиллар таркибидаги доимий сақланиши лозим бўлган ҳужжатларни аниқлаш ва ажратиб олиш мақсадида варақма-варақ кўриб чиқилади.

Таркибида доимий сақланадиган ҳужжатлар бор бўлган "ЭТК" белгили йиғмажиллар қайта шакллантириб чиқилиши лозим. Таркибдан чиқарилган доимий сақлов ҳужжатлари турдош йиғмажилларга қўшилади ёки алоҳида йиғмажилларга расмийлаштириб борилади.

Янги расмийлаштирилган йиғмажилларни тикиб қўйиш ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасидан кейингина амалга оширилади.

Ҳужжатлар қимматдорлигини экспертизаси ўтказилаётганда ҳужжатларнинг сақлов муддатлари кўрсатилган намунавий ва идоравий рўйхатларидан ҳамда ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасидан фойдаланилади.

Идоравий архив ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизасини уларни доимий сақловга танлаб олаётганда, тегишли давлат архивининг услубий раҳбарлиги остида ўтказилади.

Электрон ҳужжатларни идоравий архивга топшириш учун тайёрлаш қўйидаги босқичлардан иборат:

- а) идоравий архивга топширилиши лозим бўлган электрон ташувчиларнинг жисмоний ҳолатини текшириб чиқиш;
- б) ЭҲни электрон воситаларига ёзиб олиш;
- в) ёзув сифатини текшириб кўриш;
- г) ЭҲнинг изохи;
- д) доимий сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ЭҲларнинг архив рўйхатларига мувофиқ сақлаш бирликлари (филофлари)га архивнинг белги рақам (шифр)ларини қўйиш;
- е) кузатиш хужжатлари жамлигини тайёрлаш.

Кузатиш хужжатларида қуидаги ахборотлар акс эттирилади: ҳужжат номи, санаси, мазмунининг тавсифи (аннотацияси), электрон шакли, жисмоний ва мантикий тузилмаси (маълумот базалари, сайтлар ва шу кабилар) ҳужжат ҳажми (маълумотлар базалари учун ёзувлар сони).

#### **4-§. Ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси натижаларини расмийлаштириш**

Ташкилотдаги ҳужжатлар қимматдорлиги экспертизаси натижалари асосида доимий сақлов йиғмажиллари (мазкур Қоидаларнинг 4-иловаси), вақтинча сақланадиган йиғмажиллар (мазкур Қоидаларнинг 5-иловаси), шахсий таркиб бўйича (мазкур Қоидаларнинг 6-иловаси) йиғмажилларнинг рўйхатлари, шу жумладан, сақловга олинмаган ҳужжатлар ва ҳужжатларни йўқ қилиш учун ажратиб олиш тўғрисидаги (мазкур Қоидаларнинг 7-иловаси) далолатномалар тузилади. Рўйхатлар ва далолатномалар ташкилотнинг МЭК (ЭК) йиғилишларида бир вақтда кўрилади.

Доимий сақлов йиғмажилларининг рўйхатлари тўрт нусхада тузилади ва ташкилотнинг ЭК томонидан маъқуллангандан сўнг тегишли архив муассасаси ЭТУКга тасдиқлаш учун тақдим этилади. ЭТУК томонидан тасдиқланган рўйхатлар ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Шундан сўнггина ташкилотнинг доимий сақланадиган йиғмажиллар рўйхатида қайд этилмаган йиғмажилларни йўқ қилиш учун ажратишга рухсат этилади.

Тасдиқланган рўйхатнинг бир нусхаси ташкилотга қайтарилади, уч нусхаси ҳужжатларни доимий сақловга қабул қилиш-топширишни амалга ошириш учун назорат-ҳисобга олиш ҳужжати сифатида тегишли давлат архивида қолдирилади.

Далолатномада (тузилган йилнинг 1 январида) кўзда тутилган сақлов муддати тугагандан сўнг йиғмажиллар мазкур далолатномага киритилади.

Сақланиши лозим деб топилмаган йиғмажилларни йўқ қилиш далолатномаси ташкилотнинг барча йиғмажиллари учун тузилади. Агар далолатномада бир нечта таркибий бўлинмалар йиғмажиллари кўрсатилган бўлса, таркибий бўлинманинг номи шу бўлинма йиғмажиллари сарлавҳалари гуруҳидан олдин кўрсатилади. Шунингдек йўқ қилиш учун танлаб олинган бир турдаги йиғмажиллар мазкур гуруҳга тегишли йиғмажиллар сони кўрсатилган ҳолда умумий сарлавҳа остида далолатномага киритилади.

Идоравий архив бўлимлардан йиғмажилларнинг доимий сақловга танлаб олинишини текшириб бориши ва жоиз бўлганда, доимий сақланадиган йиғмажиллар рўйхатига вақтинча сақлаш қаторига ёки йўқ қилиш учун танлаб олинган йиғмажилд киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Йўқ қилиш учун ажратиб олинган йиғмажиллар қайта ишлашга топширилади. Ҳужжатларни топшириш, қабул қилиш-топшириш юк қофози орқали амалга оширилиб, унда топшириш санаси, топширилаётган йиғмажиллар сони ва қофоз макулатуранинг оғирлиги кўрсатилади.

Қайта ишлаш учун юклаш ва юкни тушириш, архив ҳужжатларининг сақловини таъминлаш жавобгар шахснинг назорати остида амалга оширилади. Ушбу ҳолларда

үзжатларни топшириилган сана, уларнинг оғирлиги ва юк қоғозининг тартиб рақами далолатномада кўрсатилади. Далолатнома идоравий архивнинг ёки иш юритиш хизматининг ҳисобга олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилгандан сўнг тегишли йиғмажилдга тикиб қўйилади.

Ташкилот архивида ЎзР МАФ таркибига киритилган ЭҲларнинг таркиби ва ҳажмидан келиб чиқиб, доимий сақловдаги электрон ҳужжатлар (мазкур қоидаларнинг 8-иловаси) ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг рўйхати тузилади. Бошқарув, илмий-техника ҳужжатлари, аудиовизуал ҳужжатлар, ЭҲларнинг алоҳида жамламалари мустақил рўйхатларга киритилади.

### **III. БОБ. Идоравий архивларни ҳужжатлар билан жамлаш**

#### **1-§. Ҳужжатлар билан жамлаш**

Идоравий архивни жамлаш ташкилотнинг, шу жумладан, унинг таркибий бўлинмаларини ҳужжатлари билан тизимли равишда тўлдириб боришдан иборат.

Идоравий архивнинг жамлаш манбалари сифатида ташкилотнинг таркибий бўлинмалари, тасарруфидаги ташкилотлар, жисмоний шахслар ҳисобланади.

Архивни жамлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) архивнинг жамлаш манбаларини аниқлаш;
- б) архивга қабул қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг таркибини аниқлаш;
- в) ҳужжатларнинг идоравий архивга топширилишини ташкил этиш.

Идоравий архив ўз низомига мувофиқ доимий сақланадиган, вактинча сақланадиган, шу жумладан, шахсий таркиб ҳужжатлари билан жамланиб борилади.

Сақлаш муддати 10 йилгача бўлган ҳужжатлар идоравий архивга топширилмайди. Улар ташкилотнинг таркибий бўлинмаларида сақланади ва сақлов муддати тугагандан сўнг йўқ қилинади.

Жисмоний шахсларнинг ҳужжатлари (шахсий таркиб ҳужжатлари) эгаларининг (мулқдорнинг) аризаси бўйича вактинча сақлаш учун идоравий архивга, кейинчалик доимий сақлаш учун давлат архивига топширилади.

Идоравий архивга олдин фаолият кўрсатган тегишли ташкилотларнинг, жумладан, тасарруфидаги тугатилган ташкилотларнинг ҳужжатлари топширилади.

#### **2-§. Йиғмажиллар номенклатураси**

Йиғмажиллар номенклатураси ташкилот иш юритиш фаолияти давомида йиғиладиган йиғмажилд сарлавҳалари йиғмажилларнинг сақлов муддати кўрсатилган тартибда расмийлаштирилган ва тасдиқланган ҳамда тизимлаштирилган рўйхатдан иборат.

Идоравий архив ҳужжатларнинг сифатли жамланиши учун иш юритиш хизмати фаолиятини доимий назорат қилиб боради. Йиғмажиллар номенклатурасини тузиш ва жорий этишда керакли услубий ва амалий ёрдам кўрсатади. Ташкилотнинг иш юритиш хизмати йиғмажиллар номенклатурасини тузиш бўйича масъул саналади.

Ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатураси иш юритишдаги асосий ҳисобга олиш ҳужжати ҳисбланиб, вактинча ва доимий сақланадиган йиғмажиллар рўйхатини тузишда асос бўлиб ҳизмат қиласи. Ундан идоравий архивда вактинча сақлов йиғмажилларининг ҳисобини олиб боришда фойдаланилади.

Йиғмажиллар номенклатураси 3 хил кўринишда 1) намунавий, 2) таҳминий, 3) аниқ йўналишда бўлади.

Намунавий йиғмажиллар номенклатураси бир турдаги ташкилотлар йиғмажилларининг таркибини белгилайдиган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Таҳминий йиғмажиллар номенклатураси тегишли ташкилотларнинг иш юритиши жараёнида ҳосил бўладиган йиғмажилларнинг индекслари кўрсатилган ҳолда соҳавий таркибини белгилайди.

Аниқ йўналишдаги йиғмажиллар номенклатурасини тузишда намунавий ва таҳминий йиғмажиллар номенклатурасидан фойдаланилади.

Ташкилот номенклатураси таркибига ташкилотда жорий этилган иш юритишида кўзда тутилган йиғмажилларнинг сарлавҳалари киритилади. Бунда, албатта, ташкилотнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳисобга олинниши лозим.

Намунавий ёки таҳминий йиғмажиллар номенклатурасида кўзда тутилган йиғмажиллар алоҳида йиғмажиллар номенклатурасига киритилганда сақлаш муддатлари ўзгартирилмайди.

Ташкилот ва унинг таркибий бўлинмалари йиғмажиллар (йиғма) номенклатураси (мазкур Коидаларнинг 9-иловаси) мазкур Коидаларнинг 10-иловаси шаклида тайёрланади ҳамда идоравий архив ва таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган йиғмажиллар номенклатуралари асосида белгиланган шаклда тузилади, ташкилотнинг умумий бланки асосида расмийлаштирилади.

Йиғмажиллар номенклатураси таркибини ёки тизмасини аниқлашда ташкилот тузилмаси (штатлар жадвали) асос қилиб олинади. Ташкилотнинг йиғмажиллар (йиғма) номенклатурасининг боблари ва бўлимларида номлари тасдиқланган тизмага мувофиқ тузилган ташкилот таркибий бўлинмаларининг номлари (масалан: девонхона, бухгалтерия, кадрлар бўлими) олинади.

Номенклатуранинг биринчи бобида иш юритиш давомида йиғилган ҳужжатларни жойлаш, ташкилот таркибий бўлимларидан кейин эса жамоат ташкилотлари ҳужжатларини жойлаш тавсия этилади.

Ташкилотда таркибий бўлиниш бўлмаган ҳолларда йиғмажиллар номенклатураси ишлаб чиқариш - тармоқ ёки хизмат вазифалари чизмаси асосида тузилади.

Ташкилот йиғмажиллар номенклатураси архив мудири ёки архив учун масъул шахс ҳамда иш юритиш хизмати раҳбари томонидан имзоланади ва ташкилотнинг ЭТКси маъқуллагандан сўнг тегишли архив муассасасининг МЭК сида тасдиқлаши учун юборилади, сўнг ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ташкилот йиғмажиллар номенклатураси тасдиқлангандан сўнг таркибий бўлимлар номенклатуранинг ўзига тегишли бўлимларидан кўчирмалар оладилар.

Тегишли архив муассасаси тасдиқлаган йиғмажиллар номенклатураси жорий йилнинг охирги чорагида кейинги тақвим йил учун режалаштирилиб, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилади.

Йиғмажиллар номенклатураси тегишли архив муассасаси билан биргаликда ҳар беш йилдан кўп бўлмаган даврийлиқда ўзгартилиб борилади. Ташкилотнинг таркибий тузилмаси ва хизмат вазифаларида тубдан ўзгаришлар кузатилган ҳоллатда қайта тузилади.

Янги тузилган йиғмажиллар номенклатураси ташкилот иш фаолияти жараёнида юритилган ҳужжатлар мазмуни ва таркибини чуқур таҳлил этиш ва ўрганиш асосида ишлаб чиқилади.

Йиғмажиллар номенклатурасини ишлаб чиқища ташкилот низоми, таркибий бўлимлар низоми, штатлар жадвали, ташкилотнинг ўтган йил учун йиғмажиллар номенклатураси, доимий ва вақтинча сақланадиган йиғмажиллар рўйхати, иш юритиши бўйича йўриқнома, ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари кўрсатилган идоравий ва намунавий рўйхатлари, намунавий ва таҳминий йиғмажиллар номенклатурасидан фойдаланади.

Йиғмажиллар номенклатурасида ташкилот фаолиятининг хужжатлаштириладиган барча томонларини акс эттирувчи хужжатлар гурухи учун йиғмажилд сарлавҳалари назарда тутилиши лозим.

Йиғмажиллар номенклатурасига хужжатлари ташкилотнинг ваколатларини тасдиқловчи ёки унинг фаолиятини тўхтиш жараённида вақтинча фаолият кўрсатувчи органларнинг йиғмажиллари ҳам киритилади (масалан, ташкилотни тугатиш комиссиясининг йиғмажиллари тугатилаётган ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасига киритилади).

91. Ташкилот, унинг таркибий бўлимлари йиғмажиллар номенклатурасининг устун (графа)лари қуйидагича тўлдирилади:

Йиғмажиллар номенклатурасининг 1-устунида номенклатурага киритилган ҳар бир йиғмажилднинг индекси кўрсатилиади. Йиғмажилднинг индекси ташкилот таркибий бўлимларининг белгиланган (фаолият йўналиши бўйича) рақамли ифодаланиши ва таркибий бўлимлар доирасидаги аҳамиятига кўра белгиланган хужжатлар тартиб рақамидан иборат бўлади. Йиғмажиллар индекси араб рақамлари билан ифодаланади. Йиғмажиллар номенклатурасида турли (фаолият йўналишларига қўра) таркибий бўлимлараро бир турдаги йиғмажилларга мос бир хил индекслар сақлаб қолиниши тавсия этилади.

Номенклатуранинг 2-устунида йиғмажилларнинг (жилларнинг) сарлавҳалари кўрсатилиши шарт.

Йиғмажиллар сарлавҳаларини номенклатуранинг таркибий бўлинмаларида жойлаштириш йиғмажилдни ташкил этувчи хужжатларнинг муҳимлиги ва уларнинг ўзаро алоқаси билан аниқланади.

Дастлаб ташкилий-фармойиш хужжатлари (буйруқлар, фармойишлар, ҳайъат органларининг баённомалари ва қарорлари)дан иборат йиғмажилларнинг сарлавҳалари жойлаштирилади. Бунда юкори ташкилотларнинг қарорлари, буйруқларини таркибига олувчи йиғмажилларнинг сарлавҳалари ташкилот раҳбарининг фармойиш хужжатларидан иборат йиғмажилд сарлавҳаларидан олдин жойлаштирилади. Кейинроқда режалаштириш ва ҳисобот хужжатларидан таркиб топган йиғмажилларнинг сарлавҳалари жойлаштирилади.

Географик ёки ёзишма (корреспонденция) белгилари бўйича юритиладиган йиғмажилларнинг сарлавҳалари йиғмажиллар номенклатурасига географик номларнинг ёки ёзишмаларнинг алифбо тартибида киритилади.

Йиғмажилднинг сарлавҳаси хужжатларнинг асосий мазмuni ва таркибини умумлашган шаклда очиб берадиган бўлиши лозим.

Аниқ бўлмаган ифодаларни, кириш сўзларини ва мураккаб синтаксик ишланмаларни йиғмажилларнинг сарлавҳаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Йиғмажилларнинг сарлавҳалари уларни шакллантириш ва расмийлаштириш жараённида аниқлаштириб борилиши шарт.

Йиғмажилднинг сарлавҳаси қуйидагича тартибда жойлаштириувчи элементлардан таркиб топади:

йиғмажилд шаклининг ёки хужжатлар турининг номи (ёзишма, дафтар, буйруқлар);

хужжатлар муаллифининг номи; адресат номи;

хужжатни юборувчи;

йиғмажилд хужжатларининг қисқача мазмuni;

хужжат мазмунига боғлиқ бўлган ҳудуднинг номи;

йиғмажилд ҳужжатларининг санаси; ҳужжатлардан нусха олишга кўрсатма.

Йиғмажиллар сарлавҳаларининг таркибий қисмлари йиғмажилд хужжатларининг тавсифига кўра аниқланади.

Шахсий таркибга оид ва бошқа аниқ бир масала бўйича иш юритишдаги кетма-кетлик билан боғланган ҳужжатларни ўз ичига олган йиғмажилларнинг сарлавҳаларида йиғмажилдинг шакли маъносида «иш» («дело») атамаси қўлланади.

Бир масалага тааллуқли, лекин иш юритиш давомида кетма-кетлик асосида боғланмаган ҳужжатларни таркибига олган йиғмажилларнинг сарлавҳаларида “йиғмажилдинг шакли” маъносида «ҳужжатлар» атамаси қўлланади, номланишнинг сўнгида эса, қавс ичида зарурий ҳужжатларнинг асосий турлари кўрсатилади..

«Ҳужжатлар» атамаси илова-ҳужжатларни ўз таркибига олган бошқа йиғмажилларнинг сарлавҳаларида ҳам қўлланади.

Бир йил давомида ўз ечимиға эга бўлмаган масалаларни қамраган йиғмажилларнинг сарлавҳалари давомий ва шу йилдаги индекс билан кейинги йилнинг йиғмажиллар номенклатурасига киритилади.

Агар йиғмажилд бир нечта том ёки қисмдан иборат бўлса, у ҳолда йиғмажилдга умумий ном берилади ва ҳар бир том (қисм) умумий (ягона) индексга эга бўлади; жоиз бўлган ҳолларда ҳар бир том (қисм)га йиғмажилд сарлавҳасининг мазмунини аниқлаштирувчи алоҳида ном берилади.

Йиғмажиллар номенклатурасининг 3-устунида йиғмажиллар (жиллар, қисмлар) сони кўрсатилади ва тақвим йилнинг охирида тўлдирилади.

4-устунда йиғмажилларнинг сақлов муддатлари, рўйхат (намуnavий, идоравий) бўйича, акс ҳолда намуnavий ёки тахминий йиғмажиллар номенклатураси бўйича тегишли бандларнинг тартиб рақамлари кўrсатилади.

Номенклатурага сақлов муддатлари намуnavий ёки идоравий рўйхатларда кўзда тутилмаган ҳужжатларнинг номлари киритилган бўлса, уларнинг сақлов муддатлари ташкилотнинг идоравий архиви ва МЭК (ЭК)си тавсияси бўйича тегишли архив муассасасининг ЭТК томонидан белгиланади.

5-устун «Эслатма» дан иборат бўлиб, унда йиғмажилларнинг номенклатурасининг амал қилиш даври давомида йиғмажиллар юритилиш ҳолати кўчма йиғмажиллар, йиғмажилларни йўқ қилинганлиги, йиғмажилларни идоравий архивга юборилганлиги, йиғмажилларни давом эттириш учун бошқа ташкилотга ўtkazilganligi тўғрисидаги белгилар қайд этиб борилади.

Иш юритиш муддати тугагандан сўнг, номенклатура сўнгида юритилган доимий сақловдаги йиғмажиллар (жиллар) сони учун ва вактинча сақловдагилари алоҳида якуний қайдлар берилади.

Ташкилот йиғмажиллар номенклатурасидаги якуний ёзувда келтирилган маълумотлар мажбурий тарзда тегишли давлат архивига маълум қилинади ва ушбу хусусда йиғмажиллар номенклатурасида уни амалга оширган мансабдор шахс лавозими, шахси ва имзоси кўrсатилади.

### **3-§. Ташкилотда йиғмажилларни шакллантиришга бўлган асосий услубий талаблар**

Йиғмажиллар номенклатурасига мувофик, ижроси якунланган ҳужжатларни гурухлаш, йиғмажилларни шакллантириш ҳисобланади.

Йиғмажилдга мазмун жиҳатдан унинг номланишига мос келувчи ҳужжатлар жойланади, бунда ҳужжатларнинг қоралама ва кўчирма нусхалари, шу жумладан такрорий ҳужжатларни гурухлаш мумкин эмас.

Ташкилотдаги йиғмажиллар ташкилот иш юритиш фаолияти марказлаштирилган ёки аксинча олиб борилганда - ташкилотнинг иш юритиш хизмати томонидан ҳам ва ташкилотнинг таркибий бўлинмалари томонидан ҳам шакллантириб борилади.

Йиғмажилларни шакллантиришда қўйидаги асосий талабларга риоя қилиш лозим:

а) доимий ва вақтінча сақланадиган хужжатларни алоҳида-алоҳида йиғмажилларда сақлаш;

б) йиғмажилларга ижроси тугаган ва түлиқ расмийлаштирилган хужжатларни күшиб бориш;

в) йиғмажилларга хужжатларни бир нусхада киритиш;

г) йиғмажилд таркибидаги бир тақвим йилга алоқадор хужжатларни гурухлаш (эслатма: қуидаги хужжатлар бундан мустасно саналади):

1) йилдан-йилга ўтувчи йиғмажиллар, суд ишларига оид йиғмажиллар, муайян шахснинг ташкилотдаги түлиқ иш даври ёки ўқиши давомида шаклланадиган шахсий йиғмажиллари;

2) ваколат берилган давр учун гурухланган сайлов органлари ва улар ҳайъатларининг хужжатлари;

3) ўкув муассасаларининг ўкув йили мобайнида шаклланган хужжатлари;

4) театрларнинг театр мавсуми давомида шаклланган хужжатлари;

5) фильмларнинг, қўлёзмаларнинг, касаллик тарихларининг ва шу каби хужжатларнинг йиғмажиллари;

Йиғмажилдинг қалинлиги 4 сантиметрдан ошмаслиги ва рақларининг сони 250 дан кўп бўлмаслиги лозим.

Йиғмажилдинг ичидаги хужжатлар мазмун жиҳатидан муайян масалани кетма-кет ёритиб берадиган тартибда жойлаштирилиши лозим. Бунда хужжатлар даврий тартибда (кириш хужжатлари келиб тушган ва чиқиш хужжатлари жўнатилган саналар бўйича) ёки муаллифларнинг номи алифбо тартибида жойлаштирилади, сўров хужжатларидан кейин уларга олинган жавоблар келтирилади, иловалар, улар тузилган ёки тасдиқланган санадан қатъий назар, ўзига тегишли хужжатларга бирлаштирилади.

Айрим ҳолларда, ҳажми 250 варақдан ортиқ бўлган иловалардан алоҳида жилд тузилади ва бу хусусда хужжатга тегишли белги қўйилади.

Фармойиш хужжатлари уларга тегишли бўлган иловалар тури ва даврлари бўйича йиғмажилларга гурухланади:

а) фармойиш хужжатлари билан тасдиқланган низомлар, йўриқномалар ва уларнинг иловалари хисобланади ҳамда кўрсатилган хужжатлар билан биргаликда гурухланади. Агар улар мустакил хужжат сифатида тасдиқланган бўлса, у ҳолда уларга алоҳида йиғмажилларга бириклирилади;

б) асосий фаолият бўйича буйруқлар шахсий таркиб бўйича буйруқлардан ажратилилади;

в) шахсий таркиб бўйича буйруқлар йиғмажилларга белгиланган сақлов муддатларига мувофиқ тикилади. Хужжатлар ҳажми катта бўлган ҳолларда ташкилот фаолиятининг турли ваколати (ишга қабул қилиш, ишдан озод қилиш, бошка ишга ўтказиш, хизмат сафарлари ва шу кабилар)га оид шахсий таркибга ҳос буйруқларни алоҳида йиғмажилларга бириклириш мақсадга мувофиқ;

г) юқори ташкилотларнинг топшириклари ва уларнинг ижроси бўйича хужжатлар ташкилот фаолиятининг йўналишлари бўйича гурухланади;

д) тасдиқланган режалар, хисоботлар, лимитлар, сметалар ва бошка хужжатлар уларнинг лойиҳаларидан алоҳида жамланади;

е) шахсий йиғмажиллардаги хужжатлар уларнинг келиб тушиши бўйича хронологик тарзда жойлаштирилади;

ж) ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари бўйича шахсий ҳисоб ва рақлари алоҳида йиғмажилларда тикилади ва алифбо тартибида жойлаштирилади;

з) ташкилот иш фаолиятига оид масалалар юзасида фуқароларнинг таклифлари, шикоят ва аризалари ҳамда уларни кўриб чиқиш ва ижро этиш бўйича барча хужжатлар фуқароларнинг шахсий масалалар бўйича аризаларидан алоҳида йиғилади;

и) ёзишмалар тақвим йили бўйича йиғилади ва даврий кетма-кетлик асосида тизимлаштирилади, жавоб-хужжат сўров-хужжатдан кейин жойлаштирилади; муайян

масала бўйича ўтган йилда бошланган ёзишма қайта тикланган ҳолларда ҳужжатларни жорий йилдаги йиғмажилдга олдинги йилдаги йиғмажилд индексини кўрсатган ҳолда киритилади. Шу билан бирга, ташкилотнинг фаолият ҳусусиятидан келиб чиқиб, ёзишма ўқув иили учун, сайлов органларининг чақириқ муддатлари ва шу кабилар асосида шакллантирилади;

к) режа ва ҳисобот ҳужжатлари тузилган ёки келиб тушган вақтидан қатъий назар, мазмунан қайси йилга тегишли бўлса, ўша йилнинг йиғмажилдларидан жой олади ва сақланади.

#### **4-§. Архивга қабул қилинаётган йиғмажилларни расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар**

Йиғмажилларни расмийлаштириш идоравий архивнинг услубий кўмаги ва назорати остида, ташкилотнинг иш юритиш хизмати ҳамда йиғмажилларни юритиш ва шакллантириш билан шуғулланадиган таркибий бўлинма ходимлари томонидан олиб борилади.

Йиғмажиллар сақлов муддатларидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ ёки қисман расмийлаштирилади.

Доимий, вақтинча сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича тузилган йиғмажиллар тўлиқ расмийлаштирилиши лозим.

Тўлиқ расмийлаштириш йиғмажилдни тикиш ёки муқовалаш, йиғмажилднинг варақларини рақамлаш, тасдиқловчи варағини тузиш, жоиз бўлганда, ҳужжатларнинг ички рўйхатини тузиш, йиғмажилднинг муқовасидаги реквизитларга керакли аниқликлар киритиш (ташкилот номини, йиғмажилд индексини, йиғмажилднинг чегара саналарини, сарлавҳасини аниқлаштириш)ни кўзда тутади.

Вақтинча сақланадиган йиғмажиллар қисман расмийлаштирилади. Унда йиғмажилддаги ҳужжатлар тизимлаштирилмаслиги, муқоваланмаслиги (тикилмаслиги), йиғмажилд варақлари рақамланмаслиги, тасдиқ ёзувлари кўрсатилмаслиги .

Йиғмажилдга бириктирилган доимий ва узок муддат (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ҳужжатлар қалин картонли муқовага 4 жойдан тешиб тикилади ва улар барча ҳужжатлар матнини, саналарини, имзо ва кўрсатмаларни эркин ўқиш имкониятларини инобатга олган ҳолда муқоваланади. Йиғмажиллар тикиш (муқовалаш)га тайёрланаётганда, металл тўғнагичлар (игналар, кистиргичлар) ҳужжатлардан олиб ташланади.

Ўта қимматли ёки андоза (стандарт) шаклида бўлмаган ҳужжатлар, шу жумладан, картотекалар учта клапанли боғланадиган қалин муқовали жилларда ёки картон қутиларда сақланади.

Йиғмажилдда сўралмаган шахсий ҳужжатлар (шахсий гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билет в.б.) бўлса у ҳолда, бу ҳужжатлар йиғмажилдга тикиб қўйиладиган маҳсус хатжилд (конверт)га солиб қўйилади. Бу каби ҳужжатлар сони кўп бўлган ҳолларда улар йиғмажилддан чиқариб олинади ва уларга алоҳида рўйхат тузилади.

Ҳар бир йиғмажилднинг охирига тасдиқловчи варақа бланки (мазкур Қоидаларнинг 11-иловаси), йиғмажилднинг бошланишида эса (ўта қимматли ҳужжатларни ҳисобга олиш учун) - йиғмажилд ҳужжатларининг ички рўйхати бланки (мазкур Қоидаларнинг 12-иловаси) тикиб қўйилади.

Йиғмажилдга киритилган ҳужжатлар сақловини таъминлаш ва жойлашиш тартибини мустаҳкамлаш мақсадида унинг барча (ички рўйхат варақлари ва тасдиқловчи варағидан ташқари) варақлари, ҳужжатнинг матнига тегинмаган ҳолда, варақ юқори қисмининг ўнг бурчагида оддий қалам ёки рақамлагич билан умумий қилиб араб рақами асосида рақамланади. Варақларни рақамлашда сиёҳдан ёки рангли

қаламлардан фойдаланиш ман қилинади. Ҳужжатларнинг ички рўйхати вараклари алоҳида рақамланади.

Бир нечта жиллардан иборат йиғмажилларнинг вараклари ҳар бир жилд ёки қисм бўйича алоҳида рақамланади.

Йиғмажилдда алоҳида варак хисобланувчи фотосуратлар, чизмалар, диаграммалар ва бошқа тасвирловчи ҳужжатларнинг тескари томонининг юқори қисм чап бурчагига рақам қўйилади.

Бир бурчагидан иҳтиёрий шаклдаги ҳужжат алоҳида бир варак сифатида рақам қўйилади; букланган (A3, A2 шаклдаги) варак ёйилади ва юқоридан ўнг қисмига рақам қўйилади; букилган ва ўртасидан тикилган варак алоҳида бир варак сифатида рақамланиб, қайтадан тикилади.

Тўлиқ юзада елимланган ҳужжатли варак (фотосуратли, қирқимли, кўчирмали ва б.) алоҳида бир варак сифатида рақамланади. Агар ҳужжатга бир бурчагидан елимланган бошқа ҳужжатлар (матнлардан кўчирмалар, таржималар, қирқимлар ва б.) бириктирилган бўлса, ҳар бир ҳужжат алоҳида рақамланади.

Йиғмажилдга тикилган хатжиллар ичидаги матнлардан алоҳида рақам қўйилади, бунда аввал хатжилд рақамланади, кейин эса навбатдаги тартиб рақами билан унга солинган ҳар бир ҳужжатга рақам қўйилади. Агар хатжилд ичидаги (матолар, белгилар, медаллар ва б.)ларни рақамлаш бўлмаса, у ҳолда уларнинг мавжудлигини тасдиқловчи илова қайд қилинади.

Йиғмажилдга тикилган ва ўз тартиб рақамига эга бўлган ҳужжатлар (чоп этилган нашрларни қўшган ҳолда) умумий тартибда рақамланиши бўлса, ийғмажилддаги варакларнинг жойлашишига мос келса, ушбу ҳужжатлар тартиб рақамини сақлаб қолади.

Йиғмажилд варакларини рақамлашда кўп хатога йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда улар қайта рақамланади. Қайта рақамлашда эски тартиб рақамлари устидан чизилади ва ёнига янги тартиб рақами қўйилади, йиғмажилдинг охирида эса янги тасдиқловчи вараги тузилади, бунда эски варагини тасдиқловчи рақам устидан чизиб, йиғмажилдда сақлаб қолдирилади.

Идоравий архив томонидан йиғмажилларни давлат сақловига топширишга тайёрланаётганда уларнинг варакларини рақамлашдаги алоҳида хатолар аниқланган ҳолатда литерли тартиб асосида рақамларни қўллаш, рақамланмаган варакларда олдин келаётган варакнинг тартиб рақами ёнига “а”, “б”, “в” ва б. ҳарф белгилари қўшиб ёзилади.

Тасдиқловчи вараг йиғмажилдинг алоҳида вараги, китобларда – охирги варакнинг орқа бетида, картотекаларда карточканинг шакли билан бир хил кўринишдаги алоҳида варакда тузилади.

Йиғмажилларнинг тасдиқловчи вараги белгиланган шакл (12-илова)га мувофиқ тузилади, унда варакларининг сони, ички рўйхат варакларининг сони, йиғмажилд варакларини белгилашдаги алоҳида ҳоллар (литерли тартиб рақамлари ҳамда ўтказиб юборилган вараклар мавжудлиги, елимланган ҳужжатли варакларнинг тартиб рақамлари, катта шаклдаги варакларнинг, ичига солинган вараклар ва уларнинг сони билан хатжилларнинг тартиб рақамлари) кўрсатилади. Шу жумладан йиғмажилдда нашр этилган брошюралар нусхаларининг мавжудлиги, йиғмажилддаги умумий ялпи рақамлашда белгиланмаган бўлса, у ҳолда варакларининг сони билан кўрсатилади.

Тасдиқловчи вараг уни тузувчи томонидан, исми-шарифи, лавозими ҳамда саналарни кўрсатган ҳолда имзоланади. Йиғмажилдда кейинги бўладиган барча таркибий ҳолат ўзгаришлар (асл ҳужжатларнинг алмаштирилиши, бузилиши) унинг тасдиқловчи варагида тегишли далолатномага ҳавола билан белгилаб борилади.

Йиғмажилд муковасига унинг тасдиқловчи варагини ёки охирги ҳужжат айланмасининг тоза варагини олиб чиқиш ман қилинади. Агар йиғмажилдинг

тасдиқловчи варағи бланкасиз тикилган ёки муқоваланган бўлса, уни йиғмажилд муқовасининг ички томони варакнинг юқори қисмида елимлаб қўйилади.

Йиғмажилд хужжатларининг ички рўйхати ҳисоби ўзининг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқувчи доимий ва вақтинча сақланадиган (ўта қимматли хужжатлар, шахсий ва б.) хужжатларни ҳисобга олиш, шу жумладан, сарлавҳалари хужжатнинг аниқ мазмунини очиб беролмайдиган, хужжатларнинг турлари бўйича шаклланган доимий ва вақтинча сақланадиган йиғмажилларни ҳисобга олиш учун тузилади.

Ички рўйхат алоҳида варақда, белгиланган шакл бўйича (мазкур Коидаларнинг 12-иловаси) тузилиб, унда йиғмажилд хужжатларининг тартиб рақамлари, уларнинг индекслари, саналари, сарлавҳалари ва йиғмажилд варакларининг тартиб рақамлари тўғрисидаги маълумотлар асосида берилади.

Ички рўйхатга якуний ёзув тузилиб, унда таркибдаги хужжатларнинг сони ва ички рўйхат варакларининг сони ёзма равишда рақамларда кўрсатилади.

Ички рўйхат уни тузувчи томонидан имзоланади. Агар йиғмажилд хужжатларининг ички рўйхати бланкасиз тикилган ёки муқоваланган бўлса, у ҳолда белгиланган шаклда тузилган рўйхат йиғмажилд олд муқовасининг ички томонига елимлаб қўйилади.

Йиғмажилд хужжатларининг таркибидаги ўзгаришлар (хужжатлар қўшилиши, олиниши, уларнинг нусхалари билан алмаштирилиши ва б.) “Эслатма” устунида тегишли далолатномаларга хаволалар билан кўрсатилади. Зарур ҳолларда ички рўйхатга янги якуний ёзув ва йиғмажилдни тасдиқловчи ёзув тузилади.

Доимий ва вақтинча сақланадиган ҳамда шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг муқовалари белгиланган шаклда (мазкур Коидаларнинг 13-иловаси), ташкилотнинг ва таркибий бўлинманинг номи, йиғмажиллар номенклатураси бўйича йиғмажилднинг индекси, йиғмажилд сарлавҳаси, чегара саналар, йиғмажилддаги вараклар сони, сақлаш муддати, йиғмажилднинг архив шифри (йиғма рўйхатнинг йиллик бўлими бўйича йиғмажилд, том, қисмнинг тартиб рақами) кўрсатилган ҳолда тузилади ва расмийлаштирилади.

Йиғмажилддаги хужжатлар қамраб олган давр мобайнида ташкилот (таркибий бўлинманинг) номи ўзгарса ёки йиғмажиллар бошқа ташкилотга (бошқа таркибий бўлинмага) берилса, йиғмажилднинг муқовасида мазкур ташкилот ёки қабул қилиб олувчи ташкилотнинг янги номи кўрсатилади, олдинги ташкилот (таркибий бўлинма)нинг номи ичida берилади.

Йиғмажилднинг сарлавҳаси муқовага тегишли давлат архивининг ЭТКси томонидан тасдиқланган йиғмажиллар номенклатурасидан олиб қўйилади. Зарур ҳолларда йиғмажилднинг сарлавҳасига аниқликлар (буйруқлар, баённомалар тартиб рақамлари ва б.) киритиб борилади.

Йиғмажилд бир нечта жилд (қисм)дан иборат бўлган ҳолларда ҳар бир жилд (қисм) муқовасига умумий ном ва тегишли том (қисм)нинг тартиб рақами кўрсатиб қўйилади.

Хужжатларнинг нусхаларини таркибга олган йиғмажиллар сарлавҳаларида уларнинг нусхаланиши кўрсатилади. Йиғмажилд сарлавҳасида хужжатларининг аслигини кўрсатилмайди.

Йиғмажилднинг муқовасида араб рақамлари асосида йиғмажилднинг чегара саналари - юритилган ва тугалланган йиллари кўрсатилиши шарт. Агар йиғмажилдга саналари чегара саналардан чиқиб кетувчи хужжатлар (иловалар ва б.) киритилган бўлса, йиғмажилднинг саналарини остида, янги қаторда қўйидаги қайд этилади: “йиғмажилдда \_\_\_\_\_ йил(лар)га тегишли хужжатлар бор”. Йиллик режалар ва ҳисботлардан иборат йиғмажилларнинг саналари уларнинг сарлавҳаларида кўрсатилганлиги сабабли муқоваларида кўрсатилмайди.

Саналарнинг аниқ берилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган хужжатлар (баённомалар, стенограммалар, маърузалар, хатлар ва б.) таркибида бўлган йиғмажиллар, шу жумладан, бир нечта том (қисм)лардан иборат йиғмажиллар учун чегараловчи саналар бўлиб, хужжатларнинг чегара саналари, яъни йиғмажилдга энг олдин ва энг кейин киритилган хужжатларнинг рўйхатга олиниш (тузилиш) саналари ҳизмат қиласди.

Агар йиғмажилд қилиб буйруқлар, фармойишлар ва шу кабиларни рўйхатга олиш дафтари киритилган бўлса, у ҳолда йиғмажилд саналари сифатида тақвимнинг дафтардаги дастлабки ва охирги ёзувлар саналари олинади.

Йиғилиш баённомаларидан иборат йиғмажилларнинг чегара саналари этиб йиғмажилдни ташкил этувчи баённомалардан биринчи ва охиргисининг тузилган ёки тасдиқланган саналар олинади.

Шахсий йиғмажилднинг чегара саналари этиб мазкур йиғмажилд тузилган шахснинг ишга қабул қилиниши ва озод этилиши тўғрисидаги буйруқни имзоланган саналари олинади.

Хужжатнинг саналарини белгилашда, аввало, йил, куни ва кейин ойи кўрсатилиди. Кун ва йил араб ракамларида, ой эса ёзув асосида берилади.

Йиғмажилднинг муқовасида унинг тасдиқловчи ёзув билан варақлар сони ва ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасидан олинувчи сақлов муддати кўрсатилиши шарт. Доимий сақланадиган йиғмажилларга “Доимий сақлансан” деган сўз ёзиб қўйилади.

## **5-§. Йиғмажиллар рўйхатини тузиш ва уларни расмийлаштириш**

Архив рўйхати - архив фонди, коллекцияси сақлов бирликларининг тизимлаштирилган рўйхати ҳамда уларнинг мазмунини очиб бериш ва хисобга олиш учун мўлжалланган архив маълумотномасидан иборат.

Архив рўйхатлари барча иш юритиши фаолияти тутатилган, қимматдорлиги экспертизасидан ўтган, доимий ва вақтинча сақланадиган ҳамда шахсий таркиб бўйича йиғиладиган йиғмажиллар учун тузилади.

Қўйидагилар учун рўйхатлар алоҳида тузилади: доимий сақланадиган йиғмажиллар; вақтинча сақланадиган йиғмажиллар; шахсий таркиб бўйича тузиладиган йиғмажиллар; фақат аниқ (конкрет) ташкилотга оид хужжатлар (суд, тергов хужжатлари, мавзулар бўйича илмий ҳисботлар ва б.)дан иборат йиғмажиллар.

Алоҳида рўйхат йиғмажилларнинг мустақил ялпи (тартиб) рақамли рўйхатидан иборат.

Ҳар йили идоравий архивнинг бевосита услубий раҳбарлиги остида ташкилотда, ҳар бир таркибий бўлинмада йиғмажиллар рўйхати тузилади. Ана шу рўйхат асосида хужжатлар идоравий архивга топширилади. Бунда таркибий бўлинмалар томонидан тайёрланган йиғмажиллар рўйхати ташкилот йиғмажилларини йиғма рўйхатини тузиш учун асос бўлиб ҳизмат қиласди. Йиғма рўйхатни идоравий архив тайёрлайди ва унинг асосида йиғмажилларни доимий сақловга топширади.

Таркибий бўлинманинг йиғмажиллари рўйхатда белгилangan шакл (14-илова) бўйича уч нусхада тузилади ва идоравий архивга йиғмажилд иш юритиши тугаллангандан сўнг бир йил ўтгач тақдим этилади.

Таркибий бўлинма йиғмажиллар рўйхатининг тавсифий матни қуйидаги қисмларни ўз таркибига киритади:

- а) рўйхат бўйича йиғмажилд (жилд, қисм) нинг тартиб рақами;
- б) йиғмажилд (жилд, қисм)нинг индекси;
- в) йиғмажилд муқовасидаги сарлавҳага тўлиқ мос келувчи йиғмажилд (жилд, қисм) сарлавҳаси;

- г) йиғмажилд (жилд, қисм)нинг чегара саналари;
- д) йиғмажилднинг сақланиш муддати;
- е) йиғмажилд (жилд, қисм)даги варақлар сони.

Таркибий бўлинма йиғмажилдларининг рўйхати тузилаётганда қуидаги талабларга риоя қилиш шарт хисобланади:

а) ҳар бир йиғмажилд рўйхатга алоҳида тартиб рақами билан киритилади (агар йиғмажилд бир нечта том, қисмдан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир том, қисм рўйхатга алоҳида тартиб рақами билан киритилади);

б) йиғмажилдларнинг рўйхат асосида тизимлаштирилиши уларни йиғмажилдлар номенклатурасидаги тизимлаштирилиши тартибида берилади;

в) рўйхатда йиғмажилдлар ялпи равища рақамланади, таркибий бўлинмаларнинг рўйхатларига тартиб рақамларини бериш тартиби идоравий архив билан келишилган ҳолда белгиланади;

г) рўйхат жадвалининг устунлари йиғмажилд муқовасига чиқариб кўрсатилган маълумотларга мувофик тўлдирилади;

д) рўйхатга бир хил сарлавҳали йиғмажилдлар кетма-кет равища киритилаётган ҳолларда биринчи йиғмажилднинг сарлавҳаси тўлиқ ёзилиб, қолганлари учун эса “Бу ҳам” жумласи қайд қилинади, бунда рўйхатнинг ҳар бир янги варағида сарлавҳа бошда тўлиқ ёзилиб, йиғмажилдлар хусусидаги бошқа маълумотлар тўлиқ кўрсатилади;

е) «Эслатма» устуни йиғмажилд жисмоний ҳолатининг алоҳида ҳусусиятларини ифодалайди, тегишли далолатномаларга берилган хаволаларда кўрсатилган ҳолда йиғмажилднинг бошқа таркибий бўлинмаларга берилганлиги, нусхалари мавжудлиги ва бошқа шу кабилар тўғрисидаги маълумот кўрсатилади.

Рўйхатнинг сўнгги қисмида, охирги тавсифий мақоладан кейин, якуний ёзув тўлдирилиб, унда йиғмажилдлар сони (рақамларда ва ёзув билан), рўйхат бўйича биринчи ва охирги йиғмажилднинг тартиб рақамлари кўрсатилади, шу жумладан, рўйхатда йиғмажилдларнинг рақамлашни ўзига хос ҳусусиятлари (литер ва тушириб қолдирилган тартиб рақамлар мавжудлиги) изоҳлаб қўйилади.

Таркибий бўлинма йиғмажилдлари рўйхати икки нусхада тузилиб, тузувчининг лавозими кўрсатилади ва у томонидан имзоланади, сўнг таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади. Рўйхатнинг бир нусхаси йиғмажилдлар билан бирга идоравий архивга топширилади, иккинчиси эса назорат нусхаси сифатида таркибий бўлинмада қолдирилади.

Идоравий архивнинг талаблари бўйича рўйхатга қўшимча тарзда мундарижа, қисқартма сўзлар рўйхати, кўрсатгичлар тузилиши .

Йиғма рўйхат белгиланган шаклда (мазкур Қоидаларнинг 4-иловаси) тузилади. Тавсифий матннинг элементлари ва доимий сақловдаги йиғмажилдларнинг йиғма рўйхати бўлимига йиғмажилдлар сарлавҳаларини киритиш тартиби, жадвал устунларининг тўлдирилиши мазкур Қоидаларнинг 114 - 116 бандлардаги каби амалга оширилади.

Таркибий бўлинмалар рўйхатлари ташкилот йиғмажилдларининг йиғма рўйхатини тузишда асос бўлиб хизмат қиласи, уни тузишни тайёрлаш идоравий архив (архив учун масъул ходим) зиммасига юкланади.

Йиғма рўйхатга таркибий бўлинмалар фаолиятида, йил давомида ҳосил бўлган йиғмажилдларнинг сарлавҳалари ва «ЭТК» белгили вақтингча сақлов муддатидаги йиғмажилдлардан шакллантирилган йиғмажилдларнинг сарлавҳалари киритилади. Зарур ҳолларда йиғмажилдларнинг сарлавҳалари аниқлаштирилади; агар йиғмажилд нотўғри шакллантирилган бўлса, тикилган жойи сўқилиб, қайта тикилиши лозим.

Йиғма рўйхатга киритилган йиғмажилдларнинг сарлавҳалари ялпи тарзда рақамланади.

Кўшимча равища аниқланган йиғмажилларнинг сарлавҳалари рўйхатга уларнинг сонидан келиб чиқиб литерли тартиб рақамлар асосида ёки йиллик бўлимининг сўнгидаги киритилиши шарт.

Йиғмажилларнинг келиб тушиши ёки чиқиб кетганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан сўнг якуний ёзув тузилади ва унга киритилган ўзгаришларга асос иловалар келтирилади.

Доимий сақлов йиғмажилларининг йиғма рўйхатига “Сўз боши” тузилади ва зарур бўлган ҳолларда мундарижа, қисқартма сўзлар рўйхатга илова берилади.

Рўйхатга сўз бошида ташкилотнинг асосий фаолият йўналишлари ва таркибий тузилмаси, рўйхатдаги йиғмажиллар қамраб олган даврдаги қуи ва юқори ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар; фонд хужжатларининг мазмуни ва тўлиқлигига тавсиф берилади; фонднинг даврий чегараларидан келиб чиқувчи йиғмажиллар борлиги кўрсатилади, хужжатларнинг турлари ҳамда мазмуни бўйича намунавий йиғмажилд гуруҳлари белгиланади, йиғмажиллар сарлавҳаларини шакллантириш, изоҳлаш ва тизимлаштиришдаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда рўйхатда маълумотли аппарат мавжудлиги ва ундан фойдаланиш тартиби кўрсатилади.

Сўз бош тузувчи томонидан лавозими ва сўз боши тузилган сана кўрсатилиб, имзоланади.

Мундарижа йиғма рўйхатнинг йиллик бўлимида бўлинмалар ва рўйхатга маълумотли аппарат бўлган ҳоллардагина тузилади. Мундарижада сўз боши, қисқартма сўзлар рўйхати, бўлим номилари рўйхати, кўрсатгичлар берилади.

Қисқартма сўзлар рўйхати рўйхатнинг йиллик бўлимида мазкур ташкилотга ёки унинг тасарруф тизимида хос бўлган қисқартмалар ишлатилган ҳолларда тузилади. Қисқартмалар рўйхати алифбо тартибида берилади.

Доимий сақлов йиғмажилларининг йиғма рўйхати 4 нусхада тузилади. Агар йиғма рўйхат тугалланган рўйхат бўлиб ҳисобланмаса тикилмайди ва муқоваланмайди. У ёпиладиган ва боғламли жилларда сақланиши лозим.

Доимий сақлов йиғмажилларининг рўйхати ташкилотнинг ЭК да кўрилиши лозим, кўриб чиқилгандан ва келишилгандан кейин бўлимнинг охирида, уни кўриб чиқилган ЭК йиғилиши куни ва баённомасининг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда “Маъқулланган” белгиси қўйилади. Маъқулланган рўйхат унга киритилган йиғмажиллар устида иш юритиш тугаллангандан сўнг 2 йилдан кечикмаган ҳолда тегишли давлат архивининг ЭТКсига кўриб чиқиши учун юборилади.

ЭТКда кўриб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнг йиғмажиллар рўйхати ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади, сўнг рўйхатнинг уч нусхаси назорат нусхалари сифатида давлат архивига берилади, бир нусхаси эса ташкилотда қолдирилади.

Доимий сақлов йиғмажилларининг рўйхатига фонд вараклари бўйича тартиб рақами берилади, ундаги сарлавҳалар сони тўрт хонали сонга (9999) етгач рўйхат тугалланган ҳисобланади.

Тугалланган рўйхатга якуний ёзув ва тасдиқ варакаси тузилади (мазкур Қоидаларнинг 4-иловаси) ва йиғмажиллар йиғма рўйхати бўлимларига тузилган тасдиқ ёзуви чиқариб ташланади.

Титул варағи тугалланган рўйхатнинг расмийлаштирилишидаги мажбурий қисм бўлиб ҳисобланади (мазкур Қоидаларнинг 4-иловаси).

Доимий сақлов йиғмажиллар тугалланган рўйхатининг титул варағида қуидагилар кўрсатилади: фонднинг номи, рўйхатнинг тартиб рақами, рўйхатга киритилган хужжатларнинг турини (доимий, вақтинча сақлов, шахсий таркиб бўйича ва б.) кўрсатган ҳолда рўйхатнинг номи, рўйхатга киритилган йиғмажилларнинг чегара саналари.

Титул варағида фонднинг номидан олдин мазкур ташкилотнинг йиғмажиллари доимий сақланадиган давлат архивининг тўлиқ номини ёзиш учун жой қолдирилади.

Тугалланган рўйхат титул вараги ва маълумотли аппарати билан бирга қўшиб қалин муқовага олинади ва муқоваланади.

Узоқ муддат (10 йилдан ортиқ) сақланадиган йиғмажиллар рўйхатига таркибий бўлинмалар фаолиятида йил давомида юритилган йиғмажилларнинг сарлавҳалари киритилади.

Рўйхатга йиғмажилд сарлавҳаларини киритиш тартиби мазкур услубий тавсияларнинг 111-118- бандлардаги каби белгиланади.

Узоқ муддат сақланадиган йиғмажилларнинг рўйхати белгиланган шаклда (5-илова) расмийлаштирилади. Рўйхат жадвалининг устунларини тўлдириш тартиби 114-116, 129 - бандлардаги каби олинади.

Йиғма рўйхатда сарлавҳаларни тизимлаштириш йиғма номенклатурада сарлавҳаларни тизимлаштириш каби олиб борилади.

Зарур бўлган ҳолларда узоқ муддат сақланадиган йиғмажилларнинг йиғма рўйхатига мундарижа ва қисқартма сўзлар рўйхати тузилади (127 бандга қаралсин).

Узоқ муддат сақланадиган йиғмажилларнинг йиғма рўйхати икки нусхада чиқарилиб, олдин ташкилотнинг ЭК да маъқулланади, кейин эса ташкилот раҳбари томондан тасдиқланади.

Шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар рўйхати белгиланган шаклда тузилади (мазкур Қоидаларнинг 6-иловаси). Жадвал устунларини тўлдирилиши, рўйхат шакли, йиғмажиллар бўлимларининг сарлавҳаларини рақамлаш, якуний ёзув ва тасдиқ ёзувини тузиш тартиби 114-116, 129 -бандлардаги каби амалга оширилади.

Шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар рўйхатида йиғмажилларнинг сарлавҳалари қуида келтирилган кетма-кетликни инобатга олган ҳолда номинал белгиларга мувофиқ тизимлаштирилади:

- а) шахсий таркиб бўйича бўйруқлар (фармойишлар);
- б) шахсий таркиб рўйхатлари;
- в) шахсий таркибни ҳисобга олиш карточкаси (шахсий йиғмажилларнинг алоҳида рўйхати бўлмаган ҳолларда);
- г) шахсий йиғмажиллар (шахсий йиғмажилларнинг алоҳида рўйхати бўлмаган ҳолларда);
- д) ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошлари бўйича шахсий ҳисоблари (ойлик бўйича ҳисоб қайдномалари бўлмаган ҳолларда);
- е) талаб қилинмаган меҳнат дафтарчалари (алоҳида рўйхат бўлмаган ҳолларда);
- ж) баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида далолатномалар.

Кўрсатилган ҳужжатларнинг турлари ташкилотда катта ҳажмларда яратилса, рўйхатнинг мустақил йиллик бўлимларига ажратилиши (шахсий йиғмажиллар, меҳнат дафтарчалари ва б.). Шахсий йиғмажиллар (карточкалар) йиғма рўйхат бўлимига шахсий йиғмажилд очилган шахснинг ишдан озод этилган йили бўйича киритилади ва алифбо тартиби бўйича тизимлаштирилади.

Зарур бўлган ҳолларда йиғма рўйхатнинг йиллик бўлимига ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг тугалланган рўйхатига мундарижа, кўрсатгичлар ва қисқартма сўзлар рўйхати тузилади.

Ташкилотнинг шахсий таркиб бўйича йиғмажиллари йиғма рўйхати ҳужжатларни доимий сақловга узатаётганда уч нусхада чиқарилиб, тузувчи томонидан имзоланади, кадрлар бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади ва ташкилотнинг МЭК (ЭК)сига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Рўйхат МЭК (ЭК) маъқуллагандан сўнг тегишли архив муассасасининг ЭТКси тасдиғидан ўтказилиши сўнг ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланishi лозим.

Шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг тугалланган рўйхатини тузиш ва расмийлаштириш тартиби 123-127-бандларда белгилангани каби бўлади. Шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг тугалланган рўйхати титул варагининг шакли

доимий сақлов йиғмажилларининг тугалланган рўйхати титул вараги шакли билан бир хил бўлади (мазкур Коидаларнинг 4-иловаси).

Мазкур ташкилот учун маҳсус ҳужжатларнинг (илмий ҳисоботлар, радио ва телекўрсатувлар дастурларининг матнлари ва ш.к.), шу жумладан идоравий хизмат нашрларининг сақлов муддатларига кўра ҳар бир турига рўйхат тузилиши ва расмийлаштирилишининг тартиби, доимий сақловдаги йиғмажилларнинг рўйхатларини тузиш ва расмийлаштириш тартиби билан бир хил бўлади. Йиғмажиллар тегишли йиллик бўлимларда ҳужжатларнинг маҳсус хусусиятларини инобатга олган ҳолда тизимлаштиради.

Ҳужжатларни йўқ қилишга танлаб олиш ва уларга далолатномалар тузиш (мазкур Коидаларнинг 7-иловаси) тегишли давр учун доимий ва узоқ сақланадиган ҳамда шахсий таркиб йиғмажилларининг рўйхатларини тайёрлангандан кейин амалга оширилади. Сақловга олинмайдиган ҳужжатларнинг йўқ қилиш учун ажратиш тўғрисидаги далолатномалар МЭК (ЭК) йиғилишида доимий ва узоқ муддат сақланадиган ҳамда шахсий таркиб йиғмажилларининг рўйхатлари билан бир вақтда кўриб чиқилади.

Ҳужжатларини доимий сақловга топшираётган ташкилотларда далолатномаларнинг раҳбарият томонидан тасдиқланиши архив муассасаси томонидан тегишли давр учун доимий сақлов йиғмажиллари рўйхати тасдиқлангандан, шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар келишилгандан кейин амалга оширилади.

Идоравий архивга доимий ва узоқ муддат сақланадиган, жумладан, иш юритиш тугаллангандан сўнг икки йилдан кам бўлмаган шахсий таркиб ҳужжатлари топширилади.

Йиғмажилларни идоравий архивга топшириш жараёни архив томонидан тузилган, таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан келишилган ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча сақловдаги йиғмажиллар идоравий архивга фақат истисно тариқасида, ташкилот раҳбарининг қарорига асосан топширилиши. Уларни топшириш йиғмажиллар номенклатураси ёки топшириш рўйхатлари бўйича амалга оширилиши шарт.

Таркибий бўлинма томонидан йиғмажилларни идоравий архивга топширишга тайёргарлик даврида архив ходими томонидан уларнинг тўғри шакллантирилганлиги, расмийлаштирилганлиги ва рўйхатта киритилган йиғмажилларнинг сони ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасига мувофиқ юритилган йиғмажиллар сонига мос келиши текширилади. Текширув давомида йиғмажилларни шакллантириш ва расмийлаштириш бўйича аниқланган барча камчиликларни таркибий бўлинмаларнинг ходимлари бартараф этишга мажбурдирлар. Йиғмажилларнинг мавжуд эмаслиги аниқланган ҳолларда йиғмажилднинг мавжуд эмаслиги сабаблари тўғрисида маълумотнома тузилади ва таркибий бўлинманинг йиғмажиллари рўйхати билан бирга идоравий архивга топширилади.

Ҳар бир йиғмажилдни таркибий бўлинма ходими иштирокида идоравий архив мудири ёки архив учун масъул шахс қабул қилиб олади. Топширув рўйхатининг ҳар иккала нусхасида йиғмажилларнинг мавжудлиги тўғрисида белги қўйилади.

Рўйхатнинг ҳар бир нусхаси охирида ракамлар ва ёзув билан далил асосида идоравий архивга қабул қилинган йиғмажиллар сони, топширилмаган йиғмажилларнинг тартиб ракамлари, йиғмажилларни қабул қилиш-топшириш санаси, шу жумладан, идоравий архивнинг ва йиғмажилларни топширган шахснинг имзоси кўрсатилади.

Идоравий архивга йиғмажиллар боғланган ҳолда таркибий бўлинма ходимлари томонидан етказилади.

Идоравий архивга йиғмажиллар билан бирга ҳужжатларни рўйхатга олиш картотекалари ҳам топширилади. Ҳар бир картотеканинг сарлавҳаси рўйхатга киритилади.

Бошқа ташкилотлар ҳужжатларининг идоравий архивга қабул қилиниши ҳужжатларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси (мазкур Қоидаларнинг 15-иловаси) асосида расмийлаштирилади. Далолатнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси идоравий архивда қолади, иккинчиси ҳужжатларни топширувчи-ташкилотга қайтарилади.

#### **IV. БОБ. Идоравий архивда ҳужжатлар сақловини таъминлаш тартиби**

##### **1-§. Ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўйича мажмуий чоралар**

Ҳужжатларнинг сақловини таъминлаш – бу ҳужжатларни сақлаш бўйича қулай шароитларни яратиш, ҳужжатларни оқилона, самарали жойлаштириш, уларнинг ҳаракати ва жисмоний ҳолатини назорат қилиб бориш, топографлаш, суғурта фондини яратиш борасида ҳужжатдан нусха олиш, ҳужжатнинг жисмоний бутлигини тиклаш (таъмиглаш ва муқовалаш) амалларидан иборат бўлган мажмуий чораларидан иборатдир.

Ҳужжатлар сақловини таъминлаш учун архивда уларни сақлаш моддий-техника базаси (бино ва сақловхоналар, ҳужжатларни сақлаш воситалари, улар сақловини кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳарорат-намлик даражасини ҳосил қилиш ва назорат этиш, ҳужжатлардан нусха олиш ва тиклаш воситалари ва б.)ни яратишга йўналтирилган тадбирлар ҳужжатларни сақлашнинг меъёрий шароитлари (ҳарорат-намлик, ёруғлик, санитария-гигиеник, кўриқлаш режими)ни ҳосил қилиш ва риоя этиш ишлар олиб борилиши лозим.

Ҳужжатлар сақловини ташкил этиш бўйича ишлар мажмуи ҳужжатлар сақловини ҳамда ҳужжатларни идоравий архивга келиб тушишида, сақлашда ва доимий сақловга берилишида жисмоний ҳолатини текшириб боришни таъминлаши лозим. Ҳужжатлар сақловини ташкил этишда ҳар бир архив учун олинган ҳужжатларнинг кўриниш таркибининг ўзига хослиги инобатга олиниши керак.

##### **2-§. Идоравий архивнинг бино ва хоналарига қўйиладиган талаблар**

Идоравий архив уз ҳужжатларини маҳсус қурилган бинога ёки бинонинг мослаштирилган алоҳида хонасида сақланади. Маъмурий бинолар қурилаётганда ёки қайта жиҳозланадиганда идоравий архив учун алоҳида маҳсус хоналар ажратиш лозим.

Идоравий архив учун ажратилган бино ёки хоналар маҳсус экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар олинганидан сўнг фойдаланишга топширилиши керак. Экспертиза хулосасида бино хоналарининг яроқлиги (ёнғинга қарши қурилмалар билан жиҳозланганлиги, техникавий мустаҳкамлиги)ни, хонанинг иситиш, совутиш ва шамоллатиш тизимлари мавжудлиги ва талабга жавоб бериши кўрсатиб ўтилади.

Эксперт комиссияси таркибига архив, қўриқлаш, ёнғин ҳавфсизлиги, санитария, фойдаланиш ва бошқа йўналиш хизмати вакиллари жалб этилган ҳолда ўтказилади. Экспертиза натижалари далолатнома шаклида расмийлаштирилади.

Бино (хоналар) фойдаланиш талабларига (техник, санитария-гигиена ва ҳ. жавоб бермаса, шу жумладан, умумий овқатланиш хизмати, озиқ-овқат омборлари ҳамда агрессив ва ёнувчан моддалар ёки хавфли кимёвий технологияларни қўлловчи ташкилотлар билан бир бинода жойлаштириш таъкиқланади.

Қўйидагилар идоравий архивнинг асосий иш хоналари ҳисобланади:

а) ҳужжатларни сақлаш учун сақловхоналар;

б) хужжатларни қабул қилиш жараёнида уларни вақтинга сақлаш, шароитга мослаштириш ва бошқа ёрдамчи ишларни бажариш учун хоналар;

в) хужжатлардан фойдаланиш хоналари (ўқувхоналар, хужжатларни фойдаланишга бериш, ҳисобга олиш, илмий-маълумотнома аппарати жойлаштирилган хоналар;

г) архив ходимларининг хизмат хоналари.

Алоҳида хоналарнинг асосий ва ёрдамчи қисмларини тўсиқлар билан ажратиб кўп мақсадда фойдаланишга йўл қўйилади.

Сақловхоналар учун алоҳида хоналар ажратилган улар ишлаб чиқариш, омборхона ва майший хоналардан узокда жойлашган бўлиши ҳамда улар билан туташган шамоллатиш каналларига эга бўлмаслиги лозим.

Сақловхоналар ёнғинга қарши маҳсус билдиргичлар билан жиҳозланган, сув хавзалари ва қувурларидан узокда жойлашган ҳамда хоналарда газ, сув қувурлари ўтмаган ва албатта захира чиқиши йўлига бўлиши шарт.

Сақлов учун ажратилган хоналардаги электр ўтказгичлари хавфсиз (ёпиқ) ҳолда бўлиши лозим. Кўчириб олиб юриладиган электр асбоблари (чанг ютгичлар, чироқ ва б.) учун штепсел розеткалари ўта зич, ёпиқ ҳолда жойлаштирилган бўлиши лозим. Бундай электр асбобларнинг симлари резина қопламали бўлиши лозим.

Сақловхоналар ундан ташқарида жойлашган умумий ўчириш рубильниклари билан жиҳозланган бўлиши талаб этилади. Ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш мақсадида барча электр асбоблари ерга уланган бўлиши лозим.

Сақловхоналар ва хужжатлар билан иш олиб бориладиган бошқа хоналар ёнғин ва кўриклиш билдиргичлари билан жиҳозланиши керак. Ёнғинни ўчириш тизимлари ва воситаларида хужжатлар учун зарар, хавфсиз моддалар кўлланилиши шарт.

Архив хоналарида оловдан, иситиши асбобларидан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва енгил ўт олувчи моддаларни сақлаш ман этилади. Хоналарни таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа ишлар хужжатларни сақлашдаги хавфсизлик чораларига риоя этган ҳолда олиб борилади.

### **3-§. Хужжатларни сақлаш тартиби**

162. Хужжатлар бузилишдан, уларга путур етказишдан, атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан ва уларнинг йўқолишидан ҳимоялашни таъминлайдиган шароитларда сақланиши лозим.

163. Сақловхоналарда хужжатлар турлари хусусиятини инобатга олган ҳолда ҳарорат-намлик тартиби белгиланган меъёрда оқилона ушлаб турилиши лозим.

Қоғоз асосдаги хужжатларни сақлаш учун ҳавонинг ҳарорати  $+17\text{--}20^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 55-60 %, оқ-қора пленкали асосдаги хужжатлар учун ҳавонинг ҳарорати  $+15\text{--}20^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 40-55 %, рангли пленка асосдагилар учун ҳавонинг ҳарорати  $+2\text{--}-4^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 40-55 %, магнит тасмалардаги ва дискли ахборот ташувчилардаги хужжатлар учун ҳавонинг ҳарорати  $+15\text{--}-20^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 55-60 % бўлиши лозим.

Ҳавонинг ҳарорати ва намлигини кескин ўзгариб туришига йўл қўйилмайди.

164. Иқлими бошқарилмайдиган хоналарда сақловнинг иқлим шароитини талаблар даражасида ушлаб туриш учун мўлжаллланаган хонани шамоллатиш, ҳавони намлайдиган ёки қуритадиган қўшимча воситаларни ўрнатиш тавсия этилади.

165. Хужжатларни сақлашни ҳарорат-намлик режими ҳавонинг иқлим кўрсатгичларини мунтазам ўлчаш йўли билан назорат этиб борилади: кондиционер мавжуд бўлган хоналарда ҳафтасига бир марта, иқлими бошқарилмайдиган хоналарда эса ҳафтасига икки марта; сақлаш режими бузилган ҳолларда – ҳар куни бир хил вақтда текшириб борилади.

Назорат-ўлчаш асбобларининг (термометр, психрометр, гигрометр) кўрсаткичи маҳсус қайд этиш дафтарига (16-илова) ёзib борилади. “Эслатма” устунида асбоблар кўрсаткичининг тўғрилигини текшириш ва ҳужжатларнинг сақлаш режимини меъёрлаштириш учун кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар акс эттириб борилади.

Назорат-ўлчаш асбоблари хонани асосий ўтиш жойларида, жавонларда, иситиш ва совутиш тизимлари, шу жумладан қуёш нурдан узоқроқда жойлаштирилади.

166. Ҳужжатларнинг доимий сақлови қоронгиликда амалга оширилади. Ҳужжатлар юзасидан бажариладиган барча амаллар чекланган ёки технологик ёруғлик даражасида олиб борилади.

Сақловхоналарни ёритишида табиий ва сунъий ёритиши усулидан фойдаланилади.

167. Сақловхоналарда ёйилган нур билан, деразаларда нурни ёйиш воситалари, ҳимояловчи фильтрлар, жалозалар қўллаш, дераза ойналарини бўяш шартлари бажарилган ҳолда табиий ёритишидан фойдаланиш .

Табиий ва сунъий ёритувчи нурнинг зарарли таъсиридан ҳужжатларни ҳимоя этиш учун уларни муқоваларда, жилдларда, қутиларда, очик ёки ёпиқ турдаги жавонларда, ўрам қофозларда сақлаш усулидан фойдаланилади.

Электрон ахборот ташувчилар (дискеталар, CD-дисклар, магнитооптик дисклар, флэш-хотира ва б.)даги ҳужжатлар ерга уланиш контури бўлган ёпиқ металл жавонларда, электромагнетик ва электростатик майдонларнинг таъсиридан, шу жумладан, қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишидан ҳимояланган ҳолда сақланиши лозим.

168. Сунъий ёритиши учун текис сиртли ёпиқ плафонларда чўғланиш лампалари қўлланади. Ультрафиолет нурли спектри кирқилган ЛБ, ЛХБ, ЛТБ туридаги люминесцент лампалардан фойдаланишга рухсат этилади.

169. Кўринадиган спектрли диапазондаги ёритилганлик даражаси : иш столида – 100 лк (люкс), жавонларнинг вертикал юзасида полдан 1 м баландлиқда – 20-50 лк (люкс)дан кўп бўлмаслиги лозим.

170. Сақловхоналар мотор, ҳашаротлар, кемирувчилар, чанг пайдо бўлишини олдини оладиган шароитларда, тоза ҳолда ушлаб турилиши лозим.

171. Иқлими бошқарилмайдиган сақловхоналарда санитар-биологик жиҳатдан ҳавфли ҳисобланувчи шамолланмайдиган зоналар келиб чиқишига йўл қўймайдиган ҳолда ҳавонинг эркин айланиши таъминланган бўлиши лозим.

172. Очиладиган деразалар, шу жумладан, шамоллатиш тизими тиркишлари диаметри 0,5 мм гача бўлган катакли тўрлар билан ҳимояланган бўлиши лозим.

173. Сақловхоналарда устки кийимда (пальто, куртка, плашларда), нам ва кир оёқ кийимида юриш, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва сақлаш, чекиш, электр иситиш асбобларидан фойдаланиш таъкиданади.

174. Сақловхоналарда мунтазам равища ҳўл материал билан тозалаш ишларини бажариб бориш лозим. Бир йилда камида бир марта жавонларни, боғламлар ва ҳужжатлар солинган қутиларни (сақлов воситаларини) чангдан тозалаш, полларни, плинтусларни, дераза токчаларини антисептикларнинг сувли эритмалари (2 % формалин, 5 % АБ катамин ва б.) билан ишловдан ўтказиб туриш талаб этилади.

Биологик зааркунданалар аниқланган ҳолларда хоналарни архив, санэпидстанция ёки карантин хизмати кучлари билан дезинфекциялаш ва десинсекциялаш бўйича зудлик чоралари кўрилади.

175. Тозалаш ва санитария ишлари олиб борилаётганда сув ва антисептик аралашмалар ҳужжатларга тегмаслиги керак.

176. Кўриқлаш режими техникавий ҳимоялаш воситалари, кўриқлаш тизимини ташкил этиш, кўриқлаш сигнализациялари, рухсатномали режим, сақловхоналарга киритиш тартиби, сақловхоналарни муҳрлаш (пломбалаш) орқали таъминланади. Архивнинг ташкии деворлари металл тунука билан қопланган ва мустаҳкам илгакли

бўлиши лозим. Четдан кириш қулай бўлган деразаларга ташқарига очиладиган металл панжара ўрнатилиши лозим.

Иш вақтида сақловхоналар қулфланган бўлиши керак. Сақловхонага кириш хуқуки унинг ходимлари ва мудирга берилади. Бегона шахсларга масъул ҳодим рухсати ва назоратисиз архив хонасига киришга рухсат берилмайди.

Архивдан ҳужжатларни олиб чиқиш белгиланган тартибда маҳсус рухсатномалар асосида амалга оширилади.

177. Кўриқлаш режими вақтинча архив ҳужжатлари ва моддий бойликлар сақланаётган хоналар (ўқув зали, лаборатория ва б.)га ҳам ўрнатилиши шарт.

#### **4-§. Сақловхонада ҳужжатларни жойлаштириш тартиби**

178. Сақловхоналарда ҳужжатлар уларни ҳисобга олиш ҳужжатларга мувофиқ мажмуий сақлаш ва тезкор қидиришни таъминловчи тартибда жойлаштирилади. Архивда ҳужжатларни жойлаштириш тартиби уларни жойлаштириш режаси (чизмаси) бўйича белгиланади.

179. Сақловхоналар кўчмас ва қўчма жавонлар билан жиҳозланади. Ёғоч жавонлар билан жиҳозлашга даврий равишда ёнғинга қарши таркиблар билан ишлов бериб турилганда рухсат этилади. Ёрдамчи сақлов воситалари сифатида металл жавонлар, сейфлар, шкафлар, токчалари ва тўсиқли деворлари металлдан бўлган бокслар ва шу кабилар қўлланади.

180. Жавонлар ва бошқа очиқ сақлов воситаларини деразали деворларга тик (перпендикуляр), деразаси бўлмаган хоналарда эса – хонанинг ва қурилмаларининг хусусиятларини инобатга олиб ўрнаштирилади. Жавонларни ташқи деворларга ва иситиш манбаларига тақаб қўйишга йўл қўйилмайди.

Жавонларни ўрнатиш қўйидаги меъёрларга мувофиқ амалга оширилади:  
жавонларнинг қаторлари орасидаги масофа (асосий ўтиш йўли кенглиги) – 120 см;

жавонлар орасидаги масофа (ўтиш йўли) – 75 см;  
ташқи девор билан жавоннинг ён томони орасидаги масофа – 45 см;  
токчалар орасидаги масофа – 40 см;  
пол билан жавоннинг пастки токчаси орасидаги масофа – камида 15 см, кўп қаватли бинонинг энг пастки (цокол) қаватида эса – камида 30 см;

жавоннинг юқори токчаси билан шифтгача бўлган бўш масофа – 30 см.  
Алоҳида шаклдаги ҳужжатлар (газеталар, хариталар, режалар, чизмалар ва б.) учун мўлжалланган жавонларнинг, шу жумладан, уларнинг ўлчамлари шу ҳужжатларнинг ўлчамларидан келиб чиқиб аникланади.

Силжиб турувчи қисмлари бўлган жиҳозлар (кутилар, секциялар, эшикчалар) улар учун белгиланган ўлчам турларини инобатга олган ҳолда ўрнатилади.

181. Ҳужжатлар жавонларда бирламчи химоя воситаларидан фойдаланган ҳолда жойлаштирилади:

қоғоз асосдаги доимий сақланадиган ҳужжатлар кутиларда, тубусларда, жилдларда жойланади, уларни ўралган ҳолда сақлашга ҳам йўл қўйилади;

узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар қалинлиги 20 см(гача) бўлган боғлам кўринишида жойланади;

узоқ муддат сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар доимий сақланадиган ҳужжатлардан алоҳида жойланади;

вақтинча сақланадиган ҳужжатларни токчаларда тик (вертикал) ҳолда боғланмаган ҳолда жойланишига йўл қўйилади;

суғурта ва фойдаланиш фонди микрофильмлари андоза ва химоя ракордларига эга, фотоқатлами ташқарига қаратилиб, рулон шаклида ўзакга ўраладиган ва металл кутиларда сақланадиган бўлиши лозим.

182. Электрон ҳужжатлар ташкилотнинг фақат архив заҳираларини сақлаш учун ишлатиладиган, катта диск мақомига эга алоҳида компьютерда сақланиши лозим.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бу компьютерни ташкилотнинг локал компьютер тармоғига ёки Интернетга улаш, шу жумладан, архив сақлови ишларидан ўзгача мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Электрон (ташқи) ахборот ташувчилардаги электрон ҳужжатларни ва бошқа ахборот заҳираларини мазкур бўлимнинг 3-§ да қайд этилган шартларга мувофиқ нусхаларини қўпайтириш жуда муҳимдир.

183. ЭҲларни сақлашдаги мажбурий шартлар қўйидагилардан иборат:

архивда ЭҲларни сақлаш, нусха олиш ва ўқиши (кўрсатиш), қайта янги шаклга ўтказиши (ёзиш), алоқа каналлари орқали узатиш ва б. амалларни бажариш учун дастурий-аппарат воситаларининг мавжудлиги;

ахборот олиш имкони берилган тоифадаги фойдаланувчиларга рухсат беришни ҳамда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояни (тегишли техникавий воситаларни ва меъёрларни қўллаган ҳолда) таъминлаш;

ахборотнинг йўқолишига, йўқ қилинишига ёки ўзгартирилишига йўл қўйилмаган ҳолда ЭҲларнинг сақлаш тартибини таъминлаш.

ЭҲни сақлаш артибини таъминлаш ЭҲлар ташувчиларининг сақланишини керакли артибда ушлаб турилишини ҳам кўзда тутади.

Ахборот манбаининг жисмоний ва маънавий эскириши мобайнида ЭҲни янги замонавий ахборот манбаи қайта ёзиш амалга оширилиши лозим.

ЭҲларни ҳисобга олиш, излаш ва кўрсатишни автоматлаштириш бўйича дастурий воситаларни қўллаш тавсия этилади.

184. Қўйидагиларга йўл қўйилмайди:

- а) ҳужжатларни полда, дераза токчаларида, номаълум ўрамларда жойлаштириш;
- б) электрон ташувчиларни электромагнит нурлари ва майдонлари манбалари яқинлигига қолдириш ёки сақлаш.

## 5-§. Топографиялаш

185. Архивнинг барча хоналари, шу жумладан, жавонлар, токчалар араб рақамлари билан рақамланади.

Алоҳида хоналардаги жавонлар, токчалар юқоридан пастга, чапдан ўнгга қараб рақамланади. Рақамлар аниқ, жавоннинг бўёқ фонида якъол кўринадиган қилиб қўйилиши лозим.

186. Сақловхоналарда ҳужжатларнинг сақлашниш жойларини белгилаб қўйиши мақсадида жавонлар бўйича, катта ҳажмда фондлар бўлган ҳолларда эса, фондлар бўйича топографик кўрсатгичлар тузилади.

Стеллажлар бўйича топографик кўрсатгичлар (мазкур Коидаларнинг 17-иловаси) ҳар бир жавон учун тузилади ва улар ҳар бир хонада джавонларнинг тартиб рақамлари бўйича жойлаштириб чиқилади.

Фонdlар бўйича топографик кўрсатгичлар (мазкур Коидаларнинг 18-иловаси) ҳар бир фонд учун тузилиб, фондларнинг тартиб рақамлари бўйича жойлаштирилади. Зарур бўлган ҳолларда қўшимча равишда идоравий архив томонидан ташкилотнинг таркибий бўлинмаларини инобатга олиб, архивда сақланаётган ҳужжатларни топографиялаш амалга оширилади.

## 6-§. Сақловхонадаги йиғмажилларни бериш тартиби

187. Сақловхонадаги йиғмажиллар қўйидаги мақсадларда:

ташкилот ходимлари фойдаланиши учун;

фойдаланувчиларга ўқувхоналарда илмий ва бошқа тадқиқотлар учун;

хужжатлар билан архив ишларини бажариш учун;  
сүғурта нусхаларни олиш ва хужжатнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ишлов бериш учун;  
бошқа ташкилотларга вақтингча фойдаланишлари учун берилади.

188. Йиғмажилдлар вақтингча фойдаланиш учун қуидаги муддатлардан ошмаган ҳолда:

ташкилот ходимлари томонидан фойдаланиш учун – 1 ой;  
ўқувхоналарда фойдаланиш учун – 1 ой;  
бошқа ташкилотлар вақтингча фойдаланишлари учун – 3 ой;  
хужжатларни кўргазмаси учун – 6 ой муддатга берилади.

Вақтингча фойдаланишга берилган хужжатларнинг белгиланган муддатларини чўзишга алоҳида ҳолларда, фойдаланувчининг хужжатларни сақлаш тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқномаси ва ташкилот раҳбарининг рухсати бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

189. Йиғмажилдларни сүғурта фондини яратиш, нусха олиш ва махсус ишловдан ўтказиш ишларини бажариш учун берилиши, шу ишларни бажариш учун сўров асосида амалга оширилади.

190. Сақловхонадаги йиғмажилдларни бериш қуидаги хужжатлар асосида расмийлаштирилади:

ташкилот ходимлари ва ўқувхоналарга бериш – йиғмажилдни бериш тўғрисидаги буюртма (талабнома) бўйича (мазкур Қоидаларнинг 19-иловаси);

бошқа ташкилотларга ёки кўргазма учун бериш – йиғмажилдни вақтингча фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги далолатнома бўйича (мазкур Қоидаларнинг 20-иловаси);

сүғурта фондини яратиш ва нусха олиш бўйича ишларни амалга ошириш учун буюртма.

191. Сақловхонадаги йиғмажилдларни бериш қуидаги китобларда қайд этилади (мазкур Қоидаларнинг 20-иловаси):

ташкилот ходимларига йиғмажилдларни бериш китоби;  
ўқувхоналарга йиғмажилдларни бериш китоби;

бошқа ташкилотларга йиғмажилдларни вақтингча фойдаланишга бериш китоби.

192. Фойдаланувчиларнинг бажарилган буюртмалари (талабномалари) фойдаланувчиларнинг шахсий жилдларида сақланади, қолган барчаси – уларни сақлаш муддати тугагунга қадар сақланади. Талабномаларни йиғмажилдларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш ўтказилгунга қадар сақлаш мақсадгага мувофиқ.

193. Йиғмажилдларни вақтингча фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга бериш икки нусхада тузилувчи далолатнома билан расмийлаштирилади, нусхаларнинг бири идоравий архивда қолдирилади, иккинчиси йиғмажилдни олаётган томонга берилади. Далолатнома йиғмажилдни берувчи-ташкилотнинг раҳбари ва олувчи-ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланади; имзоларга ташкилотларнинг гербли (юмалоқ) муҳрлари қўйилади. Йиғмажилд қайтарилгандан кейин далолатноманинг ҳар иккала нусхасига йиғмажилд қайтарилган сана ва унинг ҳолати ҳусусида тегишли белги қўйилади; нусхаларнинг бири олувчи-ташкилотда қолади, бошқаси йиғмажилдни берган идоравий архив фондидаги йиғмажилдда сақланади.

194. Йиғмажилдлардан нусха олиш, уларни таъмирлаш, муқовалаш учун йўллаш буюртма билан расмийлаштирилади. Буюртмани бошқа ташкилотга “вақтингча фойдаланиш учун бериш” далолатномасининг шакли бўйича 2 нусхада идоравий архивда расмийлаштирилади ва ташкилот ёки унинг таркибий тузилмаси архивни олувчи таркибий бўлинма раҳбари ҳамда бухгалтер томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси идоравий архивда, бошқаси эса, йиғмажилдлардан нусха олиш, уларни таъмирлаш ва муқовалаш учун юборилаётган ташкилотга берилади.

195. Сақловхонадан йиғмажиллардан фойдаланиш ва нусха олиш, таъмирлаш, муқовалаш учун фақат қайта ишланган ҳолда берилади.

Сақловхонадаги йиғмажилларни беришдан олдин унинг муқовасидаги шифр ва сарлавҳасининг рўйхатдаги шифр ва сарлавҳага мослиги текширилади; сақловхонада йиғмажилдни бериш ва қайтиб олишда ҳар бир йиғмажилд хужжатларининг ҳолати ва варақларини рақамланиши текширилади.

Ҳар бир берилган йиғмажилд белгиланган фойдаланиш варагига (мазкур Қоидаларнинг 22-иловаси) эга бўлиши лозим.

196. Сақловхонадаги йиғмажилд берилаётганда у турган жойга ўринбосар-карта (мазкур Қоидаларнинг 23-иловаси) кўйилиб, унда йиғмажилднинг тартиб рақами, рўйхатнинг тартиб рақами, фонднинг тартиб рақами, йиғмажилд қачон ва кимга берилганлиги, уни қайтариш санаси ва йиғмажилдни берган ходимнинг имзоси ва лавозими кўрсатилади.

Йиғмажилд сақловхонага қайтарилиганда ўринбосар-карта олиб қўйилади. Қайтариб берилган йиғмажилларнинг ўринбосар-карталари заруратга кўра сақланади.

197. Фойдаланиб бўлингандан сўнг идоравий архивга қайтарилаётган йиғмажилднинг ҳолати уни қайтараётган шахснинг иштирокида текшириб чиқилиши лозим.

Йиғмажилд ёки алоҳида варақларнинг камомади, шу жумладан, йиғмажилд ва хужжатларга зарар (путур) етказилганлиги аниқланган ҳолларда ушбу ҳол юзасидан идоравий архив ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилиб, бир нусхаси хужжатлардан фойдаланган ўқувхона тадқиқотчиси ёки ташкилотнинг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун берилади, иккинчиси эса, идоравий архивда қолади.

198. Хужжатлар бошқа жойга кўчирилган ҳолларда уларнинг сақловини таъминлашга қаратилган чораларга риоя этилиши лозим.

199. Хужжатлар архивдан ташқарига кўчириладиган ҳолларда, уларни ёғингарчиликдан, ёруғлиқдан, механик заарланишдан сақлашни таъминловчи маҳсус ўрамаларни кўллаш йўли билан ташқи мухитнинг заарли омиллари таъсиридан сақлаш ва ҳимоялаш чоралари кўрилиши лозим.

## **7-§. Қоғоз асосдаги хужжатларнинг жисмоний-кимёвий сақловини таъминлаш**

200. Матни ёки асосида жисмоний (хужжатнинг бир қисми йўқолган, варақлар йиртилган ва шу каби) нуқсонлар борлиги аниқланган доимий сақловдаги хужжатлар дафтарда (мазкур Қоидаларнинг 24-иловаси) ёки хужжатларнинг жисмоний ҳолатини ҳисобга олиб борувчи картотекада қайд этилади. Ушбу картотекада кейинчалик хужжат устида бажарилиши лозим бўлган ишловлар (таъмирлаш, дезинфекция, нусха олиш, микрофильмлаш, рақамли шаклга ўтказиш) кўрсатилиб, хужжатнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ чоралар белгиланади.

201. Ҳашаротлар ва моғор билан заарланган йиғмажиллар ва хужжатлар уларнинг қимматдорлигидан қатъий назар зудлик билан қайта ишлов (дезинфекция, дезинсекция) қилишга берилиши лозим.

## **8-§. Йиғмажиллар, хужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш**

202. Йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини текшириш сақлов бирликларининг ҳақиқатда мавжудлигини ва уларнинг сони ҳисобга олиш хужжатларидағига мос келишини белгилаш, профилактик ишлов ва таъмирланишини талаб этадиган йиғмажилларни ва хужжатларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Текширув мобайнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

архив сақловида бўлган йиғмажиллар ва хужжатларнинг амалда мавжудлигини аниқлаш;

хужжатлар ҳисобини юритишдаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш;

етишмаётган йиғмажиллар ва хужжатларни аниқлаш ҳамда уларнинг кидирувини ташкил этиш;

таъмирлаш, профилактик ишлов берилишини талааб қилувчи йиғмажиллар ва хужжатларни аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш.

203. Йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш ҳар 5 йилда камида бир марта, электрон ҳужжатлар – 3 йилда бир марта, уларни давлат сақловига топширилаётган пайтда эса - мажбурий тарзда ўтказилади.

Идоравий архивда бир вақтдаги йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини бирламчи текшириш қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

бошқа хонага ўтказилганда;

йиғмажилларни бошқа жойга кўчирилишига (эвакуация қилишга) сабаб бўлган фавқулодда вазиятлар ёки сақловхонага бегона шахслар кирганлиги маълум бўлганда;

архив мудири ёки архив иши учун масъул шахс ўзгарганда;

ташкилот тутатилаётганда ёки қайта тузилаётганда.

204. Йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш ўтказилаётганда қўйидагилар бажарилиши лозим:

йиғмажилларни жавонларда ва бирламчи сақлов воситалари (кутилар, жиллар, боғламлар)даги жойлашиш тартиби ўзгармасдан қолиши;

текширув мобайнида муайян ўрнига қўйилмаган ёки маълум бир мақсадда олинган ҳужжатларни ўз ўрнига қўйиш;

ҳар бир топилмаган йиғмажилд учун варақа (мазкур Қоидаларнинг 25-иловаси) тузиш. Топилмаган йиғмажилларнинг варақалари топилмаган йиғмажилларнинг картотекасига қўйилади;

рўйхатга киритилмаган йиғмажилларни ажратиб олиш;

моғор ёки бошқа биологик заарқунандалар билан заарланган йиғмажилларни ажратиб олиш ва бошқа йиғмажиллардан ажратиб олиб қўйиш (изоляция қилиш).

Текширув давомида ҳисобга олинмаган йиғмажилларни рўйхатга киритиш таъқиқланади.

205. Йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш бўйича ишлар бошланишидан олдин илгариги текширув натижалари ўрганиб чиқилади, йиғма рўйхатнинг ҳар йиллик бўлимидаги йиғмажиллар рақамланишининг тўғрилиги, йиғмажилларнинг рақамланиши якуний ёзув ва фонд варақларидағи маълумотларга мослиги текширилади.

206. Йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш рўйхатнинг тавсифий матнини йиғмажилднинг муқовасидаги изоҳли ёзувлар (шифри, фондни ҳосил қилувчи ва унинг таркибий бўлинмалари номи, иш юритишдаги индекслари, йиғмажиллар сарлавҳалари, йиғмажилд санаси, варақлар сони) билан солишириш йўли орқали олиб борилади.

Йиғмажилднинг жисмоний ҳолати ташқи кузатиш орқали аниқланади. Аниқланган барча камчиликлар олдин текширув варағида (мазкур Қоидаларнинг 26-иловаси), сўнг текширув натижалари далолатномасида (мазкур Қоидаларнинг 27-иловаси) кўрсатилади.

Текширув давомида йиғмажилларнинг рўйхатларида, ҳисобга олиш ҳужжатларига бирор-бир белги қўйиш ёки ёзувлар киритиш таъқиқланади.

207. Ўқувхонага, ташкилот ходимларига, вақтинча фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга берилган йиғмажиллар тегишли китоб ва далолатнома бўйича текширилади ҳамда улар мавжуд деб хисобланади.

208. Фонддаги йиғмажиллар ва хужжатларнинг мавжудлигини ҳамда ҳолатини текшириш варағи бевосита текширув давомида фонднинг барча хужжатлари учун

тузилади. Фонднинг ҳажми катта бўлган ёки рўйхатларнинг сони кўп бўлган ҳолларда ҳар бир рўйхатга алоҳида вараг тузилишига йўл қўйилади. Текшириш вараглари ҳар бир фонднинг текшируви доирасидаги тартиб рақами бўйича рақамланади ва ижрочи томонидан имзоланади.

Йиғмажиллар ва ҳужжатларнинг мавжудлигини ҳамда ҳолатини текшириш давомида текширув вараги жадвали бўйича кўзда тутилмаган камчиликлар аниқланган ҳолларда текширув варагига қўшимча устунлар киритилади.

Фонднинг текшируви тугагандан сўнг текширув вараглари шу фонднинг ииғмажилларига қўшиб қўйилади. Агар текширув натижасида камчиликлар топилмаган бўлса, у ҳолда текширув вараги тузилмайди.

209. Йиғмажиллар, ҳужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатининг текшириш ишлари тугагандан сўнг ҳар бир рўйхатнинг тугаш қисмида, тасдиқ ёзувидан кейин “Текширилган” деб ёзиб қўйилади ва текширув санаси қўйилиб, текширувчи томонидан лавозими қўрсатилган ҳолда имзоланади.

Текширув варагидаги якуний ёзув асосида фонддаги йиғмажиллар, ҳужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш далолатномаси тузилади (мазкур Қоидаларнинг 27-иловаси). Далолатнома текширув ўтказган ходим томондан имзоланиб, ташкилот ёки идоравий архив тузилмасига олган таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади. Далолатномалар фонд доирасидаги текширувларнинг тартиби бўйича рақамланади ва тасдиқлангандан кейин тегишли фонднинг йиғмажилдига қўшиб қўйилади. Агар далолатномалар асосида аниқланган камчиликлар мавжуд бўлса, бартараф этиш ишлари амалга оширилади.

210. Текширувда йиғмажилларнинг камомади аниқланган бўлса, у ҳолда уларни излаб топиш ишлари ташкил этилади.

Бу мақсадларда қуйидагилар тавсия этилади:

сақловхонадаги йиғмажилларни бериш бўйича барча ҳисобга олиш ҳужжатларини ўрганиб чиқиш;

текширувда топилмаган йиғмажилларнинг топширув рўйхатларини ўрганиб чиқиш ва ундан сўнг мазкур йиғмажилларни фаолияти давомида ҳосил қилган таркибий бўлинмалардан қидиришни ташкил этиш;

ёнма-ён жойлашган фондлардаги йиғмажилларни текшириб чиқиш;

фонд йиғмажилдини ўрганиш (йиғмажилларнинг сақловга нолойик деб ҳисобланган ҳужжатларини йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатномалар, йиғмажилларни вақтинча фойдаланиш учун бериш далолатномалари, фонднинг мавжудлигини ва ҳолатини текшириш бўйича илгари тузилган далолатномалар).

Қидиришни йиғмажилларнинг мавжудлиги текшируви тугагандан сўнг йил давомида амалга ошириш тавсия этилади.

211. Қидирув натижасида топилган йиғмажиллар жойига қўйилади ва топилмаган йиғмажилларнинг картотекасидаги тегишли варагага “Топилди ва фондга жойланди” деб ёзилиб, сана, ходимнинг лавозими ва имзоси қўрсатилади.

Мавжуд эмаслиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган йиғмажиллар рўйхатлардан ва бошқа ҳисобга олиш ҳужжатларидан ўрнатилган тартибда ўчирилади. Тегишли варагларда йиғмажилдинг топилмаганлигини тасдиқловчи далолатноманинг тартиб рақами ва санаси қўрсатилади ҳамда қидирув ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома тузилади. Қидирув натижалари МЭК (ЭК)да муҳокама этилиб, унинг натижаси ташкилот раҳбари томондан тасдиқлангандан сўнг топилмаган йиғмажиллар ҳисобдан олиб ташланади.

212. Йиғмажилдинг мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар:

йиғмажиллар ва ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисида далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 7-иловаси);

қидирув йўли тугаган (қолмаган) йиғмажилларнинг топилмаганлиги тўғрисидаги далолатнома;

хужжатларни давлат архивига ва бошқа ташкилотларга топшириш-қабул қилиш далолатномаси (мазкур Қоидаларнинг 15-иловаси).

213. Йиғмажиллар, хужжатларнинг мавжудлигини ва ҳолатини текшируви текширув натижасида кўрилаётган фонднинг ҳисобга олиш хужжатларига ўзгартиришлар киритилгандан ва доимий сақланадиган йиғмажиллар тўғрисидаги тегишли маълумотлар ЭТК тасдиқлаган йиғмажиллар рўйхатининг назорат нусхаларига ўзгартиришлар киритиш учун давлат архивига тақдим этилгандан сўнг яқунланган ҳисобланади.

### **9-§. Архивнинг ўта қимматли хужжатлари**

214. Идоравий архив тегишли давлат архиви билан келишув бўйича ўта қимматли хужжатларни аниқлашни амалга оширади ва уларнинг ҳисобини олиб боради.

Ҳар бир фонднинг аниқланган ўта қимматли хужжатларига рўйхат тузилиб, ташкилотнинг ЭК да кўриб чиқилади ва тегишли давлат архиви билан келишилади, сўнгра ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади (мазкур Қоидаларнинг 28-иловаси).

### **10-§. Суғурта ва фойдаланиш фонди**

215. Ташкилотнинг ўта қимматли хужжатларига суғурта фонди яратилади. Суғурта фонди қўйидаги усулларда яратилади:

микрофильмлаш;  
архив хужжатини ракамли шаклга ўтказиш (хужжатларнинг электрон нусхаларини планшет сканердан ўтказиш, суратга тушириш ва б.).

Рақамли шаклга ўтказиш замонавий ва истиқболли усул ҳисобланади. Бу усулда сақланган ахборот келгусида ундан фойдаланиш жиҳатдан олганда қулай шаклда тақдим этилади.

Идоравий архивда сақланаётган хужжатларнинг суғурта нусхаларини мажмуаси суғурта фондини ташкил этади. Суғурта фонди қимматли хужжатлаштирилган ахборотни асл хужжатлар йўқолганда ёки уларга жиддий путур етказилганда сақлаб қолиш мақсадида яратилади.

Хужжатларни микрофильмлаш учун суғурта фондининг рўйхати тузилади (мазкур Қоидаларнинг 29-иловаси) ва уни ташкилотнинг ЭК да кўриб чиқилиб, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

216. Суғурта фонди билан бир вактда фойдаланиш фонди ҳам яратилади (позитив микрофильмлар ёки маҳсус шу мақсадда суғурта нусхалар асосида яратилган маълумотлар базаси).

Фойдаланиш фонди мақсадли тартибда, кўп фойдаланиладиган хужжатларнинг мажмуалари учун ҳам хужжатнинг асл нусхаси билан бир хил бўлишини таъминлаган ҳолда ксеронусха олиш ёки хужжатларни электрон ташувчиларда нусхаларини олиш йўли билан яратилади.

217. Суғурта фонди ва фойдаланиш фонди давлат архивларида суғурта фондини яратиш тўғрисидаги низом асосида яратилади.

## **V. БОБ. Идоравий архивда хужжатларни ташкил этиш**

### **1-§. Ташкилотнинг хужжатли ва архив фонди**

218. Ташкилотнинг фаолияти давомида ҳосил бўладиган барча хужжатлар мажмуи унинг хужжатли фондини ташкил этади.

Ўз фаолияти жараёнида хужжатли (архив) фондни яратадиган ташкилот фонд ташкил этувчи ташкилот ҳисобланади.

219. Ташкилот фаолиятида ҳосил бўлувчи хужжатлар сақлов муддатлари бўйича куйидагиларга бўлинади:

доимий (абадий) сақловдаги хужжатлар;  
вақтинча (узоқ ва қисқа муддатли) сақланадиган хужжатлар.

Доимий сақлов хужжатлари, яъни тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган хужжатлар ЎзР МАФнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Хужжатларни сақлаш муддатлари республика ташкилотлари фаолияти давомида ҳосил бўладиган бошқарув хужжатларининг сақлов муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхати ҳамда амалдаги идоравий соҳавий хужжатлар рўйхатларига мувофиқ уларнинг қимматдорлигини экспертиза қилиш асосида белгиланади.

220. Архив фонди қуйидаги турлардан иборат:

ташкилотнинг иш юритиш фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган хужжатлардан таркиб топган ташкилот архив фонди;

алоҳида шахснинг, оиласнинг фаолияти ва ҳаётий жараёни давомида ҳосил бўлган хужжатлардан таркиб топган ва идоравий архивга сақлаш учун олинган шахсий келиб чиқиш архив фонди;

турлича келиб чиқишидаги алоҳида хужжатларнинг бир ёки бир нечта белгиси (мавзуси, номинали, объекти, муаллифи, даври ва б.)га кўра бирлаштирилган мажмуаси – хужжатлар коллекцияси.

## **2-§. Хужжатларнинг архив доирасидаги таснифланиши.**

### **Архив хужжатларининг фонд бўйича мансублигини аниқлаш ва архив фондини ҳосил қилиш**

221. Хужжатларнинг идоравий архив доирасидаги таснифланиши бу уларни фондлар ва коллекциялар бўйича гурухланиши ҳисобланади. Фонд - идоравий архив хужжатларининг асосий таснифлаш ва ҳисобга олиш бирлигидир.

Хужжатларни фондлар ва коллекциялар бўйича таснифлаш фондлаш ҳисобланади.

Ташкилот хужжатларининг фондларга мансублигини аниқлаш, уларни тегишли ташкилот-фонд ташкил қилувчининг фондига бириктириш ва фонд хужжатлари даврий чегараларини аниқлашдан иборат.

222. Ташкилот хужжатларининг фондларга мансублигини аниқлашда куйидагиларни инобатга олиш лозим:

ички муомаладаги хужжатлар қайси ташкилотда тузилган бўлса, ўша ташкилот фондига бириктирилади, уларни фондлар бўйича тегишлилиги ташкилотнинг номи, имзолар, иш юритишдаги белгилари, мазмuni орқали аниқланади;

кириб келаётган (кириш) хужжатларни қайси ташкилот қабул қилиб олган бўлса, ўша ташкилот фондига бириктирилади; уларни фондлар бўйича тегишлилиги қабул қилиб олувчининг манзили, рўйхатга олиш штампи, ижрога юбориш тўғрисидаги кўрсатма ва белгилар, хужжатнинг мазмuni орқали аниқланади;

чиқиш хужжатларининг нусхалари муаллиф ҳисобланган ташкилот фондига бириктирилади; уларни фондлар бўйича тегишлилиги имзолар, иш юритишдаги белгилари, хужжатнинг мазмuni орқали аниқланади.

223. Ташкилотнинг ва унинг ҳузурида фаолият юритувчи бирламчи жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари ва б.)нинг ҳужжатлари ягона архив фондини ташкил этади.

224. Қуидаги ҳужжатлар ўзгармас бир хил фондни ташкил этади:

ташкилот фаолиятини тубдан ўзгаришига олиб келмаган ҳолларда қайта ташкил этилгунга (ўзгаририлгунга) қадар ва ундан кейинги ҳужжатлари;

ташкилот фаолиятининг худудий чегаралари, бўйсуниши, тузилмаси, штатлари ва б. ўзгаришлар бўлгунгача ва ўзгаририлгандан кейинги ҳужжатлар;

давлат мулкчилик шаклини нодавлат мулкчилик шаклига ўтказган, лекин устав жамғармасида давлат улуши асосий бўлиб қолган ташкилот, корхона ва бирлашмаларнинг ҳужжатлари;

аралаш мулкчилик шаклига эга бўлган, устав жамғармасида давлат улуши асосий ҳисобланган ташкилот, корхона ва бирлашмаларнинг ҳужжатлари;

вақтингча фаолиятини тўхтатган, кейинчалик олдинги вазифалари ўзгармаган ҳолда фаолиятини тиклаган ташкилотларнинг ҳужжатлари.

225. Республика ташкилотлари мустақил архив фондини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ва ЎзССР вазирликларининг (идораларининг) ҳужжатлари турли архив фондлари хисобланиб, уларнинг орасидаги чегараловчи сана муайян вазирлик (идора) тўғрисидаги тегишли қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ҳокимликларнинг ҳужжатлари янги архив фондини ташкил этади. Ҳокимликлар ва ижроия қўмиталари орасидаги чегараловчи сана тегишли норматив-хукукий ҳужжатлар асосида белгиланади. Улардан олдин келган вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашининг ҳужжатлари уларни тугатилган вақтгача мустақил архив фондларини ташкил қиласди.

226. Ташкилотнинг кенгайиши ёки қисқариши, унинг ваколатларини, функцияларини тубдан ўзгаришини келтириб чиқарганда ҳамда янги ташкилот ташкил этилганда янги архив фонди тузилади.

227. Идоравий архивга келиб тушган ҳар бир фондга ном ва тартиб рақами берилади. Фонднинг номи фонд ташкил қилувчи – ташкилотнинг расмий номига мос бўлади. Фонднинг тартиб рақами фондлар рўйхати бўйича берилади.

Ташкилот давлат архивининг жамлаш манбаси бўлган ҳолларда фондга тартиб рақами давлат архивига илк бора келиб тушганда давлат архивидаги фондларнинг рўйхати бўйича берилади.

228. Ташкилот вазифалари бошқа ташкилотга узатилиб тугатилаётганда иш юритиши билан якунига етказилган йиғмажиллар тугатилаётган ташкилотнинг фонди таркиби, иш юритиши билан якунига етказилмаганлари эса, қабул қилувчи – ташкилотнинг фонди таркиби киритилади.

229. Икки ёки ундан ортиқ ташкилотларда юритилган йиғмажиллар қайси ташкилотнинг иш юритиши билан якунига етказилган бўлса, ўша ташкилотнинг фонди таркиби киритилади.

230. Эгалари (мулкдорлар) томонидан сақлаш учун идоравий архивга берилган йиғмажиллар шахсий келиб чиқиши фондларини ташкил этади.

231. Шахсий келиб чиқиши фондининг номи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, фаолият тури (касби), хизмат мавқеи, илмий узвони кўрсатгичларидан иборат бўлади.

232. Архив коллекциялари идоравий архивга йиғилган ҳужжатлар мажмуи кўринишида келиб тушади ёки алоҳида, тарқоқ ҳужжатлардан уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишда қулай шароитлар яратиш мақсадида архив таркибида ҳосил қилинади.

233. Архив коллекциясининг номланишида ҳужжатлар бирлашмасининг хусусияти (белгилари) кўрсатилади, зарур бўлганда эса, унинг тузувчиси (юридик ёки жисмоний шахс, ташкилот, шу жумладан идоравий архив) ҳам кўрсатилади.

234. Агар архив коллекцияси хужжатларини фойдаланиш учун зарар етказмасдан тегишли фондларга тақсимлаш бўлса, коллекция ажратилади.

### **3-§. Архив фондининг даврий чегаралари**

235. Архив фондининг даврий чегаралари қўйидагилардан иборат:  
ташкilot архив фонди учун – уни расмий ташкил этилиши (рўйхатга олиниши) ва тугатилиш саналари;

шахсий келиб чиқиш (оилавий) архив фонди учун – жисмоний шахс, оила аъзосининг туғилган ва вафот этган кунлари.

236. Коллекция таркибидаги хужжатларнинг энг дастлабки ва сўнгги саналари архив коллекциясининг даврий чегаралари ҳисобланади.

237. Фонд ташкил этувчининг чегара саналари ва хужжатларнинг чегара саналари мос келмаслиги , чунки ташкилот фаолиятининг бошлангич ва якуний босқичларига оид хужжатлар йўқ бўлиши ёки ташкилот фондига ўз вақтидан олдин келган ташкилотнинг иш юритиши билан якунланмаган йиғмажиллар берилган бўлиши . Бу ҳолда архив фондининг таркибига энг олдин ва энг кейин киритилган хужжатларнинг саналари архив фонди хужжатларининг чегара саналари ҳисобланади.

### **4-§. Фонд йиғмажилларини тизимлаштириш**

238. Архив фонди доирасида хужжатларни тизимлаштириш, бу уларни фондда гурухлаш ва жойлаштириш ҳисобланади.

Архив фонди хужжатларини тизимлаштириш ишлаб чиқилган ва тегишли давлат архиви билан келишилган йиғмажилларни тизимлаштириш чизмаси асосида амалга оширилади.

Архив фондини тизимлаштириш чизмаси архив фондининг ички ташкил этилиши учун асос бўлади ва архив фонди йиғмажиллари рўйхатига киритиб қўйилади.

239. Фонд ичида йиғмажилларнинг қўйидаги хусусиятларини инобатга олиб тизимлаштириш чизмасининг бўлими бўйича тақсимлаш ишлари бажарилади:

тузилма [йиғмажиллар (сақлов бирликлари)ни таркибий бўлинмаларга тегишилигига мувофиқ] хусусияти;

даврий (хужжатга оид бўлган саналар ёки даврлар бўйича) хусусияти;

вазифавийлик, тармоқ, мавзулик, предметли-сўров (ташкилотнинг хизмат вазифалари, тармоғи, фаолият йўналишлари, хужжатларни мазмунига оид мавзу ва сўровларни инобатга олувчи) хусусияти;

корреспондентлик (ёзишмалари натижасида хужжатларни ҳосил қилган ташкилотлар ва шахслар бўйича) хусусияти;

географик (муайян ҳудудлар, аҳоли яшаш пунктлари, хужжатларнинг мазмуни, уларнинг муаллифлари, корреспондентлари билан боғлиқ географик номлар бўйича) хусусияти;

муаллифлик (хужжатларнинг муаллифлари ҳисобланган шахсларнинг фамилиялари ёки ташкилотларнинг номлари бўйича) тури.

Сақлов бирликлари барчasi ёки алоҳида гурухдаги хужжатлар учун қўлланиши энг ўринли бўлган белгиларнинг кетма-кетлиги бўйича гурухланади.

240. Тузилма ёки даврийлик хусусиятининг биргаликда олиниши икки вариандаги тизимлаштириш чизмасини беради яъни даврийлик-тузилмали ва тузилмали-даврийлик.

Даврийлик-тузилмали тизимлаштириш чизмаси фаолият кўрсатаётган ташкилотнинг (фонdlарнинг янада тўлиб боришини инобатга олиб) ва тузилмаси тез-тез ўзгариб турган тугатилган ташкилотларнинг архив фондларида қўлланади. Бу чизма

бўйича йиғмажиллар дастлаб уларни яратиш вақти (йиллар, даврлар) бўйича, ҳар бир даврийлик гурух бўйича эса – таркибий бўлинмалар бўйича гурухланади.

Тузилмали-даврийлик тизимлаштириш чизмаси турғун тузилмага эга бўлган, нисбатан ўзгаришлари камдан-кам ва мураккаб бўлмаган ташкилотларнинг архив

фондларига қўлланилади. Мазкур чизма бўйича тизимлаштиришда йиғмажиллар энг аввал ташкилотнинг таркибий бўлинмалари бўйича, ҳар бир тузилма гурухи доирасида эса – уларни яратиш вақти бўйича гурухланади.

241. Даврийлик-вазифали ёки вазифали-даврийлик тизимлаштириш чизмаси тез-тез ўзгариб турадиган ташкилотларнинг архив тузилмаси фондлари учун қўлланилади.

Йиғмажилларни даврийлик-вазифали чизмаси бўйича тизимлаштирилганда уларни гурухлаш дастлаб даврийлик хусусияти, кейин эса ташкилотнинг вазифалари (фаолият йўналиши турлари) бўйича амалга оширилади. Бунда йиғмажилларни ташкилот вазифаларининг аҳамияти (қўлланма, режалаштириш, ҳисобга олиш, ҳисбот ва б.)ни инобатга олиб ёки ташкилотнинг ўз таснифлагичи (классификатори) бўйича кичик гурухларга жойлаштирилади.

Йиғмажилларни вазифали-даврийлик чизма бўйича тизимлаштирилганда йиғмажиллар дастлаб ташкилотнинг фаолият вазифалари бўйича, кейин эса даврийлик хусусияти бўйича гурухланади.

242. Даврийлик-мавзули ёки мавзули-даврийлик тизимлаштириш чизмаси фондларининг ҳажми катта бўлмаган, шу жумладан, алоҳида архив коллекцияларига нисбатан қўлланилади. Йиғмажилларнинг мавзули гурухлари олинган мавзуларнинг аҳамияти бўйича жойлаштирилади.

243. Даврий-номинал ёки номинал-даврийлик тизимлаштириш чизмалари тузилмага эга бўлмаган ташкилотларнинг архив фондларини тизимлаштириш учун қўлланади.

244. Мазкур Қоидаларнинг 224-229-банларда келтирилган кичик гурухлар доирасида йиғмажилларнинг гурухлаш белгиларини танлашда ҳар бир алоҳида олинган фонднинг йиғмажиллари орасидаги мазмунли ва иш юритишдаги боғланишни акс эттириш ҳамда фойдаланишга қулайроқ бўлган ҳужжатларни ташкил этиш тизимини яратиш учун у ёки бу белгининг аҳамияти инобатга олинади.

245. Архив коллекцияси ҳужжатларини тизимлаштириш ҳужжатларнинг мавзуси ва таркиби билан аниқланади. Бир турдаги ҳужжатлар коллекцияси муаллифлик хусусияти бўйича гурухланади. Бунда гурухлар ташкилот номларининг ёки муаллифларнинг фамилияларини алифбо тартиби бўйича жойлаштирилади.

246. Мавзули хусусияти бўйича яратилган ҳужжатларнинг коллекциялари доирасида умумий мавзулар ёки масалалар бўйича гурухлар ҳосил қилинади. Бу гурухлар уларнинг мухимлиги ёки даврлари бўйича жойлаштирилади. Ҳужжатларнинг ҳажми ва таркибидан келиб чиқиб, мавзули кичик гурухлар ичida ҳужжатлар турли хусусияtlари бўйича бирлаштирилади.

247. Йиғмажилларни тизимлаштириш чизмасига мувофиқ тақсимланганда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

йиғмажиллар қайси йили бошланган ёки бошқа ташкилот (таркибий бўлинмаси)дан иш юритишни давом эттириш учун мазкур ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)га келиб тушган йилга тегишли ҳисобланади;

режалар, ҳисботлар, сметалар ва уларга оид ҳужжатлар қайси йилга тааллуқли бўлса, тузилган кунидан қатъий назар ўша йилга тегишли деб ҳисобланади; кўп йиллик режалар улар амалга кирган дастлабки йилга, ҳисботлар эса ҳисбот даврининг охирги йилига тегишли ҳисобланади;

бир бўлинманинг ишлаб чиқариш фаолиятида бошланган ва ишлаб чиқаришни давом эттириш учун бошқа бўлинмага берилган йиғмажиллар қайси бўлинмада якунига етказилган бўлса, ўша бўлинмага тегишли ҳисобланади, бунда биринчи бўлинманинг номи қавсга олинади ва охиргисининг номи қайд этилади;

таркибий бўлинмаларнинг йиғмажиллари йил ёки давр доирасида шу таркибий бўлинмаларнинг муҳимлиги ёки штатлар жадвали бўйича жойлаштирилади;

Йиғмажиллар даври бўйича жойлаштирилганда дастлаб йил, кун, ой кўрсатилиб, кейин ой ва йил, ундан сўнг эса фақат йилини кўрсатиш билан йиғмажиллар жойлаштирилади; агар бир нечта йиғмажилд бир хил бошланғич санага эга бўлса, биринчи бўлиб тугалланиш санаси эртароқ бўлган йиғмажилд жойлаштирилади.

### **5-§. Шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни ташкил этиш**

248. Шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар алоҳида гурухга ажратилади, ўзига хос тарзда тизимлаштирилиб, алоҳида рўйхатга киритилади.

Шахсий таркиб бўйича рўйхатга олиш – ҳисобга олиш ҳужжатлари (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ишдан озод этиш, шахсий варақалар, шахсий жиллар, шартномалар, контрактлар ва шу кабиларни ҳисобга олиш бўйича китоблар, дафтарлар) шахсий таркиб ҳужжатларининг рўйхатига киритилади.

249. Шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар одатда даврийлик ҳусусияти бўйича тизимлаштирилади. Ҳар бир йил доирасида шахсий таркиб бўйича йиғмажилд муҳимлигига қараб тизимлаштирилади – ишга (ўқишига) қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ишдан озод қилиш (ўкув муасасасини тугаллаш) тўғрисидаги буйруқлар, шахсий ҳисоб варағи, рўйхатлар, шахсий таркиб бўйича ҳужжатларни ҳисобга олиш дафтарлари.

250. Ишдан озод этилган ходимларнинг шахсий жилларига ва шахсий варақаларига алоҳида рўйхат тузилади.

Шахсий жиллар бир ташкилотдан бошқасига берилган бўлса, уни қабул қилиб олган ташкилотнинг ҳужжатлар фондига киритилади.

Ишдан озод этилган ходимларнинг шахсий жиллари ва карточкалари ишдан бўшаган йилга тааллуқли ҳисобланади ва алифбо бўйича ҳар бир гурух доирасида тизимлаштирилади.

## **VI. БОБ. Идоравий архивда ҳужжатларнинг ҳисоби**

### **1-§. Умумий қоидалар**

251. Идоравий архивда ҳужжатларнинг ҳисоби бу белгиланган ҳисоб бирликларида ҳужжатларнинг сони ва таркибини, ҳар бир ҳисоб бирлигини муайян мажмууга тегишли эканлигини ҳамда уларни ҳисобга олиш ҳужжатларидаги умумий сонини аниқлашдир.

Ҳисоб ҳужжати бу ҳужжатларининг архивга келиб тушишини, чиқиб кетишини, сонини, таркиби ва мазмунини қайд этувчи белгиланган шаклдаги ҳужжатдир.

Ҳужжатлар ҳисоби, уларнинг сақловини таъминлаш ва мавжудлигини назорат қилиш воситаларидан бири бўлиб, ҳужжатларни манзилли қидириш имконини беради.

252. Идоравий архивда ҳужжатларнинг ҳисоби қуидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

марказлаштириш ягона ҳисоб бирликларини қўллаш билан ажралиб туради;

бирхиллаштириш архив ҳужжатлари билан ишлашнинг барча босқичларида уларни ҳисобга олиш қоидаларига риоя этилишига асосланади;

ҳисоб ҳужжатларига ўз вақтида ва тезкор ўзгаришлар киритиш ёки янги ҳисоб ҳужжатларини тузиш, ҳисоб тўлиқ ва ишончли бўлишини таъминловчи турғунлик.

253. Идоравий архивда ҳужжатларнинг ҳисоби маҳсус ажратилган ходим томонидан марказлашган тарзда олиб борилади. Мазкур ходимга ҳисоб

хужжатларининг сифати, иш олиб бориш тартиби, расмийлаштириш, ҳисоб хужжатларининг жисмоний ҳолати ва сақланиши борасида тўлиқ масъулият юкланади.

Идоравий архивнинг барча ҳисоб хужжатлари сақловхонада (ёки маҳсус ажратилган хонада) сейфларда ёки металл жавонларда сақланади.

Хужжатлар ҳисоби учун дастурйи воситалардан фойдаланилганда маълумотлар базасининг бир нусхасини ташки электрон ахборот ташувчиларида сақлаб борилиши, улар даврий равиша, ҳар ойда камида бир марта ва ҳисобга янги хужжатлар олиниши мобайнида янгилаб турилади. Электрон хужжатлар олдинги бобда кўрсатилган усусларда сақлаб борилиши лозим.

254. Идоравий архивнинг барча хужжатлари, уларнинг мазмуни, асл нусхалиги, ўқиши усулидан қатъий назар, жумладан мазкур архив учун рўйхатга олинмаган ва хос бўлмаган хужжатлар, шу билан бирга хужжатларнинг суғурта нусхалари, фойдаланиш фонди (мавжуд бўлганда), йиғмажиллар ва хужжатлар рўйхати ҳисоби олиб борилади.

255. Хужжатлар ҳисоби архив хужжатларига ҳисобга олиш тартиб рақамларини бериш орқали амалга оширилади. Бу тартиб рақамлари архив рақами (шифри)нинг таркибий бўлаги ҳисобланади.

Давлат архивининг жамлаш манбалари ҳисобланган ташкилотлар архив фонди тартиб рақами ташкилотнинг хужжатлари биринчи марта давлат сақловига топширилганда давлат архивининг фондлар рўйхати бўйича қўйиб борилади.

## **2-§. Ҳисоб бирликлари**

256. Ахборот ташувчининг туридан ва ахборотни унга жойлашиши техник воситасидан қатъий назар қуйидагилар хужжатларнинг ҳисоб бирликлари саналади:

архив фонди, архив коллекцияси;  
сақлов бирлиги (йиғмажилд).

Илмий-техникавий қайта ишловдан ўтмаган шахсий келиб чиқиши хужжатлари хужжатлар ва варақлар бўйича ҳисоб қилиб борилади.

Рўйхатга олинмаган хужжатлар йиғмажиллар номенклатурасида инобатга олинади.

257. Қоғоз асосидаги хужжатларнинг ҳисоб бирлиги (йиғмажилд) – жисмоний алоҳида тарзда олинган хужжат ёки алоҳида жилдга олинган хужжатлар мажмуасидир.

## **3-§. Идоравий архивнинг ҳисоб хужжатлари**

258. Идоравий архивда хужжатлар ҳисоби асосий ва ёрдамчи ҳисоб хужжатлари бўйича олиб борилади. Асосий ҳисоб хужжатларининг таркиби ва шакли мазкур қоида ва тавсиялар билан аниқланган бўлиб, улар ҳар бир идоравий архив учун умумий ва хос ҳисобланади. Ёрдамчи ҳисоб хужжатларини юритиш зарурати ва шакллари идоравий архив томонидан унинг ўз хусусиятлари ва вазифаларидан келиб чиқиб мустақил тарзда белгиланади.

259. Қуйидагилар идоравий архивнинг асосий ҳисоб хужжатлари туркумiga киритилган:

хужжатларнинг кириб келиши ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш китоби (мазкур Қоидаларнинг 30-иловаси) – архивга ҳар бир кириб келаётган ва чиқиб кетаётган хужжатлар, шу жумладан, сақловга олинаётган ва муайян даврда чиқиб кетаётган хужжатларнинг сони ва таркиби, уларни мавжудлиги ҳолатининг ҳисобини олиб бориш учун;

суғурта фонди ва фойдаланиш фондини келиб тушиш ва чиқиб кетиши китоби (мазкур Қоидаларнинг 31-иловаси) – идоравий архивга келиб тушаётган ва ундан чиқиб кетаётган ҳар бир суғурта фонди ҳамда фойдаланиш фонди ҳисобини олиб бориш учун;

фондлар рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 32-иловаси) – қабул қилиб олинган архив фондлари ва архив коллекцияларини қайд этиб бориш, уларга тартиб ракамлари бориш, сақловдаги ва сақловдан олинган архив фондлари, архив коллекцияларининг сони ва таркиби ҳисобини олиб бориш учун;

фонд вараги (мазкур Қоидаларнинг 33-иловаси) - архив фонди, архив коллекцияси доирасидаги рўйхатларнинг сони ва таркибини ҳамда уларнинг рақамланишини, ҳужжатларнинг сони ва таркиби, уларни тасвирлаш ҳолати, ҳар бир рўйхат ва фонд (коллекция) бўйича умумий ўсуҷчанлик, фонднинг номи ўзгаришини қайд этиш учун;

йиғмажиллар рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 4, 5, 6, 8 - иловалари) – йиғмажилларни (сақлов бирликларини) бирма-бир ва ялпи ҳисобга олиш, йиғмажиллар (сақлов бирликлари)ни тизимлаштириш тартибини белгилаш, мазкур рўйхатга киритилган ҳужжатларнинг таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришларни қайд этиш учун (сақлов муддати 10 йилгача бўлган ҳужжатларни йиғмажиллар номенклатураси бўйича ҳисобга олиниши );

рўйхатлар реестри (мазкур Қоидаларнинг 34-иловаси) – рўйхатлар ва ҳужжатларни қайд этиб бориш, уларнинг сони ва таркибини ҳисобга олиш учун;

ўта қимматли йиғмажилларнинг рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 28-иловаси) – ўта қимматли йиғмажиллар ва ҳужжатларни бирма-бир ва ялпи ҳисобга олиб бориш учун (ўта қимматли ҳужжатларни аниқланадиган архивларда) тузилади;

суғурта фонд рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 29-иловаси) – ўта қимматли ҳужжатларнинг суғурта нусхаларининг сақлов бирликларини бирма-бир ҳисобга олиш учун (ўта қимматли ҳужжатларнинг суғурта нусхалари яратиладиган архивлардагина тузилади) мақсадида юритилади;

фонд йиғмажилди – фонд ташкил қилувчи ва фонднинг тарихи бўйича ҳужжатлар мажмуи, ҳар бир архив фонди ва архив коллекцияси учун олиб борилади;

йиғмажилдинг тасдиқловчи вараги (мазкур Қоидаларнинг 11-иловаси) – доимий, узок муддат (10 йилдан ортиқ) сақловдаги ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг варақлар сонини ҳисоби учун;

ҳужжатларнинг ички рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 12-иловаси) – доимий сақлов ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг муайян тоифаларидағи ҳужжатлар ҳисоби учун юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг марказлаштирилган давлат ҳисоби учун идоравий архивда сақланаётган Миллий архив фонди ҳужжатларининг \_\_\_\_\_ - йилнинг 1-декабригача бўлган ҳажми ва ҳолати тўғрисида ҳисобот тузилади. Ҳисобот жорий йил тугагунга қадар ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, тегишли давлат архивига юборилади.

260. Ёрдамчи ҳисоб ҳужжатларига қўйидагилар киради: чиқиб кетган йиғмажилларни ҳисобга олиш китоби ва варақалари, шахсий таркиб бўйича йиғмажилларнинг ҳисоби, йиғмажиллар ҳужжатларининг ички рўйхати ва б.

261. ЭҲларнинг ҳисоби мазкур услубий тавсиялардаги талаблар ва ҳисоб шакллари асосида олиб борилади.

ЭҲнинг ҳар бир ҳисоб бирлиги тўғрисидаги маълумот ЭҲнинг ҳисоб бўйича маълумотлар базасига ёки ЭҲнинг ҳисоб варақасига киритилади (35-илова).

ЭҲ рўйхатлар бўйича фонд ташкил қилувчи-ташкилот архив фондининг таркибида, сақлов бирликларида ҳисоб қилинади. ЭҲнинг ахборот ҳажми белгиланган бирликларда ифодаланади (Тб, Гб, Мб, кб).

ЭҲ бошқа янги ташувчиларга қайта ёзилганда ёки бошқа файл шаклига конвертация қилинганда ахборот ҳажмининг ёки сақлов бирлигининг ўзгарганлиги ЭҲ йиғилганлиги ва қайта ёзилганлиги тўғрисидаги далолатномада (36-илова), рўйхатнинг янги якунловчи ёзуvida, фонд варақасида кўрсатилади.

ЭҲнинг ҳисоб бирлиги сифатида ягона дастурий-ахборот обьекти (матн, гиперматн, мультимедия обьекти, маълумотлар базаси, маълумотлар банки)ни ташкил этувчи файл ёки бир нечта файлларнинг сақлов бирлиги ёки сақлов бирликларининг мажмуаси, шу жумладан кузатув ҳужжатлари олинади.

ЭҲнинг сақлов бирлиги сифатида жисмонан алоҳида олинган ахборот ташувчи (дискета, қаттиқ диск, компакт-диск ва б.) кузатув ҳужжатлари билан биргаликда олинади.

ЭҲнинг архив сақловига келиб тушиши ҳужжатларни келиб тушиш ва чиқиб кетиши умумий китобида (мазкур Қоидаларнинг 30-иловаси) ҳисобга олиб борилади. Ҳар бир келиб тушган ёки чиқиб кетган, шу жумладан ҳар йилги ва якуний ёзувлардаги ортиб бораётган ҳужжатлар сони ёнбош каср чизиқчаси билан қўрсатилади: х.б./с.б./Мб.

Кўшимча ҳисоб ҳужжатлари сифатида ЭҲларнинг келиб тушиш ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш дафтари (мазкур Қоидаларнинг 37-иловаси), ЭҲларни йиғилганлиги ва қайта ёзилганлигини ҳисобга олиш дафтари (мазкур Қоидаларнинг 38-иловаси) тузилади ва қўлланилади.

#### **4-§. Асосий ҳисобга олиш ҳужжатларини юритиш тартиби**

262. Асосий ҳисобга олиш ҳужжатларидаги ҳар бир ёзувга қўйидагилар асос бўлади:

а) идоравий архивга ҳужжатлар келиб тушганда:

таркибий бўлинмаларнинг доимий, узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг топширилиш рўйхатлари (мазкур Қоидаларнинг 14-иловаси);

юритилган ва тугалланган йиғмажиллар сони тўғрисидаги якуний ёзувини расмийлаштириш билан ташкилотнинг йиғмажилд номенклатураси ёки таркибий бўлинмаларнинг йиғмажиллар номенклатуралари (мазкур Қоидаларнинг 9-иловаси);

бошқа ташкилотлардан, юридик ва жисмоний шахслардан ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, шу жумладан, вақтинча сақлов учун ҳам (мазкур Қоидаларнинг 15-иловасидаги) ҳужжатларни давлат архивига қабул қилиш-топшириш далолатномаси шаклида тузилади;

б) идоравий архивдан ҳужжатлар чиқиб кетаётгандан:

давлат архивига ёки бошқа идоравий архивга ҳужжатларни доимий сақлаш учун қабул қилиш – топшириш далолатномаси (мазкур Қоидаларнинг 15-иловаси);

ҳужжатларни эгасига қайтариш далолатномаси (давлат архивига ҳужжатларни доимий сақлаш учун қабул қилиш – топшириш далолатномаси шаклида тузилади);

сақланиши лозим бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилиш учун ажратиш тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 7-иловаси);

йиғмажилларни қидириш йўли орқали топилмаганлиги тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 39-иловаси);

йиғмажиллардаги тиклаб бўлмайдиган бузилишлар тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 40-иловаси).

263. Ички архив ишларининг (доимий сақлов ҳужжатлари, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар, ўта қимматли йиғмажиллар, сугурта фонди ва фойдаланиш фонди рўйхатларини тузиш, ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, ҳисоб ҳужжатларини солиштириб чиқиш ва б.) бажарилиши натижасида қўйидагилар расмийлаштирилади:

доимий сақлов йиғмажиллари, узоқ муддат (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар рўйхати (4, 5, 6-иловалар);

ўта қимматли йиғмажиллар рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 28-иловаси);

сугурта фонди рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 29-иловаси);

шахсий келиб чиқиши хужжатларини, архив коллекцияларини тасвирлаш далолатномаси (мазкур Қоидаларнинг 41-иловаси);

хужжатлар (мазкур фондга тегишли бўлмаган, ҳисобга олинмаган ва б. хужжатлар) топиб олинганлиги тўғрисидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 42-иловаси);

ҳисобга олиш хужжатларидағи техникавий камчиликлар тўғрисида далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 43-иловаси).

264. Хужжатларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш китоби (мазкур Қоидаларнинг 30-иловаси) идоравий архивдаги фондлар ва йиғмажилларнинг ҳажми ва таркибидаги йиғмажиллар қабул қилиб олиш, сақланиши лозим бўлмаган йиғмажилларни ажратиб олиш, давлат архиви ёки бошқа идоравий архивга узатиш билан боғлиқ барча жорий ва якуний (ҳар йилнинг 1-январига) ўзгаришларни ҳисобга олиш учун хизмат қиласи.

265. Ҳар бир йиғмажилд келиб тушиши ва чиқиб кетиши учун мустақил тартиб рақами берилади. Агар келиб тушиш бир нечта фондларнинг хужжатларидан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир фонд бўйича маълумотлар (фонднинг номи, унинг тартиб рақами ва б.) берилган тартиб рақами остида кейин янги сатрдан ёзиб борилади. Биргина фонд сақлаётган идоравий архивга келиб тушиш ва чиқиб кетиши ҳисоби фонд вараги бўйича олиб борилади.

Мураккаб тузилмали ташкилотнинг архивида ҳар бир таркибий бўлинма хужжатларининг келиб тушиши ва чиқиб кетиши мустақил тарзда хужжатларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш китобида қайд қилиб борилади.

266. Агар фонд хужжатлари идоравий архивга илк бора келиб тушаётган бўлса, хужжатларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишини ҳисобга олиш китобига фонднинг тартиб рақами унга фондлар рўйхати бўйича тартиб рақами берилгандан кейингина қўйилади.

Агар келиб тушган хужжатлар архивдаги мавжуд фонднинг бир қисми бўлса, у ҳолда китобнинг тегишли устунида ушбу фондга олдин берилган тартиб рақами кўрсатилади.

Агар хатланмаган хужжатлар келиб тушган ёки чиқиб кетаётган бўлса, у ҳолда 6-устунда «хатланмаган» белгиси қўйилиб, 13 ва 14-устунларда уларнинг ҳажмига оид маълумотлар берилади.

267. Ҳар йили хужжатларнинг келиб тушиш ва чиқиб кетиши китобида йил давомида келиб тушган ва чиқиб кетган хужжатлар сони ҳисоб қилинади.

268. Икки ва ундан ортиқ фонд сақланадиган идоравий архивларда фондлар рўйхати (мазкур Қоидаларнинг 32-иловаси) юритилади.

269. Архив фонди коллекцияси, фондлар рўйхатига хужжатлар идоравий архивга илк бор келиб тушаётган пайтда киритилади. Ҳар бир фондга келиб тушиш даврий кетма-кетлигига мос равишда фондлар рўйхати бўйича навбатдаги тартиб рақами берилади. Давлат сақловига бериладиган фонднинг тартиб рақамига тегишли давлат архиви томонидан фонднинг бир қисми биринчи маротаба унга топширилаётганда берилган тартиб рақами (ёнбош каср чизиғчаси орқали) қўшиб қўйилади.

Агар фонд ўта кимматли хужжатларга эга бўлса, у ҳолда унинг тартиб рақамига «ЎҚ» индекси қўшиб қўйилади.

270. Фонд бошқа архивга берилган ҳолларда бўшаган тартиб рақами бошқа фондга берилмайди, фондлар рўйхатининг 4-5-устунларида (“чиқиб кетганлик белгиси”) фондни қабул қилиб олган архивнинг номи ҳамда фонднинг чиқиб кетишига асос бўлган хужжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси кўрсатилади.

271. Фонднинг номи рўйхатнинг титул варагидан олиб ёзилади.

Агар фонд ташкил қилувчининг номи ўзгарган бўлса, у ҳолда фондлар рўйхатида: амалдаги ташкилотлар учун – фонд келиб тушгандаги номи, тугатилган ташкилотлар учун эса, охирги номи кўрсатилади.

Фонд номлари орасида бўш сатр қолдирилади.

272. Ҳар йилнинг 1-январида фондлар рўйхатига якуний ёзув тузилиб, унда сақловдаги фондлар сони, таркибида ўта қимматли ҳужжатлар бўлган фондлар сони ҳамда мавжуд бўлганда, фондлар рўйхатидаги бўш тартиб рақамлари кўрсатилади.

273. Фондлар рўйхати тикилган (боғланиб), қалин муқовага олинган, варақлари рақамланган, тасдиқ-варағи тузилган бўлиши лозим.

274. Фонд варағи (мазкур Қоидаларнинг 33-иловаси) ҳар бир фонд учун илк бор келиб тушганда тузилади. Унда фонд хатланган ва хатланмаган ҳужжатларининг келиб тушиши ва чиқиб кетиши хисобга олиб борилади.

Фонд варағидаги фонднинг тартиб рақами идоравий архивнинг фондлар рўйхатидаги фонд тартиб рақамига мос келиши керак.

275. Фонд варағи қуидаги талабларга риоя этган ҳолда тўлдирилади:

агар фонд таркибида ўта қимматли ҳужжатлар мавжуд бўлса, у ҳолда унинг тартиб рақамига “ЎҚ” индекси қўшиб қўйилади;

“Фонднинг манзили” устунида фондни архивида сақлаётган ташкилотнинг номи ва манзили кўрсатилади;

“Фонднинг биринчи тушум санаси” устунида мазкур архивга фонд ийғмажилдларининг дастлабки келиб тушган санаси кўрсатилади;

“Фонднинг ҳар бир номини чегара саналари” устунида ҳар бир ном остида ташкилот фаолият кўрсатишининг бошланғич ва охирги саналари шу даврда фондда ҳужжат мавжуд бўлганлигидан қатъий назар кўрсатилади;

“Фонднинг номи” устунида ташкилот-фонд ташкил қилувчининг ташкил этилган кунидан бошлаб барча номлари ва идоравий бўйсуниши шу даврда фондда ҳужжат мавжуд бўлганлигидан қатъий назар даврий тартибда кўрсатилади; ташкилот-фонд ташкил қилувчининг номи ва идоравий тобеълигидаги кейинги ўзгаришлар архивга ҳужжатлар келиб тушиши мобайнида фонд варағига киритиб борилади;

“Чиқиб кетиши” устунида ҳужжат чиқиб кетишига асос бўлувчи далолатнома ва алоҳида, ҳар бир рўйхат бўйича чиқиб кетган ҳужжатлар сони кўрсатилади;

“Мавжудлари (қолдик)” устунида чиқиб кетгандан кейин қолган ҳар бир ҳужжатларнинг рўйхати ва фонд бўйича тасвирланган ҳужжатлар сони кўрсатилади;

йиғма рўйхатга киритилган доимий, узоқ муддат (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ёки шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар сони “тасвирланган ҳужжатлар хисоби” 2-бўлимида, 11-14- устунларда кўрсатилади.

Агар фонд варағи икки ва ундан ортиқ бланқда тўлдириладиган бўлса, унда давом эттириш варағи юритилади ва юқори ўнг бурчакда “№-\_\_ давомига қаралсин” деган ёзув кўрсатиб қўйилади ва бу кейинги давом этувчи варақларда ҳам такрорланади. Давом эттириш варақлари асосий варақнинг остига қўйилади.

276. Фонд варағининг хисобга олиш маълумотларига қуидагилар асосида ўзгаришлар кирилилади:

ташкилотнинг йиғмажиллар рўйхати;

давлат ёки бошқа идоравий архивга йиғмажилларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси;

йиғмажилларни йўқ қилиш учун ажратиш тўғрисида далолатнома;

қидириш йўллари қолмаган йиғмажилларнинг топилмаганлиги тўғрисида далолатнома;

йиғмажиллардаги тиклаб бўлмайдиган бузилишлар тўғрисида далолатнома;

йиғмажиллар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш далолатномаси.

277. Техникавий камчиликлар билан боғлиқ ўзгаришлар йиғмажиллар йиғма рўйхатига ёки якунланган рўйхатга, сўнгра йиғмажиллар мавжудлиги ва

холатини текшириш далолатномасига мувофик, у ташкилот раҳбари томонидан тасдиқлангандан кейин фонд варагига киритилади.

Топилмаган ҳамда тиклаб бўлмайдиган даражада зарар етказилган доимий сақлов йиғмажиллари билан боғлиқ ўзгартиришлар далолатномалар тегишли давлат архиви билан келишилгандан кейингина киритилади.

278. Фонд вараги қуидаги ўта муҳим ҳолларда қайта тузилади:

агар у қайта тиклаб бўлмайдиган даражада заарланган бўлса;

фонд қайта ишлангандан сўнг, олдинги фонд вараги фонднинг амалдаги холати ва ҳажмини акс эттира олмай қолганда.

Фонд вараги қайта тузилган ҳолда олдинги фонд йиғмажилдига жойланади. Олдинги ва янги фонд варагининг юқори ўнг бурчагида “Варақ қайта тузилган” белгиси қўйилиб, қайта тузиш санаси, ҳисоб учун масъул шахснинг лавозими ва имзоси кўрсатилади.

279. Фонд вараклари фондларнинг тартиб рақамлари ва ёпиладиган жиллардаги варакларнинг рақамланиши тартибида сақланади. Агар вараклар бир нечта жилларда сақлангаётган бўлса, у ҳолда улар ялписига рақамланади. Ҳар бир жилдда, алоҳида варакда қуидаги шаклдаги тасдиқ ёзуви тузилади:

“2-сонли жилдда 20-сондан 45-сонли фондгача 26-фонднинг вараклари сақланмоқда. 30, 35-сонли фонд варакларининг давоми бор”. Тасдиқ ёзуви уни тузган шахс томонидан лавозими ва санани кўрсатиб имзоланади.

Жилдда сақлангаётган фонд варакларининг таркиби ўзгарган ҳолларда янги тасдиқ ёзуви тузилади, бунда олдингисининг устидан фақат чизик тортиб қўйилади, лекин жилдан чиқариб олинмайди.

280. Йиғмажилларнинг рўйхатлари вақтинча, доимий сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилларни доналаб, жамлаб ҳисобга олиш учун бирламчи ҳисобга олиш ҳужжати ҳисбланади.

281. Бирор бир якунланган рўйхат бўйича барча йиғмажиллар чиқиб кетганда унинг тартиб рақами бошқа рўйхатларга берилмайди.

282. Бирма-бир ҳисобга олиш ҳар бир йиғмажилдга (сақлов бирлигига) мустақил тартиб рақами бериш билан амалга оширилади. Йиғмажилд (сақлов бирлиги) чиқиб кетаётганда (“Эслатма”) устунида ҳар бир чиқиб кетаётган сақлов бирлигининг рўпарасига “Чиқиб кетган” штампи қўйилади.

283. Рўйхатларда йиғмажилларнинг жамланма ҳисоби рўйхатларга якуний ёзув тузиш билан амалга оширилади. Якуний ёзувда сақлов бирликларининг сони рақамларда ва қавс ичидан ёзма, рўйхат бўйича сақлов бирликларининг биринчи ва охирги тартиб рақами кўрсатилиб, тушириб қолдирилган тартиб рақамлари, литер тартиб рақамли сақлов бирликлари, чиқиб кетган сақлов бирликлари изоҳлаб қўйилади.

Йиғмажилларнинг чиқиб кетиши, келиб тушиши, бирлашиши ёки тарқатиб юборилиши билан боғлиқ рўйхатдаги йиғмажиллар ҳажмининг ҳар бир ўзгариши тегишли ҳужжатларга мувофик рўйхат якуний ёзувида акс эттириб борилади.

Агар рўйхат бир нечта қисм (том)дан иборат бўлса, ҳар бир қисм (том)нинг охирида якуний ва жамланма ёзув тузилади ва унда маълумотлар ўсиб борувчи якун билан кўрсатилади. Охирги қисм (том)да барча рўйхатларга (барча қисмларга, томларга) умумий якуний ёзув тузилади.

284. Таркибий бўлинмаларнинг йиғмажиллар рўйхатлари ташкилотнинг доимий сақлов йиғмажилларининг йиғма рўйхати тузилгунча, тегишли давлат архивининг ЭТКсида тасдиқланишига қадар ҳисобга олиш ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади. Шундан кейин ҳужжатлар давлат архивига топширилгунча фонд йиғмажилдидаги сақланади.

Таркибий бўлинмаларнинг шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар рўйхатлари ташкилотнинг шахсий таркиб бўйича йиғмажилларини йиғма рўйхати тегишли давлат архиви билан келишилгунга қадар сақланади.

285. Рўйхатлар реестри идоравий архивда икки ва ундан ортиқ рўйхатлар мавжуд бўлган ҳолларда юритилади.

286. Рўйхатлар даврий кетма-кетлик бўйича, тегишли тартиб рақами билан реестрга киритиб борилади.

287. Рўйхатлар реестрида идоравий архивга келиб тушган ҳар бир рўйхат таркибига оид қуйидаги маълумотлар ёзиб борилади: фонднинг тартиб рақами, рўйхатнинг тартиб рақами, унда тасвирланган йиғмажиллар сони, рўйхатнинг вараклари сони ва нусхалари.

288. Вақтинча сақланадиган йиғмажилларни доналаб ҳисобга олишда рўйхатнинг ўрнига ташкилотнинг йиғма номенклатураси ҳисобга олиш ҳужжати сифатида олинади ва унга яқуний ёзув киритилади.

289. Номенклатурага “НВ” (номенклатура-вақтинча сақлов) индексидан иборат тартиб рақами берилади ва унга чизиқча орқали йиғмажиллар номенклатурасига тегишли тақвим йилнинг охирги икки рақами қўшиб кўрсатилади.

290. Рўйхатлар ва уларнинг ўрнига қўлланувчи йиғмажиллар номенклатуралари ҳар бир фонд бўйича алоҳида сақланади; рўйхатлар фонд доирасида доимий, вақтинча сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар учун алоҳида тарзда, ундан кейин эса рўйхатларнинг тартиб рақамлари бўйича жойлаштирилади.

291. Фонд йиғмажилди ҳар бир фондда юритилади. Унга фонд ташкил этувчи-ташкилотнинг тарихини акс эттирувчи ва унинг фондига оид ҳужжатлар киритилади: тарихий маълумотнома ва унга қўшимчалар, фондни тизимлаштириш чизмаси, фондни қайта ишлаш ҳамда мавзули ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланмалар ва ишчи йўриқномалар.

Фондни қайта тузиб чиқилгандан кейинги эски вараклари; йиғмажилларни давлат сақловига қабул қилиш-топшириш, кейинги сақловга олинмайдиган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш, ҳужжатлар ва йиғмажилларни қайта тиклаб бўлмайдиган даражада зааралanganлиги, мавжудлиги ва ҳолатини текшириш ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатномалари ва б.

292. Далолатномалар, фонднинг таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришларни қайд этувчи бошқа ҳужжатлар фонд йиғмажилдига фақат идоравий архивнинг барча ҳисобга олиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилганлиги тўғрисидаги белги билан киритилади. Далолатномалар фонд доирасида, далолатномалар тури бўйича, ялпи тартибда рақамланади.

293. Фонд йиғмажилдида барча ҳужжатлар уларни тузиш даврий тартибда жойлаштирилади. Фонд йиғмажилди ҳужжатларига ички рўйхат тузилади, йиғмажилд вараклари рақамланади. Фонд йиғмажилдига тасдиқ ёзуви тузилади. Фонднинг кенгайиб бориши мобайнида тасдиқ ёзуви ва ички рўйхат қўшимча тўлдириб борилади.

294. Ҳар бир фонд йиғмажилдига тегишли фонднинг тартиб рақами берилади. Фонд йиғмажиллари фондларнинг тартиб рақамларини ортиб бориши бўйича сақланади.

### **5-§. Ҳисобга олиш маълумотлари базаларини юритиши**

295. Ҳисобга олиш маълумотлар базалари (бундан кейинги ўринларда МБ деб юритилади) қуйидаги мақсадларда юритилади:

марказлаштирилган ҳисоб ҳужжатларини автоматлаштирилган режимда тузиш;  
турли статистика маълумотларини, жадвалларни, шу жумладан архив ҳужжатларининг ҳажми, таркиби ва ҳолатига оид ўзгаришлар динамикаси тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган режимда тайёрлаш;

ҳужжатларни муайян давр ичида архивда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тезкор равишда қидириш ва тақдим этиш.

296. Ҳисобга олиш МБнинг реквизитлари рўйхати ҳисоб объектини тасвирловчи асосий катталиклар (фонд, сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги, ҳисоб бирликларининг

гурухи, рўйхатга киритилган ҳисоб бирликлари)га мувофиқ, анъанавий ҳисоб ҳужжатларида тузилади.

297. Ҳисобга олиш МБ архивдаги бошқа ахборотлашган МБлари билан ўзаро алоқадорликда амал қиласди ва давлат архивларининг тегишли ҳисобга олиш МБлари билан мослаша оладиган бўлиши лозим.

298. Ҳисобга олиш МБ ва анъанавий ҳисоб ҳужжатларининг ўзаро мутаносиблиги МХда асосий ҳисоб ҳужжатларининг реквизитларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

299. Марказлашган ҳисоб ҳужжатларининг умумлашган кўрсаткичлари, шу жумладан уларни олиш учун керак бўлган дастлабки кўрсаткичлар ҳисобга олиш МБнинг мажбурий реквизитлари қаторига киради.

300. Ҳисобга олиш МБ архивнинг ҳисоб ҳужжатлари асосида тўлдирилади. Ҳисобга олиш МБ юритиш ва тўлдириб борища бирхилликни таъминлаш учун ҳисобга олиш МБни юритишни ташкил этиш ва ҳар бир реквизитнинг мазмунини очиб берувчи йўриқнома ишлаб чиқилади. Ишни бошлашдан олдин ҳисоб ҳужжатлари солиширилади, уларнинг мувозанатлиги текширилади.

301. Режалаштирилган тартибда ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 январи ҳолатига ҳисобга олиш МБни тўлдириш бўйича ишлар амалга оширилади. Бундан кейинги даврда ҳисоб ҳужжатлари ва ҳисобга олиш МБга тезкор ўзгартишлар киритиб борилади.

## **VII. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларининг илмий-маълумотнома аппарати**

### **1-§. Идоравий архивнинг илмий-маълумотнома аппарати таркиби**

302. Идоравий архивнинг илмий-маълумотнома аппарати (бундан кейинги ўринларда ИМА деб юритилади) бу ҳужжатларни ва ҳужжатли ахборотларни қидириш учун мўлжалланган турли архив маълумотномалари, маълумотлар базалари кўринишида тақдим этилган ҳужжатларни тасвирловчи қисмларининг (иккиласми ҳужжатли ахборот) тузилмалаштирилган мажмуасидир.

303. Идоравий архив ҳужжатларига илмий-маълумотнома аппарати тизими (бундан кейинги ўринларда ИМАТ деб юритилади) бу ҳужжатлардан самарали фойдаланиш мақсадида уларни излаш учун ягона илмий-услубий асосда яратиладиган, ҳужжатлар таркиби ва мазмuni тўғрисидаги, ўзаро боғлиқ ва тўлдирувчи архив маълумотномаларининг маълумотлар базаларининг мажмуасидир.

304. Идоравий архив ИМАТИнинг таркиби архивнинг кўриниши, унда сақланаётган ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни, қидириш вазифаси ва тавсифи ҳамда ҳужжатдан фойдаланишнинг жадаллашуви билан аниқланади.

305. Идоравий архив ИМАТИнинг асосий таркибий қисми бўлиб рўйхатлар, каталоглар, маълумотлар базалари, варақа қутилари, кўрсатгичлар, ҳужжатлар шархи, архив фондлари тарихий маълумотномалари хисобланади. Уларга қўшимча сифатида хизмат қилувчи ахборот ҳужжатлари қаторига ҳужжатларнинг мавзули рўйхатлари, ахборот хатлари, ҳужжатларнинг таркиби ва мазмунига оид маълумотномалар, шу жумладан, идоравий босма нашрлар киритилади.

306. Мақсадли вазифаларига кўра идоравий архивнинг архив маълумотномалари куйидаги турларга бўлинади: рўйхат, каталог, кўрсатгич ва шарх.

307. Идоравий архив ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги архив маълумотномалари ва маълумотлар базалари ички фонд ва фонdlараро бўлади.

308. Идоравий архив ИМАТда иш юритиш ва идоравий архивда яратиладиган ҳисоб-маълумотнома аппаратига мутаносиблиги, уни давлат архивининг ИМАТИ билан ўриндошлиги амалга оширилади.

309. Идоравий архив ИМАТининг мутаносиблиги ягона талабларга асосланади. Бу мутаносиблик иш юритиш ва идоравий архивда йиғмажиллар рўйхатлари, каталоглар, маълумотлар базалари ва уларга тегишли маълумотнома аппарати тузилиши мажбуриятини кўзда тутади.

310. ИМАТ яратилаётганда ва ривожланаётганда табақалашган ёндошув қўлланилиб, ушбу ёндошув архив маълумотномалари ва маълумотлар базаларининг маъқул бўлган таркибини, тасвирлаш услубини, маълумотномаларга маълумотнома аппаратини тўлдириб бориш ва таркибини, зарур бўлган ишларнинг кетма-кетлигини белгилашдан иборат бўлади.

## **2-§. Йиғмажиллар ва ҳужжатлар рўйхати**

311. Йиғмажиллар, ҳужжатлар рўйхати тавсифий мақола, якуний ёзув, ишонч варафи ва рўйхатга маълумотнома аппаратидан иборат бўлади.

312. Рўйхатдаги тасвирлаш обьекти сифатида сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги олинади.

## **3-§. Каталоглар. Варақа кутилари (картоекалар)**

313. Каталог бу фондларо архив маълумотномаси бўлиб, унда архив ҳужжатларининг мазмуни тўғрисидаги ахборот предметлари (мавзулар, тармоқлар) бўйича гурухланган, мазкур каталог учун қабул қилинган ҳужжатли ахборотни таснифлаш чизмаси бўйича жойлашган тарзда берилади.

314. Идоравий архивдаги турли каталогларнинг мажмуаси каталоглар тизимини ташкил этади.

315. Каталогларни тайёрлаш, яратиш ва юритиш бўйича ишлар мажмуаси ҳужжатларни каталогглаштириш деб ҳисобланади.

316. Ҳужжатларни каталогглаштиришда табақалашган ёндошув қўлланилиб, у архив фондларини, уларнинг тузилма қисмларини навбатма-навбат танлашни аниқлаш; йиғмажиллар ва ҳужжатлар ҳамда уларга оид маълумотларни ажратиб олиш; ҳужжатли ахборотни тасвирлашнинг тегишли усулларини қўллаш кабилардан иборат бўлади.

317. Каталоглаштириш қўйидаги иш турларини ўз ичига олади: таснифлаш чизмасини тузиш, ҳужжатларни аниқлаш ва танлаш, уларни каталог варақаларида тасвирлаш, тизимлаштириш, каталогларни юритиш.

318. Ҳужжатли ахборотни таснифлаш чизмаси бу каталогнинг муайян кетма-кетликда жойлашган таснифий бўлинишидан иборат ҳужжат ҳисобланисиб, ҳужжатлардаги маълумотларни ушбу бўлинишлар бўйича тақсимлаш учун хизмат қиласи.

319. Каталоглар тизимли, мавзули, предметли ва уларнинг турлари (номли, географик, обьектли) бўйича гурухланади.

Идоравий архивда тизимли ва номли каталоглар тузилади.

320. Тизимли каталогда ҳужжатли ахборот ташкилотнинг тармоқлари ва амалий фаолияти бўйича таснифланади ҳамда мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилади.

321. Ҳужжатли ахборот номли каталогда ҳужжатларда келтирилганмаълумотлар ёки муаллиф ҳисобланувчи шахсларнинг фамилиялари алифбо тартиби бўйича таснифланади. Кейинги тизимлаштириш даврий тартибда ёки мантиқий кетма-кетлик бўйича олиб борилади.

322. Каталоглаштириш учун ажратиб олинган фондлар ва ҳужжатлар каталогларнинг варақаларида тасвирланади.

Тасвирлаш обьекти бўлиб муайян масалага оид ахборотга эга бўлган хужжат, сақлов бирлиги, рўйхат, фонд хизмат қиласи.

323. Қуйидагилар каталогнинг тавсифий мақоласи таркибига киритилади: архивнинг номи, фонднинг индекси, рукни, рукн йўналишлари, содир бўлган сана, мазмуни, тартиб рақами, фонднинг номи, рўйхатнинг тартиб рақами, йиғмажилдинг тартиб рақами, варақнинг тартиб рақами, хужжат матнининг тили, ишлатиш усули, бундан ташқари варақали каталог учун тузувчининг фамилияси ва тавсифий мақола тузилган сана ҳам кўрсатилади.

Каталог бўлимлари орасида алоқа учун ёки уларни ўзаро боғлаш учун ҳавола этиш тизими қўлланади.

324. Каталогни юритиши унинг қўлланишини таъминловчи ишлар мажмуаси ҳисобланиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: ишларнинг илмий-услубий таъминоти, варақаларни индекслаш, уларни индекслар ва рукнлар бўйича тизимлаштириш, каталогга ҳавола аппаратини тузиш, каталогни такомиллаштириш.

Ишларнинг илмий-услубий таъминоти таркибига алоҳида фондлар (ёки гурухлар)ни каталоглаштириш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, каталогларни таснифлаш чизмаларини ишлаб чиқиш, уларга аниқлик киритиши ва тўлдириш киради.

Индекслаштириш-бу таснифлаш чизмаси бўйича индекс тузиш ёки танлаб олиш ва уни каталогни варақанинг тегишли ахборотига мослаштириш.

Номли каталогда варақаларга индекс белгилари қўйилмай, алифбо тартиби бўйича жойлаштирилади.

Каталогни такомиллаштиришга қуйидагилар киради: каталогнинг мазмуни ва расмийлаштирилишини текшириш, тасвирлашни (таксирлаш, бир фонд ёки рўйхат бўйича бир турдаги ахборот тавсифини бирлаштириш, уларнинг тизимлаштирилишига аниқлик киритиши).

325. Идоравий архивда предметли каталогларнинг турли гурухлари (номли, географик ва б.) ёки даврий варақа қути (картотека)лари, ташкилот тарихи бўйича варақ-кутилар яратилади.

Предметли каталогда хужжатли ахборот мавзулари, предметли белгисига кўра ички мавзулар бўйича таснифланади ва даврий тартибда ёки мантиқий кетма-кетлиқда жойлаштирилади.

Номли варақ қути (шахсий таркиб бўйича қути) меҳнат стажи, иш хақи ва бошқа ижтимоий-хуқуқий мазмундаги маълумотларни излаш учун тузилади. Варақаларда ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, фонднинг, рўйхатнинг, йиғмажилдинг тартиб рақамига ҳавола, ундаги варақлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Варақалар фамилияларнинг алифбо тартибида, фамилиялар доирасида эса, исми ва отасининг исми бўйича тизимлаштирилади.

Географик варақ қутидаги ахборот географик ва топографик номларнинг алифбо тартибида таснифланади. Таснифлаш асосини маъмурий-ҳудудий бўлиниш ташкил этилади. Кейинги тизимлаштириш даврий тартибда олиб борилади.

Ташкилот тарихи бўйича варақ қути бир нечта жамлаш манбаига эга бўлган идоравий архивда тузилади. Ушбу қути мазкур архивга хужжатларини топширадиган тармоқдаги ташкилотларнинг ташкил этилиши, ўзгартирилиши ва тугатилиши бўйича маълумотларни ташкил этиш, ўзгартириш ва тугатишга асос бўлувчи фармойиш хужжатларига ҳаволалар билан ўз ичига олган бўлади.

Даврий қути даврий тартибда жойлаштирилган воқеалар санаси, хужжатларнинг саналари ва далолатномалари тўғрисидаги ахборотларни ичига олган варақалар киритилади.

Кўп микдордаги фондлар сақланаётган идоравий архивларда фондлар номининг кутиси тузилади. Ҳар бир фонд номига (ном ўзгаришига) унинг тартиб рақами ва

санасини кўрсатиб варақ тузилади. Варақалар ташкилотларнинг турлари бўйича алифбо тартибида жойлаштирилади.

Идоравий архивда бир нечта қутилар бўлган ҳолларда улар предмет-мавзули, тизимли ва бошқа каталогларга бирлаштирилади.

#### **4-§. Кўрсатгичлар**

326. Кўрсатгич бу архив хужжатларида келтирилган предметларнинг алифболи, мавзули ёки муайян белгиси бўйича тузилган номлари (номланиши)нинг рўйхатидан иборат архив маълумотномаси бўлиб, бунда уларни излашга оид маълумотлар билан бирга кўрсатилади.

Предметли (ёки - мавзули, номли, географик) ҳамда даврий кўрсатгичлар кўрсатгичларнинг асосий турлари ҳисобланади. Тушунчаларнинг гурухланиши бўйича кўрсатгичнинг ичida алифболи, тизимли ва даврий кўрсатгичлар қўлланади.

Идоравий архивда кўрсатгичлар фондлардаги хужжатларни қидиришни осонлаштириш мақсадида фондлар рўйхатига киритилади.

327. Ихтиёрий турдаги кўрсатгичнинг тавсифий мақоласи предметли тушунча (рукн) ва қидирув маълумотларидан иборат бўлади. Кўрсатгичнинг вазифасига кўра руён оддий (бошқа рубрик йўналишлари йўқ) ёки мураккаб (бошқа рубрик йўналишларга ёки тушунчага эга) бўлади.

Кўрсатгичнинг қидирув маълумотлари биргина рўйхат доирасидаги сақлов бирликлари учун фақат уларнинг тартиб рақамларинигина таркибга олган бўлади; бир архив доирасидаги бир нечта фондларнинг сақлов бирликлари учун кўрсатгичнинг қидирув маълумотлари қўшимча равишда рўйхатларнинг ва фондларнинг тартиб рақамларини ҳам ўз ичига олган бўлади.

328. Мавзули кўрсатгич тарихий далиллар ва ҳодисаларни акс эттирувчи тушунчаларни ўз ичига олади. Ундаги руёнлар ва рубрик йўналишларнинг номлари бош келишикда берилади.

329. Предметли кўрсатгич алифбо тартибида жойлаштирилган тушунчаларни ўз ичига олади.

Умумий предметли кўрсатгич турли (хужжатлар турлари, муаллифлар исми-шарифи, муассасалар номи ва б.) тушунчаларни ўз ичига олиб, тўлиқ ёки қисқача мазмунда бўлади.

Номли кўрсатгич алифбо тартиби бўйича тузилади ва биографик маълумотларни, фамилия, исм, отасининг исми (бошқа номлар, лақаб) ва шу каби номланишларни ўз ичига олади.

Географик кўрсатгич географик ва топономик номларни, маъмурий-худудий бирликларни ва шу кабиларни ўз ичига олади.

330. Даврий кўрсатгич даврий тартибда жойлаштирилган тарихий воқеалар, ҳодисаларнинг саналарини ёки хужжатлар саналарини ўз ичига олади.

331. Кўрсатгичда умумий («қаралсин» ёки «қар.») ва хусусий («шу жумладан қар.») ҳавола этиш тизимлари қўлланилиб, улар ёрдамида ўхшаш тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрнатилади.

#### **5-§. Ҳужжатлар шарҳи**

332. Ҳужжатлар шарҳи-бу бир ёки бир нечта фонд ҳужжатларининг таркиби ва мазмунига оид тизимлаштирилган маълумотларни ичига олган архив маълумотномаси.

Идоравий архивдаги шарҳларнинг турлари сифатида фонд шарҳи ва мавзули шарҳ ҳисобланади.

333. Фонд шарҳи бир фонд таркибидаги ҳужжатлари таркиби ва мазмунига оид тизимлаштирилган маълумотларни ичига олади.

334. Мавзули шарҳ бир ёки бир нечта фонд ҳужжатларининг таркиби ва мазмунига оид муайян мавзудаги тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади.

335. Шарҳ сақлов бирликлари, ҳужжатлар ва маълумот-аппаратининг алоҳида гуруҳлари қисқача тавсифларидан иборат бўлади.

Қисқача тавсифда сақлов бирликлари, ҳужжатлар мазмuni, уларнинг турлари, муаллифлари, даврий чегаралари, аслиги, қидирув маълумотлари ифодаланади.

Фонд шарҳидаги қидирув маълумотлари рўйхатлар, сақлов бирликлари ва варакларининг тартиб рақамларидан иборат бўлади; фондларо мавзули шарҳларда қидирув маълумотлари қўшимча равишда фондларнинг тартиб рақамлари билан тўлдирилади.

336. Шарҳнинг маълумот-аппаратига қўйидагилар киритилади: титул вараги, мундарижа, сўз боши, қисқартма сўзлар рўйхати, кўрсатгичлар, мавзули шарҳлар учун - фондлар рўйхати, шарҳга киритилганларга оид ахборот, мавзу бўйича библиография.

337. Шарҳни тузиш чизмаси тузилмали, тармоқли, предмет-мавзули, географик, даврий ва х.к. бўлади.

Тузилмали чизма барқарор тузилмали ташкилотларнинг архив фондлари учун, тузилма қисми фонд ташкил этувчининг вазифаларини акс эттириб, ҳужжатларнинг мазмуни бир нечта таркибий бўлинмаларда тақрорланмаган ҳолларда қўлланилади. Бу каби чизмаларда таркибий бўлинмаларнинг номлари фонд қисқа тавсифларининг бўлимлари сифатида намоён бўлади.

Фонд шарҳларида тармоқ чизмаси фонд ташкил этувчи тузилма мавжуд бўлмаганда, тузилма қисмлари фонд ташкил этувчининг вазифаларини аниқ акс эттиргмаганда ёки тузилма тез-тез ўзгарганда қўлланади.

Шарҳни мавзули чизма бўйича тузишда ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни мазмун бўйича бирлаштириш кўзда тутилади.

Шарҳларда даврий чизма ташкилот фаолиятининг муайян даврини ажратиб кўрсатиш ёки содир бўлаётган тарихий воқеаларнинг кетма-кетлигини акс эттирувчи ҳужжатлар тавсифини кўрсатиб ўтиш лозим бўлган ҳолларда қўлланади.

338. Шахсий келиб чиқиши фонdlарининг шарҳи учун фонд ҳужжатларини тизимлаштириш чизмаси қўлланади.

339. Шарҳда ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот гуруҳли ва индивидуал тавсифлар кўринишида берилади.

Гуруҳли тавсифда ахборот умумлашган шаклда тақдим этилади; ҳужжатларнинг турлари, уларнинг муаллифлари, қисқача мазмуни, даврий чегаралари, аслиги ва ҳужжатлар ҳажми кўрсатилади.

Шахсий тавсифда мухимроқ ва алоҳида аҳамиятга молик ҳужжатларнинг мазмуни тўлароқ ва кенгроқ очиб берилади. У гуруҳли тавсифга қўшимча бўлиб хизмат қиласи. Тавсифлар фонднинг, рўйхатларнинг, йиғмажилларнинг ва варакларнинг тартиб рақамларидан иборат қидирув маълумотлари билан бирга берилади.

## **6-§. Тарихий маълумотнома**

340. Тарихий маълумотнома ташкилот-фонд ташкил этувчининг ва архив фондининг тарихига оид маълумотларни, унинг ҳужжатлари таркиби ва мазмuni ҳамда архивнинг илмий-маълумотнома аппарати тизими бўйича қисқача тавсифни ўз ичига олган ҳужжатdir.

Тарихий маълумотнома фонд ташкил этувчининг тарихи, фонд тарихи, ҳужжатларнинг тавсифи бўлимларидан иборат.

341. Биринчи бўлим – фонд ташкил этувчининг тарихи – ташкилотнинг келиб чиқиши тарихий шароитларининг тавсифларини, олдинги ташкилот номини, даврий тартибда барча қайта ташкил этилишларни, шу жумладан, қўйидаги ўз ичига олади:

тегишли қонун ҳужжатлари ва фармойиш ҳужжатларига ҳаволалар билан ташкилотнинг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тутатилиш саналари, қабул килувчи-ташкилот номи;

ташкилотнинг вазифалари ва хизматлари, уларнинг ўзгариши;

ташкилот фаолиятининг доираси, тасарруфдаги ташкилотлар тизими таркиби;

ташкилотни давлат аппарати тизимида, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа ҳаётий жабҳалардаги тутган ўрни;

ташкилот номи ва бўйсунишидаги ўзгаришлар;

ташкилотнинг тузилмаси ва ундаги ўзгаришлар.

Архив коллекциясининг тарихий маълумотномасида унинг яратилиш тарихи, тузувчиси, шу жумладан коллекцияни архивга келиб тушунга қадар жойлашган жойи хусусидаги маълумотлар (агар у архивда яратилмаган бўлса) кўрсатилади.

342. Фонд ташкил этувчининг тарихи қисқа ва аниқ ифодалаб берилиши лозим. Ташкилотнинг ташкил этилиши тўғрисида бир нечта ҳуқуқий далолатнома мавжуд бўлган ҳолларда энг охирида қабул қилинган далолатнома асос қилиб олинади.

Турли мавқедаги бир нечта ҳуқуқий далолатнома бўлган ҳолларда эса, энг юкори даражадаги бошқарув органи қабул қилган далолатнома асос қилиб олинади. Ташкилотнинг келиб чиқиш вақти ва фаолиятининг ҳақиқий бошланиши қонуний далолатномага мувофиқ кўрилиши ва буни алоҳида белгилаш лозим.

343. Иккинчи бўлим – фонд тарихи – қуидаги маълумотларни акс эттиради:

фонд ҳужжатларини архивга илк бора келиб тушиб санаси, уларнинг ҳажми, чегара саналари;

фонднинг таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришлар, уларнинг сабаблари (қимматдорлик экспертизасини ўтказиш, йўқотишлар, ҳужжатлаштирилмаган даврлар ва ҳоказолар);

ҳужжатларнинг сақланганлик ҳолати (даражаси);

ҳужжатларни шакллантириш, тасвираш ва тизимлашдаги алоҳида хусусиятлари;

фонднинг даврий чегараларидан чиқиб кетувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

бошқа фондлар таркибида ва бошқа архивларда ҳамда сақлаш жойларида фонд ташкил этувчининг (шу жумладан, шахсий таркиб бўйича) ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

бошқа ташкилотлар ёки шахсларнинг (фонд қўшилмалари) ҳужжатлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

фонднинг илмий-маълумотнома аппарати таркиби;

ҳужжатлардан фойдаланиш ва ундан фойдаланишга рухсат бериш шартлари.

344. Учинчи бўлим ҳужжатларнинг тўлиқ ва алоҳида гурухлари учун таркиби ва мазмуни бўйича фонднинг умумлашган тавсифини; фонднинг даврий чегараларидан чиқиб кетувчи, фонднинг илмий-маълумотнома аппарати тўғрисида, ахборот ташувчи воситаларнинг турлари тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади;

345. Архив коллекцияси тарихий маълумотномасининг иккинчи ва учинчи бўлимлари архив фонди тарихий маълумотномасининг тегишли бўлимларига ўхшаш тарзда тузилади.

346. Тарихий маълумотнома ижрочи ва архив мудири (архив учун масъул шахс) томонидан имзоланади; маълумотнома 4 нусхада тайёрланади: уч нусхаси давлат архивига фонд ҳужжатлари илк бора топширилаётганда берилади, бир нусхаси идоравий архив фонди жилдида сақланади.

347. Тарихий маълумотнома фонд тўлдирилаётганда ёки ташкилот қайта ташкил этилаётганда, хизматлари ва тузилмаси ўзгарилаётганда қўшимча тарзда тўлдирилади.

## 7-§. Архивнинг автоматлаштирилган илмий-маълумотнома аппарати

348. Архивнинг автоматлаштирилган илмий-маълумотнома аппарати (бундан кейинги ўринларда ИМА деб юритилади) бу архив ҳужжатлари ва ахборотини излаш учун мўлжалланган электрон маълумотномалар (ҳужжатларни тасвирлаш учун маълумотлар базалари)нинг мажмуаси.

349. Автоматлаштирилган ИМА ташкилотдаги жорий иш юритишнинг ахборотли-қидирув тизимида, биринчи навбатда унинг электрон маълумотнома кутиларига, йифмажиллар номенклатурасига, таснифлагичларига (корреспондентларига, таркибий бўлинмаларга, ҳужжатларнинг турлари, номларига ва б.) асосланади.

Электрон рўйхат олиш-назорат варакасининг (бундан кейинги ўринларда РОНВ деб юритилади) асосий ёзув қаторларига қўйидагилар киритилади: ҳужжат турининг номи, сана, ижро этилганлиги тўғрисида, архив шифри.

Ҳужжат тўғрисидаги ахборотни излаш РОНВнинг бир ёки бир нечта ёзув қатори комбинациялари бўйича амалга оширилади.

350. РОНВнинг “Номенклатура бўйича йифмажилд тартиб рақами” ёзув қатори ҳужжат даражасидаги ахборот излашдан йифмажилд даражасига ўтишда боғловчи қидирув реквизити ҳисобланади.

Йифмажилд мавжуд бўлган ҳолларда ҳужжатларни йифмажилларга киритиш ва ундан чиқариб ташлаш автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Агар фойдаланувчи номенклатура бўйича ахборотни излаётган ва бунинг учун у аниқ ҳужжатга ўтиши лозим бўлса, автоматик тарзда йифмажилдга киритилган ҳужжатларнинг рўйхати пайдо бўлади.

Қўйидагилар йифмажиллар номенклатурасининг асосий қидирув реквизитлари бўлиб хизмат қиласи: йифмажилд индекси, йифмажилд (қисм, жилд) сарлавҳалари, йифмажиллар (қисм, том) сони, сақлов муддати ва рўйхат бўйича моддаси.

351. Электрон йифмажиллар номенклатураси асосида автоматлаштирилган режимда йифмажиллар рўйхатларини шакллантириш амалга оширилади. Бунда ҳужжатларнинг сақлов муддатлари [доимий, узоқ муддат (10 йилдан ортиқ) сақловдаги ва шахсий таркиб бўйича] ахборотни ажратиб олиш учун “Сузгич” (“фильтр”) бўлади.

Электрон рўйхатда йифмажилд даражасидаги ахборотни тасвирловчи реквизитлар жой олади. Тасвирлашнинг мажбурий реквизитлари: ёзувнинг тартиб рақами (йифмажилднинг тартиб рақами), йифмажилднинг индекси, йифмажилд сарлавҳалари, ҳужжатнинг асллигига (нусхаларига) қўрсатгич, ҳужжатларнинг чегара саналари, йифмажилддаги вараклар сони, ҳужжатларни қисқача тавсифи.

Электрон рўйхатлар мажмуи фонд тўғрисидаги умумий ахборотларни беради.

352. Электрон РОНВ автоматлаштирилган каталог тузишда асос бўлиб хизмат қиласи.

Агар, анъанавий ИМАда каталогларнинг турлари ва хиллари (тизимли, мавзули, номли, муассасанинг тарихи бўйича ва б.) бир-бири билан ўзаро ҳаволалар тизими орқали боғланадиган бўлса, у ҳолда автоматлаштирилган режимда, ҳужжат ёки йифмажилд даражасидаги тасвирлашга эга бўлган ягона электрон каталог шакллантирилади.

Каталог мавзууни, географик номни, шахсни ва шу кабиларни акс эттирувчи калит сўзлар (иборалар) билан ифодаланади. Каталогда кўзда тутилган таснифлаш чизмаси ҳужжатни бир ёки бир нечта рукнга тегишли қилиш имконини беради. Таснифлаш чизмаси бўйича ахборотни излаш электрон каталогни бир вақтда тизимли каталог, географик каталог ва бошқа каталог сифатида қўллаш имконини беради.

Ташкилотда ҳужжатларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизими бўлмаган ҳолда ҳужжат даражасидаги тасвирлашларнинг маълумотлар базаси (электрон каталог) яратилади.

Қүйидагилар электрон каталогдаги тасвиrlашларнинг асосий реквизитлари хисобланади: индекс, руқн, руқн йўналиши, ҳодиса санаси, ҳодиса жойи, мундарижа, фонд номи, фонднинг тартиб рақами, рўйхатнинг тартиб рақами, йиғмажилдинг тартиб рақами, варақнинг тартиб рақами.

Фонд номи фонднинг тартиб рақами, рўйхатнинг тартиб рақами, йиғмажилдинг тартиб рақами, варақнинг тартиб рақами реквизитлари ҳисоб тавсифларини ўз ичига олган бўлиб, улар автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимларидан бошқа тизимларга кўчирилади.

353. Автоматлаштирилган ИМА анъанавий ИМАга нисбатан архив хужжатларини тезкор ва қўп қирралি излашда кенг имкониятларга эга ҳисобланади. ИМА функциялари ахборотни излаш, излаш натижаларини экран орқали ёки файл кўринишида тақдим этиш ва қофозга (ёзма) чиқариш, маълумотномалар матнини шакллантириш амаллари ёрдамида бажарилади.

Тасвиrlаш обьектини тавсифловчи калит сўзлар тизимга тасвиrlаш жараёнida ёки у тугаллангандан сўнг киритилади. Калит сўзлар фойдаланувчига фонд, рўйхат, йиғмажилд, хужжат даражасида тез қидириб топиш имконини беради.

Ахборотни материаллар (архив хужжатлари, дафтар мақолалари, китоблар, қонун хужжатлари кабилар)нинг тўлиқ матнidan иборат маълумотлар базаси бўйича қидириш фойдаланувчини биринчи навбатда реферат (кириш)га ва хужжатнинг бўлимларини мундарижасига мурожаат қилишини, зарур ҳолларда тегишли матнга ўтишини кўзда тутади. Бу билан фойдаланувчига, жоиз бўлганда, хужжатнинг тўлиқ матнidan тезкор нусха олиш имкони яратилади.

Тўлиқ матнли хужжатлар бўйича ахборот излаш тезаурусларнинг босма кўринишиларидан олинадиган ёки таснифли белгилари бўйича, шу жумладан, хужжат матнидаги мавжуд сўзлар бўйича олинадиган дескрипторлар бўйича амалга оширилади.

354. Доимий сақлов ҳужжатлари давлат архивларига автоматлаштирилган ИМА билан бирга топширилади.

Автоматлаштирилган ИМА маълумотлар базаси тузилмасидаги мажбурий реквизитларнинг мавжудлиги ва ушбу реквизитлар бўйича ахборотни электрон шаклда тақдим этилиши идоравий архивнинг МБни давлат архивининг автоматлаштирилган ИМАга мос келишини таъминлайди.

## **VIII. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларидан фойдаланиш**

### **1-§. Умумий қоидалар**

355. Идоравий архив ҳужжатларидан фойдаланиш архив ҳужжатларидағи ахборотлардан иқтисодий, илмий, сиёсий, маданий мақсадларда ҳамда фуқароларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларининг таъминлаши демакдир.

356. Идоравий архивлар юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги хизмат турларини кўрсатадилар:

идоравий архивда сақланаётган архив фонdlари ва архив ҳужжатлари тўғрисида ахборот бериш;

идоравий архивнинг ўкув хоналарида ишлаётган тадқиқотчиларга хизмат кўрсатиш;

архив ҳужжатларидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалар ва кўчирмалар тайёрлаб бериш;

ижтимоий-хуқуқий мазмундаги маълумотномаларни белгиланган тартибда бериш;

кўргазмалар, экскурсиялар ташкил этиш;

архив йиғмажилларини вақтинчалик фойдаланиш учун юридик шахсларга бериш.

357. Хизматлар кўрсатиши юридик ёки жисмоний шахсларнинг ёзма сўровлари асосида амалга оширилади ва иш юритиш йўриқномасига мувофиқ алоҳида журналда қайд этилади.

358. Архив йиғмажилдлари ва хужжатлар фақат архив раҳбарининг ёзма рухсатномасига асосан кўрсатилади. Ёши 16 га етмаган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг архив хужжатларидан фойдаланишига рухсат этилмайди.

359. Хужжатлар мавжудлиги, уларнинг мазмуни хусусида раҳбариятни ва таркибий бўлинмаларни, шунингдек, бошқа ташкилотларга маълум қилиш ҳамда сўровларни бажариш муайян мавзу бўйича, сўров бўйича ёки ташабbus тартибида ахборотли хат шаклида, хужжатларнинг мавзули рўйхати бўйича ёки идоравий архивда муайян мавзу бўйича тегишли хужжатлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномалар шаклида, хужжатларнинг саналари ва излаш маълумотларини кўрсатган ҳолда архив томонидан амалга оширилади. Зарур бўлганда юқорида қайд этилганларнинг қисқача тавсифи берилади.

Хужжатларнинг мавзули рўйхатида (мазкур Қоидаларнинг 44-иловаси), маълумотномада хужжатлар сарлавҳаси ёки йиғмажилдлар қайси фондга тегишлигидан қатъий назар қуидаги тартибда жойлаштирилади: воқеаларнинг даврлари, масалалар (предмет-савол белгиси), хужжатнинг тури (номинал белгиси) ёки аҳамияти бўйича.

Раҳбарларни маълум қилиш хужжат нусхаларини мавзули ажратиб олиш шаклида амалга оширилади. Хужжат нусхалари мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилади: ажратмага титул варафи, тарихий маълумотнома ва бошқа материаллар илова этилади.

360. Рўйхат, маълумотнома, хат, хужжатларнинг ташкилот доирасида йўналтириладиган мавзули ажратмаси архив мудири томонидан имзоланади; бошқа ташкилотлар учун рўйхат, маълумотнома, хат, хужжатлар нусхасидан мавзули ажратмаси архив мудири томонидан имзоланиб, ташкилот раҳбари имзолаган йўлланма хати билан жўнатилади.

361. Хужжатлардан фойдаланувчи ташкилотлар ва фуқаролар хужжатлардан тўғри фойдаланиш ва улардаги ахборотларни тўғри бериш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар; идоравий архив хужжатларидан фойдаланаётганда фойдаланувчилар хужжатларнинг сақланиш жойларига ҳавола беришлари шарт ҳисобланади.

362. Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига идоравий архив хужжатларидан фойдаланишга, архив маълумотномалари, нусхалари ва кўчирмалар олишга рухсат қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

## **2-§. Ижтимоий-хукуқий мазмундаги сўровларнинг бажарилиши**

363. Фуқаролар ва ташкилотларнинг сўровлари бўйича ижтимоий-хукуқий мазмундаги маълумотлар архив маълумотномалари, архив нусхалари ва архив кўчирмалари шаклида берилади.

Архив маълумотномалари, нусхалари ва кўчирмалари фойдаланувчининг ёзма сўров-аризаси асосида берилади. Сўров-аризада қуидагилар кўрсатилиши шарт: мурожаат қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми; аризачи ишлаган ташкилотнинг тўлиқ номи; лавозими ва ишлаган даври; архив маълумотлари сўраклаётган шахсга нисбатан қариндошлик муносабати, унинг манзили; алоқа телефонлари; сана ва шахсий имзоси шунингдек, аризада шу жумладан, архив маълумотномаси нима мақсадда ва қайси ташкилотга тақдим этиш учун кераклиги кўрсатилиши лозим.

Фуқароларнинг фамилиялари, манзиллари ва имзолари бўлмаган ёзма мурожаатлари аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди; шахсан мурожаат қилган ҳолда, фамилия ва манзил мавжуд бўлган ҳолда етишмайтган маълумот тўлдирилади.

Агар сўров ёки ариза маълумотнома юритиш учун зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлмаса, аризачи номига қўшимча маълумотлар юборилишини сўраб хат юборилади.

364. Ташкилотлар ва фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларини архив материаллари бўйича ижро этиш муддати сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим.

Архивга тегишли бўлмаган сўровларни бошқа архивларга ёки ташкилотларга юбориши, шу жумладан, бу хусусда аризачига хабарнома юбориш, мурожаат олингандан сўнг 5 кун ичida бажарилиши лозим.

365. Фуқароларнинг сўров-аризалари бўйича қўидаги архив маълумотномалари берилади: меҳнат стажи ва иш хақи тўғрисида, сайлов лавозимларига сайланганлик, мукофотлар, даволанишда бўлганлик, таълим олганлик, фуқаролик ҳолати, меҳнат ва мулкий ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида маълумот.

366. Архив маълумотномалари фақат идоравий архивда сақланаётган ҳужжатлар асосида тузилади. Агарда сўралаётган масалага оид маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар архивда мавжуд бўлмаса, архив маълумотномаси архивда сақланаётган мурожаат предметига тааллуқли бўлган босма материаллар бўйича, манбани аниқ ва тўлиқ кўрсатилган ҳолда берилади.

Архив маълумотномалари белгилangan шакlda (мазкур Коидаларнинг 45-иловаси), “Архив маълумотномаси” нинг номи билан, маълумотнома матнини тузишга асос бўлиб хизмат қилган архив шифрлари (фонднинг, рўйхатнинг, йиғмажилдинг ва варақларнинг тартиб рақами)ни кўрсатиб ташкилотнинг маҳсус бланкида тузилади.

Маълумотномада ҳужжатларнинг номлари, саналари ва тартиб рақамлари келтирилиб, мурожаат масаласига тааллуқли ва қайд этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ифодаланади; архив маълумотномасига сўров масаласига билвосита тааллуқли, унинг тўлиқроқ ва тўғрироқ изоҳланишига ёрдам берадиган маълумотлар киритилади. Изоҳлар улар ёритиб бераётган ҳужжатларнинг эмас, балки воқеаларнинг даврий тартибида берилади. Маълумотномада қўштироққа олинган ҳолда ҳужжатлардан кўчирмалар келтирилиши. Ташкилотнинг номи маълумотнома матнида илк бор келтирилганда тўлиқ, қавс ичida эса расмий қисқартирилган ҳолда берилади; такрорланган ҳолларда фақат қисқартирилган шакlda берилади. Архив маълумотномаси матнида фойдаланилган ҳужжатларнинг мазмuni бўйича ижроchi ходимнинг шахсий хуносалари, шарҳлари келтирилишига йўл қўйилмайди.

Архив маълумотномаси ташкилот раҳбари ёки тузилмасига архивни олган таркибий бўлинма раҳбари ва архив мудири (архивга масъул шахс) томонидан имзоланади; маълумотномаларни имзолаш ҳуқуқи идоравий архив тўғрисидаги низомда изоҳланади. Маълумотнома ташкилот муҳри билан тасдиқланади; маълумотноманинг иккинчи нусхаси архив мудири (архив учун масъул шахс) томонидан тасдиқланиб, йиғмажиллар номенклатурасига мувофиқ архив йиғмажилларида сақланади.

367. Меҳнат стажи тўғрисида маълумотнома бериш учун асос бўлувчи ҳужжатлар: қарорлар, буйруқлар, шахсий таркиб бўйича фармойишлар, умумий йиғилишлар баёни, конференциялар, кадрлар ҳисоби бўйича рўйхатга олиш ва алифбо ва рақлари, алифболи, номли, хизмат кўрсатганлик ва меҳнат рўйхатлари, шахсий ҳисоб ва рақалари ва иш хақи олиш бўйича қайднома ва ш.к.

Аризачининг лавозими кўрсатилиб, у томондан имзолangan ҳужжатлар, шу жумладан, бошқа ташкилотлар томонидан мансабдор шахс сифатида унга йўлланган ҳужжатлар ҳам инобатга олинади.

Шахсий жиллардаги кадрларни ҳисобга олиш варағи, анкеталар ва автобиографиялар мәхнат стажи тұғрисида маълумотнома бериш учун асос бўла олмайди. Зарур бўлган ҳолларда улардаги мавжуд маълумотлар тұғрисида аризачига фақат ёзма ахборот берилади.

368. Иш хақи тұғрисидаги маълумотномани тузиш учун ишчи ва ходимларнинг шахсий варақаларидан, улар мавжуд бўлмаганды эса, иш хақи бериш қайдномалари, иш хақи бериш машинограммалари, ҳисоб дафтарчалари, штат жадвалларидан фойдаланилади.

Маълумотлар архив ҳужжатларида қандай бўлса, шундайligicha киритилади. Иш хақи тұғрисидаги маълумотномага барча қўшилмалар (начисления), зарур ҳолларда уларнинг турлари (кўшимча тезкор ишлар, касаллик варақалари, ўриндошлиқ ва ш.к) кўрсатилиб киритилади. Маълумотноманинг охирида ҳар бир қўшилмага архив шифри (фонд, рўйхат, йиғмажилд ва жилддаги варақларнинг тартиб рақамлари) кўрсатиласди.

369. Маълумоти тұғрисидаги архив маълумотномаларини тузиш учун буйруқлар, педагогик кенгаш, давлат имтиҳон комиссиялари баённомалари ёки уларнинг ўқувчини шахсий жилдидаги кўчирмалари, берилган аттестатлар, дипломлар, имтиҳон варақларини рўйхатга олиш китобидан фойдаланилади.

370. Мулкий ҳуқуклар (уйни сотиш ва сотиб олиш, мулкни тақсимлаш, меросни бериш, ер участкасида қуриш ҳуқуқи ва б.) тұғрисидаги архив маълумотномаларини тузиш учун нотариал реестрлар, меросга бўлган ҳуқуқ тұғрисидаги гувоҳномаларни бериш йиғмажиллари, нотариал тасдиқлаган шартномаларнинг биринчи (асосий) нусхалари, индивидуал қурилишда қуриш ҳуқуқига эгалик шартномалари, квартира ажратишга берилган ордерларни рўйхатга олиш дафтарлари, мулкий даъволар бўйича ҳалқ судларининг қарорлари асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

371. Ҳужжатлардан нусхалар ва кўчирмалар сўровлар асосида берилади. Берилган нусхалар ва кўчирмаларнинг асл нусха билан бир хиллиги ташкилот раҳбари ёки у томондан ваколат берилган шахс (тузилмасига архив киритилган таркибий бўлинма раҳбари) ва архив мудири томондан, ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Кўчирма бир нечта алоҳида, бир-бири билан боғланмаган масалалар мавжуд бўлган ҳужжатлардан олинади. Кўчирма ҳужжатнинг сўровга тегишли қисми тўлиқ матнини ифодалаши лозим.

Асл ҳужжатнинг алоҳида сўзлари ва ифодалари, шу жумладан, шубҳа туғдирадиган тузатмалар, тушунмовчиликлар “ҳужжатда шундай” ёки “матнда аниқ эмас” сўзлари билан кўрсатиласди. Ҳужжатларга тушунтиришлар, тўлиқ маълумотнома берилмаганлик сабаблари ва шу кабилар архив маълумотномасига йўлланма хатда келтириласди.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларнинг муайян қисми аризада келтирилган маълумотларга мос келиб, бир қисми мос келмаслиги уларни архив маълумотномасида қайд этилишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Бундай ҳолларда маълумотлар ҳужжатларда қандай келтирилган бўлса, шундай қайд этилади, улар орасидаги тафовут эса «ҳужжатда шундай» сўзлари билан изоҳланади.

Исми ва отасининг исми йўқ бўлганда, исми-шарифи ҳарфни сўзга айлантириш имкони бўлмаган ёки тушунарсиз ёзилган ёхуд иккисидан бири мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам шу каби изоҳланади.

Лавозимнинг номи биринчи қайд этилганда тўлиқ, кейинги такрорланишларда эса, қисқартириб берилади.

Ёзув машинкасида бажарилган архив нусхалари ва ҳужжатлардан кўчирмалар ташкилотнинг хатлар бланкида, ҳужжатнинг номини “Архив нусхаси” “Архив кўчирмаси” деб белгилаб тайёрланади. Ҳужжатнинг ксеро-нусхаси олинганда ташкилот бланки қўлланилмайди.

Архив нусхаси ёки архив кўчирмаси матнидан сўнг ҳужжатнинг архив шифри кўрсатилади. Ҳар бир далил ёки ҳодиса ифодалангандан сўнг ҳужжатни излаш маълумотлари кўрсатилади.

Агар ҳужжат нусхаси ёки кўчирма бир варакдан ортиқ бўлса, у ҳолда архив шифри ҳар бир варакнинг орқа томонида кўрсатилади. Архив нусхалари ёки кўчирмаларининг барча тўғналган вараклари, рақамланган ва тўғналган жойи архив томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

372. Архив маълумотномалари, нусхалари, архив ҳужжатларидан кўчирмалар аризачига почта орқали ташкилотнинг ёки унинг тузилмасига архивни олган таркибий бўлинманинг раҳбари имзолаган йўлланма хат билан юборилади; улар аризачига паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилганда, тилхат асосида берилиши ; унинг қариндошлари ёки ишончли вакилларига нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгандагина берилиши . Архив маълумотномаси, нусхаси ёки кўчирмасини олувчи шахс олинаётган ҳужжатнинг архив йиғмажилларида қолаётган иккинчи нусхасида паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз имзосини қолдиради.

373. Фуқаролик ҳолати, маълумоти тўғрисида, меҳнат дафтарчалари ва ўз вақтида эгаси томонидан олинмаган бошқа шахсий ҳужжатларнинг асл нусхаларини архив йиғмажилларидан олиб, эгаларига ёки уларнинг қариндошларига беришга йўл қўйилади.

Асл шахсий ҳужжатлар аризачиларга ташкилот раҳбарининг рухсати билан уларнинг қариндошлари ёки нотариал тасдиқланган ишончли вакилига кўрсатилган паспорт ва бошқа шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида берилади.

Жилдан чиқарib олинган ҳужжатнинг ўрнига ҳужжатни берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ҳужжатдан олинган нусха ёки ҳисоб ҳужжатларида олинганлиги тўғрисида белги қўйилиб, ҳужжатнинг бериб юборилиши учун асос-ҳужжатнинг тартиб рақами, санаси ва номи, шу жумладан, олувчининг шахсий имзоси (шахсан берилганда) кўрсатилади.

374. Сўралган маълумотлар идоравий архивда бўлмаган ҳолларда ташкилотнинг хатлар бланкида салбий жавоб тайёрланади. Унда сўралган маълумотларни архив ҳужжатларида мавжуд эмаслиги кўрсатилиб, зарур маълумотлар бўйича қаерга мурожаат қилиш лиги ҳақида тавсия берилади. Салбий жавоб зарур ҳужжатлар, уларнинг йўқолганлиги ёки ҳалокат натижасида йўқотилганлиги каби маълумотларидан иборат бўлса, хатнинг матни ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

375. Ташкилотга келиб тушган барча сўровлар ва аризалар сўровларни рўйхатга олиш ва бажарилишини ҳисобга олиш дафтарида (мазкур Қоидаларнинг 46-иловаси) қайд этилиб, кейин ижро учун архивга берилади.

Архив маълумотномаси берилаётганда маҳсус дафтарга йўлланаётган сана, жавобнинг мазмуни (ижобий, ҳужжатлар кўриб чиқилиб салбий, ҳужжатлар кўриб чиқилмасдан салбий), жавобдан нусха (архив маълумотномасининг нусхаси) қолдирилган йиғмажилдинг иш юритишдаги тартиб рақами ёзиб қўйилади.

### **3-§. Архив ўқувхонасининг иши**

376. Идоравий архивда фойдаланувчиларнинг ишлашлари учун шароитлар яратиш мақсадида тегишли техникалар билан жиҳозланган ўқувхона (ишлаш жойи, кўриш зали, компьютер хонаси ва б.) ташкил этилади.

Идоравий архив ўқувхонасида ишлаш тартиби ва жадвали ишлаб чиқилиб, у ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Архивда ўқувхона учун ажратилган хона мавжуд бўлмаган ҳолларда фойдаланувчиларнинг хужжатлар билан ишлашлари архивнинг ишчи хоналарида олиб борилади ва бу борада маҳсус иш жойлари ташкил этилади.

377. Идоравий архивнинг ўқув хонасида ташкилот ходимлари, бошқа ташкилотлардан келган тадқиқотчилар, жисмоний ва юридик шахслар ишлашлари .

Фойдаланувчиларни идоравий архивнинг ўқув хонасида ишлашларига улар ташкилотининг хат-муносабати ёки шахсий аризалари асосида рухсат берилади. Илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёки хизмат топширигини бажараётган фойдаланувчилар исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, унвони, мавзуси, даврий чегаралари ва тадқиқот мақсади кўрсатилган хатини тақдим этадилар. Хат манфаатдор ташкилотнинг бланкида расмийлаштирилган, унинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Ташкилотнинг ходимлари ўқувхонага хизмат гувоҳномалари асосида киритиладилар.

Чет эллик фуқароларга хужжатлар билан ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигининг рухсати асосида амалга оширилади.

Идоравий архивнинг ўқувхонасида ишлашга рухсат бериш ташкилотнинг ёки архив тузилмасига оид таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан фойдаланувчи учун лозим бўлган даврга, лекин расмийлаштирилган кундан бошлаб 1 йилдан ошмаган муддатга берилади. Зарур бўлганда муддат раҳбарият билан келишилган ҳолда узайтирилади.

378. Ҳужжатлар билан ишлашга рухсат олган фойдаланувчилар қўйидаги амалларни бажаришлари лозим:

- паспортини кўрсатиши;
- анкета (мазкур Қоидаларнинг 47-иловаси) тўлдириши;
- идоравий архивнинг ўқувхонасида ишлаш қоидалари билан танишиб чиқиши;
- ҳар бир ташрифида ўқувхонага фойдаланувчиларнинг ташриф дафтарига (мазкур Қоидаларнинг 48-иловаси) имзо қўйиши.

379. Ўқувхонада ҳар бир фойдаланувчига шахсий йиғмажилд юритилиб, унга қўйидаги ҳужжатлар киритилади:

тадқиқотчини архивга йўллаган ташкилотнинг идоравий архивнинг тузилмаси таркибига кирган ташкилот ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан ўқувхонада ишлашга рухсат берувчи резолюцияга асосланган хати;

фойдаланувчининг анкетаси (мазкур Қоидаларнинг 47-иловаси), йиғмажилларни беришга талабнома (мазкур Қоидаларнинг 19-иловаси);

хужжатлардан нусха олишга буюртма (мазкур Қоидаларнинг 49-иловаси).

Фойдаланувчиларнинг шахсий йиғмажилларини ҳисобга олиш учун фойдаланувчиларни ва уларнинг шахсий йиғмажилларини рўйхатга олиш дафтари юритилади (мазкур Қоидаларнинг 51-иловаси).

Фойдаланувчиларнинг шахсий йиғмажиллари ўқувхонада сақланади, фойдаланувчининг иши тугагандан сўнг, яъни 1 йил ўтгач идоравий архив таркибидаги архивга топширилади.

380. Идоравий архив фойдаланувчиларнинг ўқувхонадан фойдаланишлари учун ҳисобга олинган ва илмий-техникавий ишловдан ўтган, маълумотномаларга ва бошқа излаш воситаларига эга ҳужжатларни тақдим этади.

Ҳужжатлар беришни рад этиш ёки кечикиришга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

- хужжат ёмон жисмоний ҳолатда бўлганда;
- хужжат сақловга топширилаётганда республика қонунчилиги ёки фонд ташкил этувчи томонидан ундан фойдаланишга чеклашлар қўйилганда;
- хужжатдан архив ходимлари хизмат вазифаларини бажариш учун фойдаланаётганда;

хужжатлар вақтінча фойдаланишга ёки үқувхонадаги бошқа фойдаланувчига берилганды.

Хужжатларни беришга рад жавоби ёзма шаклда, рад этилиши сабаблари, амалдаги чеклаш муддатлари, чеклашларга юридик асос, шу жумладан, рад этиш бүйича шикоят қилиш тартиби күрсатилиши лозим.

381. Йиғмажилд (рўйхатлар, каталог кўрсатгичлари ва б.) сақловхонадан тўлдирилган буюртма (талабнома) асосида (мазкур Коидаларнинг 19-иловаси) берилади ва сақловхонадан йиғмажилларни бериш китобида (мазкур Коидаларнинг 21-иловаси) ҳисобга олинади. Сўралган хужжатларни олаётганда фойдаланувчи уларнинг холатини текшириб чиқиб, буюртма (талабнома) бланкида имзо қўйиши шарт. Фойдаланувчининг имзоси у томонидан йиғмажиллар текшириб чиқилганини, улар белгиланган тартибда эканлиги ва фойдаланиш вақтида уларни сақлови учун жавобгарликни ўз зиммасига олганлигини тасдиқлади.

Бир вақтнинг ўзида фойдаланувчи ҳисобидаги йиғмажиллар сони 20 тадан ортмаслиги керак. Фойдаланувчи ҳар куни иш якунлангандан сўнг унга берилган йиғмажилларни үқувхона ходимига қайтариши лозим.

382. Сақловхонадан үқувхонага берилаётган ҳар бир йиғмажилд фойдаланиш варагига эга бўлиши лозим. Фойдаланувчи иш давомида фойдаланиш варагини тўлдириб бориши лозим.

383. Ишлар тугаб, йиғмажилларни сақловхонага қайтариш учун охирги марта топширилаётганда архив ходими уларни тадқиқотчидан текшириб, қабул қилиб олади ва йиғмажилларни беришнинг буюртма (талабнома) бланкида ўз имзосини қолдиради.

Агар қайтарилаётган йиғмажилларда камомад ёки хужжатларга зарар етказилганини аниқланса, бу ҳақда далолатнома тузилади. Агар зарар фойдаланувчининг айби билан етказилган бўлса, у идоравий архивнинг үқувхонасида шуғулланиш ҳуқуқидан муайян муддатга маҳрум қилинади. Ушбу муддат ташкилот таркибий бўлинма раҳбари томонидан белгиланади.

Хужжат ўғирланган ёки унга қасдан зарар етказилган ҳолларда, шу жумладан, уларнинг матнига ўзгартишлар киритилганда, айборлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

384. Идоравий архивнинг үқувхонасида шуғулланаётган фойдаланувчилар хужжатлардан кўчирмалар олиши ва хужжатлардан нусхалар олишга буюртма расмийлаштириши . У хужжатлардан нусха олиш учун сўровнома (49-илова) тўлдириши лозим. Тегишли рухсат олинмасдан чизмалар ва расмлардан нусхалар олиш таъкиқланади.

Хужжатлардан олинадиган нусха ва кўчирмалар фақат тадқиқот мавзуси бўйича олиниши зарур.

Хужжатлардан нусха олиш у билан боғлиқ тўлов амалга оширилгандан кейингина бажарилади.

Идоравий архивда тегишли нусха олиш техникаси мавжуд бўлмаган ҳолларда хужжатлардан нусха олиш манфаатдор ташкилотнинг кучи билан идоравий архив хонасида, фотоательеда ёки бошқа ташкилотнинг фотолабораториясида, идоравий архив ходими иштирокида амалга оширилиши лозим.

385. Хужжатларнинг нусхалари фойдаланувчига нусха олишга буюртмага ёзиладиган тилхат бўйича берилади ёки унинг ташкилоти манзилига юборилади.

#### **4-§. Хужжатларни вақтінча фойдаланиш учун бериш тартиби**

386. Йиғмажиллар вақтінча фойдаланиш учун ташкилотнинг таркибий бўлинмаларига 30 кундан ошмаган муддатгача берилиши лозим. Ушбу муддат йиғмажилларнинг сақлов ҳолати билан танишиб чиқилгандан кейин яна узайтирилиши ва бу муддат 30 кундан ошмаслиги лозим.

387. Йиғмажилларни вақтинга фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга бериш уларнинг ёзма сўровлари асосидаги далолатнома (мазкур Қоидаларнинг 20-иловаси) билан расмийлаштирилади. Далолатнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси фойдаланувчига берилади, иккинчиси эса архивда қолдирилади. Далолатнома хужжатларни бераётган ва қабул қилиб олаётган ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан имзоланади; имзолар ташкилотларнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

Йиғмажиллар уч ойдан ошмаган муддатга берилади.

388. Вактинга фойдаланишга берилаётганда ҳар бир йиғмажилд йиғмажилларни сақловхонадан бериш китобига (мазкур Қоидаларнинг 21-иловаси) киритилади, ҳар бир берилган йиғмажилдинг сақланиш жойига алоҳида ўринбосар-карта (мазкур Қоидаларнинг 23-иловаси) қўйилади. Ўринбосар-карталар архивда зарурат қолмагунга қадар сақланади. Идоравий архивга қайтарилаётган йиғмажилдинг ҳолати йиғмажилдни қайтараётган шахснинг иштироқида текширилади.

389. Ҳар бир вақтинга фойдаланишга берилаётган йиғмажилд фойдаланиш варагига (мазкур Қоидаларнинг 22-иловаси) эга бўлиши лозим.

### **5-§. Идоравий архив ҳужжатларидан оммавий ахборот воситаларининг ахборот тадбирларида фойдаланиш**

390. Идоравий архив оммавий ахборот воситаларида ахборот тадбирлари, кўргазмалар тайёрланадиганда ҳужжатлардан фойдаланишни, шу жумладан уларни нашр этишини ташкил этади.

Қўйидагилар ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари ҳисобланади: ҳужжатларнинг кўргазмасини ташкил этиш, мавзули рўйхатлар ва ажратмалар тайёрлаш, мақолалар ва нашрлар тайёрлаш, жамоатчилик билан учрашувлар, экспурсиялар, маърузалар ташкил этиш, альбомлар, плакатлар, диаграммалар тайёрлаш.

Ишлар мустақил тарзда, бошқа ташкилотлар билан ёки давлат архиви билан биргаликда олиб борилиши .

Мавзуу, материалларни тайёрлаш муддатлари ташкилотнинг ёки архивни тузилмасига кирган таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан тасдиқланади. Оммавий ахборот воситалари учун тайёрланган мақолалар ва бошқа материалларнинг идоравий архивда қолаётган нусхаларида фойдаланилган ҳужжатларнинг қидирув маълумотлари, шу жумладан, нашр этилган жойи ва санаси кўрсатилади.

391. Ҳужжатлар кўргазмаси бу ҳужжатларни муайян мавзу бўйича ажратиб олиб, бадиий шакллантириш ҳисобланади.

Кўргазмалар кўчмас ва кўчма бўлиши . Кўчмас кўргазмалар муайян бир хона ва жойда, кўчма кўргазмалар эса турли ташкилотларда кўрсатиш учун мўлжалланган.

Одатда ҳужжатлар кўргазмаларда нусхалар кўринишида тасвиранади. Кўчмас кўргазмаларга ҳужжатларнинг асл нусхалари қўйилади, уларнинг сақлови учун жавобгарлик кўргазмани ташкил этаётган ташкилот зиммасига юклатилади.

392. Ҳужжат нусхаларини мавзули ажратиб олиш бу ҳужжатларнинг муайян мавзу бўйича тизимлаштирилган тўплами ёки унинг бир қисмидир. Ҳужжатларни мавзули ажратиб олиш титул варагига, ҳужжатлар рўйхатига ва зарур ҳолларда тарихий маълумотномага эга бўлиши лозим.

Титул варагида ажратиб олишга тайёрланган ташкилотнинг номи, мавзунинг номи, даврий доиралари, ажратиб олинган йили кўрсатилади.

393. Плакат катта ададда (тиражда) нашр этилаётган матнли, суратли ҳужжатларни нашр этилаётган ҳужжатлар билан узвий боғланган қисқача изоҳлари билан бирга мавзули бадиий шакллантирилган нашри ҳисобланади.

394. Идоравий архив мустақил тарзда ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда ҳужжатларни нашр этиш бўйича тайёрлов ишларини амалга оширади. Дафтар ва газета

нашрларини тайёрлаш ҳужжатлардан фойдаланишнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Материалларни оммавий ахборот воситаларида нашр этишдан олдин уларнинг матни ташкилотнинг ёки архивни тузилмасига кирган таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

395. Учрашувлар, экскурсиялар, маъruzалар идоравий архивни манфаатдор ташкилотлар билан олдиндан келишуви асосида ташкиллаштирилади. Улар тайёрланаётганда мавзу, оммалаштириш учун мўлжалланган ҳужжатларнинг таркиби аниқлаштирилади.

#### **6-§. Ҳужжатлардан фойдаланиш ҳисоби**

396. Идоравий архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг барча шакллари ҳисобга олиниши лозим.

397. Идоравий архив ҳужжатларидан фойдаланишнинг ҳисоби қуидаги ҳисоб шаклларида олиб борилади:

сақловхонадан йифмажилларни бериш китоби (мазкур Қоидаларнинг 21-иловаси); асосида;

берилган нусхаларни, қўчирмаларни, маълумотномаларни, техникавий материалларни рўйхатга олиш дафтари (мазкур Қоидаларнинг 50-иловаси);

ўкувхонага фойдаланувчилар ташрифини рўйхатга олиш дафтари (мазкур Қоидаларнинг 48-иловаси);

фойдаланувчиларни ва уларнинг шахсий йифмажилларини рўйхатга олиш дафтари (мазкур Қоидаларнинг 51-иловаси) бўйича.

### **IX. БОБ. Идоравий архив ҳужжатларини давлат сақловига топшириш тартиби**

#### **1-§. Идоравий архивда ҳужжатларнинг чегаравий сақлов муддатлари**

398. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари идоравий архивдаги вақтинча сақлов муддатлари тугагандан сўнг, доимий давлат сақловига топширилади.

399. Идоравий архив давлат архивининг фондни ташкил этувчи жамлаш манбай ҳисобланган ташкилот сифатида ўз ҳужжатларини доимий давлат сақловига топшириади.

400. Ҳужжатлар давлат сақловига тартибга солинган ҳолда, тегишли илмиy-маълумотнома аппарати ва ўта қимматли ҳужжатларнинг сугурта нусхалари билан бирга топширилади.

401. Ўзбекистон Республикаси МАФнинг давлат архив фонди ҳужжатларини вақтинча сақлашни давлат ташкилотлари, улар томонидан ташкил этиладиган идоравий, бирлашган идоравий, идоралараро архивлар қуидаги муддатларда амалга ошириладилар:

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратураси, судлари, банклари, республика бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмалари архив ҳужжатлари – 15 йил мобайнида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, прокуратуралари, судлари, банклари, вилоятига бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ташкилотлари ва бирлашмалари архив ҳужжатлари – 10 йил мобайнида.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шаҳар ва туманга бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмалари, қишлоқ хўжалиги корхоналари архив ҳужжатлари – 5 йил мобайнида;

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувлари, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар, нотариал характлари, суд ишлари, хўжалик дафтарлари ёзувлари – 75 йил мобайнида;

Кўшма (давлат иштироқидаги) корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг аралаш шаклларида бирлашмалар фаолиятини амалга оширишда пайдо бўлган архив ҳужжатлари - 10 йил мобайнида;

Илмий, технология ва патент ҳужжатлари - 10 йил мобайнида;

Конструкторлик ҳужжатлари - 15 йил мобайнида;

Капитал қурилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари - 25 йил мобайнида;

Телеметрик ҳужжатлар - 5 мобайнида;

Киносуратовозли ҳужжатлар ва видеофонограммалар тайёрланган вақтдан бошлаб кўпи билан - 3 йил;

Машина омили асосидаги ҳужжатлар - 5 йил мобайнида;

Махфий ҳужжатлар - 30 йил мобайнида.

Бошқарув ҳужжати таркибига кирувчи фотосуратлар, овоз ёзилган ленталар ушбу ҳужжатларни саклаш учун назарда тутилган муддатлар мобайнида сакланади.

Илмий-техника ҳужжатлари таркибига кирадиган кино ва сурат-овозли ҳужжатлар, овозли ва видео ёзувлар, машина омилидаги ҳужжатлар илмий-техника ҳужжатларини саклаш учун назарда тутилган муддатлар мобайнида сакланади.

402. Идоравий архивда ҳужжатларни вақтинча саклаш муддатлари зарур бўлган ҳолларда тегишли давлат архиви билан келишган ҳолдагина ўзгартирилиши лозим.

403. Ҳужжатларнинг сакловдан йўқолиш (йўқ қилиш) ҳавфи пайдо бўлган ҳолларда, ташкилотнинг шартнома асосидаги сўровига кўра ҳужжатлар муддатидан олдин давлат сакловига топширилиши зарур.

404. Ташкилот тугатилаётган ҳолларда ҳужжатларни ҳуқуқий томондан қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган ворис ташкилотга ёки юқори ташкилот архивига топширилади.

405. Ҳужжатларни юқори ташкилотга топшириш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳужжатлар ва мулкни топшириш бўйича ташкил этилган комиссия (тугатиш комиссияси) қарорига мувофиқ тегишли давлат архивига топширилади.

406. Нодавлат юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти давомида йигилган Нодавлат архив фонди ҳужжатлари доимий давлат сакловига тегишли давлат архиви билан тузилган шартнома асосида топширилади.

407. Нодавлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, бирлашмалар тугатилаётганда ёки шахсий архив эгаси вафот этганда, уларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга шахс ёки қонуний меросхўри мавжуд бўлмаган ҳолларда ушбу ҳужжатлар тегишли давлат архивига топширилади.

## **2-§. Ҳужжатларни давлат сакловига топшириш тартиби**

408. Ҳужжатларни давлат сакловига топшириш ташкилотнинг раҳбари ва тегишли давлат архиви тасдиқлаган режа-жадвал (мазкур Қоидаларнинг 52-иловаси) бўйича амалга оширилади. Доимий саклов ҳужжатларининг ҳажми катта бўлмаган ташкилотларда давлат архиви билан келишув бўйича ҳужжатлар ҳар 5 йилда бир марта топширилиши шарт.

409. Ҳужжатлар давлат архивига тегишли архив муассасасининг ЭТКси томонидан тасдиқланган йигмажиллар рўйхати асосида топширилади.

Ҳужжатлар давлат архивига илк бора топширилаётганда ташкилотнинг архив фондига тарихий маълумотнома қўшиб берилади. Кейинги ҳужжатлар топшируvida тарихий маълумотномага қўшимчалар ёки рўйхатга тузилган сўз бошида

хужжатлардаги номлар, хизматлар, тузилманинг ва ташкилотнинг бўйсуниши, таркиби ва хужжатларнинг мазмунидаги барча ўзгаришлар кўрсатилади.

410. Хужжатларни доимий сақловга топширилаётганда давлат архивининг вакили билан биргаликда йиғмажилларга тўғри илмий-техникавий ишлов берилганлиги, хужжатларнинг жисмоний ва санитар-гигиеник ҳолати текширувдан ўтказилади. Камчиликлар аниқланган ҳолларда далолатнома тузилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ташкилотнинг кучи билан амалга оширилади.

411. Ташкилотнинг архив хужжатлари давлат архивига бирма-бир топширилади. Рўйхатларнинг ҳар бир нусхасида давлат архивига қабул қилинганлик белгиси қўйилади.

Ўта қимматли хужжатлар давлат архивига алоҳида рўйхатлар бўйича, суғурта нусхалари ва техникавий ҳолати тўғрисидаги далолатномалар билан биргаликда топширилади. Ўта қимматли хужжатларни давлат архивига топшириш улардаги варақлар сонини текшириш билан амалга оширади.

412. Хужжатларни доимий сақловга қабул қилиб олиш хужжатларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади (мазкур Қоидаларнинг 15-иловаси). Далолатнома икки нусхада тузилади: бир нусхаси давлат архивида, иккинчиси рўйхатнинг тўртинчи нусхаси билан биргаликда идоравий архивга берилади.

Агар йиғмажиллар топширилаётганда рўйхатдаги якуний ёзув ва топширилаётган йиғмажилларнинг амалдаги мавжудлиги орасида тафовут аниқланса, рўйхатга янги якуний ёзув киритилади ва унда амалда мавжуд йиғмажиллар ҳамда мавжуд бўлмаган йиғмажилларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади. Мавжуд бўлмаган йиғмажилларнинг тартиб рақамлари тўғрисидаги хужжатларни давлат сақловига қабул қилиш-топшириш далолатномасида, уларнинг мавжуд эмаслик сабаблари эса, далолатнома ташкилотга топширилаётганда унга илова этиладиган маълумотномада кўрсатилади.

413. Идоравий архив хужжатларни қидириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади. Ушбу чора-тадбирлар натижа бермаган ҳолларда топилмаган хужжатларга йўқолганлик тўғрисидаги далолатнома тузилади. Йўқолган асл нусха хужжатлар ўрни уларнинг нусхалари билан тўлдирилиши .

414. Хужжатлар билан бирга рўйхат уч нусхада топширилади.

1-илова

**Ташкилотнинг номи**

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ташкилот раҳбарининг лавозими**  
**номи<sup>1</sup>**  
**имзо имзо шарҳи**  
**Сана**

**20 \_\_\_\_ йил учун**  
*(идоравий архивнинг номи)*  
**ИШ РЕЖАСИ**

№	Режа бўлимининг ва иш турининг номи	Ўлчов бирлиг и	Иш хажми	Ажратилган иш вақти (бюджети)	Ижро этиш муддат и	Бажарувчи	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8

Лавозим номи  
Сана

имзо

имзо шарҳи

**Идоравий архивнинг йиллик иш режаси**

Қоғоз бичими А4 (210x297)

---

<sup>1</sup> Агар архив мустакил муассаса ҳисобланса, унинг раҳбари

1а илова

Кимга тақдим этилган \_\_\_\_\_  
(Олувчи ташкилот номи ва

манзили)  
Кимга тақдим этган \_\_\_\_\_  
(хисобот берадиган ташкилот  
номи ва манзили)

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди бошқарув хужжатларини  
идорада сақлашни ташкил этиши  
ҳақида 20\_\_\_ йил 1 декабрга

### ХИСОБОТИ

0639601						
1	2	3	4	5	6	7
БХУК бўйича хужжатлар шакли	КТУК бўйича хужжатлар тузувчи ташкилотлар	ХХСУК бўйича саҳалар	МҲБОБТ бўйича худудлар	ДМОБТ бўйича вазирликлар (идоралар)	КТУК бўйича саноат бирлашмаси, бошқармаси, трести	КТУК бўйича ишлаб чиқариш бирлашмаси (комбинати)

кодлар

### СТАТИСТИК ХИСОБОТ

#### № 10-ИА (бх) \* шакли

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат кўмитасининг 1992 йил  
2 декабрдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган.  
Почта орқали-йиллик, ҳар беш йилда икки марта.  
Муассаса, ташкилот, корхоналар республиканинг тегишли давлат архивига жорий йилнинг 10  
декабригача тақдим этадилар.

#### 1. Умумий маълумотлар

Сатр коди	Идора архивига топширадиган ташкилотлар сони	Фондлар сони
A	1	2
101		

#### 2. Хужжатлар таркиби

КЎРСАТКИЧЛАР	Сатр коди	САҚЛАНИШ БИРЛИГИ СОНИ						
		Жами	Чегара саналари		Жумладан архив муассасаси ЭТК тасдиқлаган (келишилган) рўйхатга киритилган			Ўрнатилган муддатдан ортиқ сакланаётган
			бошланиши	охири	жами	Чегара саналар		
A	Б	1	2	3	4	5	6	7
Доимий сакланадиган	201							
Шахсий таркиб бўйича	202							

#### 3. Кадрлар

Изоҳ :

202-сатр. 1-банд

Сатр коди	Шататдаги ходимлар сони
301	

Жами варакалар	
----------------	--

20\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Рахбар

(ижрочининг фамилияси ва телефони)  
ЎРМАФ бошқарув хужжатларини идорада сақловини ташкил этиш ҳақида 20\_\_\_ йил 1 декабрга хисоботи шакли

Хужжатларнинг сакланиш шароити:(кераги остига чизилсин)

Бино—бор, йўқ , куруқ, нам, ёрг, коронғуИситиш—марказлаштирилган, печкали, йўқТокчалар—металлдан, таҳтадан, аралашЕритиши—бор, йўқСигнализация—ўт ўчириш: бор, йўқ; қўриклиш: бор, йўқЎқишихона—бор, йўқ;Харорат ва намлик режими—риоя этилади, риоя этилмайди

Қоғоз бичими А4 (297x420)

\* ИА—идора архиви  
бх—бошқарув хужжатлари

## ТАШКИЛОТ БИЛАН ИШЛАШ ҲИСОБ ВАРАҚАСИ

### 1. Ташкилот тўғрисидаги умумий маълумотлар

Ташкилотнинг номи ва уни бевосита бўйсуниши \_\_\_\_\_

---

Ташкилотнинг манзили \_\_\_\_\_

Архивнинг номи \_\_\_\_\_

Архивнинг манзили \_\_\_\_\_

#### **№ Ҳужжатнинг номи, санаси ва №**

Ташкилотни ташкил этилиши тўғрисида \_\_\_\_\_

Ташкилотни қайта ташкил этилиши тўғрисида \_\_\_\_\_

Ташкилотни тутатилиши тўғрисида \_\_\_\_\_

#### **Фамилияси, исми-шарифи, телефонининг №**

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_

Ишлар бошқармаси раҳбари \_\_\_\_\_

Девонхона мудири \_\_\_\_\_

Ташкилотнинг МЭК (ЭК) раҳбари \_\_\_\_\_

Архив мудири ёки унга жавобгар шахс \_\_\_\_\_

Архивга масъул шахсни лавозимга тайинланиши тўғрисидаги

бўйруқнинг № ва санаси \_\_\_\_\_

### 2. Меъёрий-услубий ва режа ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш санаси

Архив тўғрисидаги низом \_\_\_\_\_

Иш юритиш бўйича йўриқнома \_\_\_\_\_

Ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатураси \_\_\_\_\_

Йиғмажилларни архивга топшириш Режа-графики \_\_\_\_\_

МЭК (ЭК) тўғрисидаги низом \_\_\_\_\_

**Ташкилот билан ишлашни ҳисобга олиш варақаси шакли (олд томон)**

Қоғоз бичими А4 (210x297)

### 3. Архивнинг ишини текшириш тўғрисидаги маълумотлар

Текшириш санаси	Текшириш ўтказган ташкилот	Текширув натижалари бўйича асосий таклифлар	Таклифларни амалга ошириш натижалари	Изоҳ
1	2	3	4	5

### 4. Йиғмажилларни тартибга солиш ва давлат архивига топшириш тўғрисидаги маълумотлар

и қабул килиш- топшир иш	ильтган йиғмаж илдларн инг чегара	Рўйхатларни ЭТКда тасдиқлаш	Рўйхатларни ЭТКда маъқуллаш	Шахсий таркиб бўйича йиғмажиллар рўйхатини
--------------------------	-----------------------------------	-----------------------------	-----------------------------	--

			Доимий саклов йиғмажилд- лари	Үта қимматли йиғмажилд- лар	Суғурта фонди нусхалари	ЭТК билан келишиш					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
			Йиғмажилдлар сони	Чегара саналари	Йиғмажилдлар сони	Чегара саналари	Хисоб бирликтари сони	Саклов бирликтари сони	Чегара саналари	Йиғмажилдлар сони	Чегара саналари

**Ташкилот билан ишлашни ҳисобга олиш варажаси шакли (орқа томон)**

Қоғоз бичими A4 (210x297)

З-илова

Ташкилотнинг номи  
архив мудири (архив учун масъул шахс)  
ўзгаргандаги қабул қилиш-топшириш  
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ташкилот раҳбарининг лавозими  
номи  
имзо имзо шархи  
Сана

№ \_\_\_\_\_  
(сана)

(тузилган жойи) тўғрисидаги № \_\_\_\_\_ буйруқ асосида  
топширдим,  
(топшираётган шахснинг исми-шарифи)  
(қабул қилаётган шахснинг исми-шарифи)  
(фамилияси, исми-шарифи) раислигидаги,

аъзолари \_\_\_\_\_ (рақам ва сўз билан)

дан иборат, мазкур буйруқ бўйича ташкил этилган комиссия (учинчи шахс) иштироқида архив ҳужжатларини, \_\_\_\_\_ йиллар учун ҳужжатларнинг суғурта нусҳаларини ва уларнинг маълумотнома аппаратини қабул қилиб олдим.

№.	Рўйхатнинг номи ва тартиб рақами	Рўйхат-нинг нусҳа-лари сони	Қабул қилинган йиғмажиллар сони (суратида қабул қилинган йиғмажиллар сони, маҳражида – ЎҚҲ сони)	Суғурта фонди сақлов бирлик-лари сони	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
ЖАМИ					йиғмажилд

шу жумладан \_\_\_\_\_ ўта қимматли йиғмажилд,  
(рақам ва сўз билан) сақлов бирлигига суғурта фонди ва  
(рақам ва сўз билан) рўйхатлар \_\_\_\_\_ нусҳада  
(рақам ва сўз билан) (рақам ва сўз билан) қабул қилиб олинди.

**Архив мудири (архив учун масъул шахс) ўзгаргандаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси шакли (олди томони)**

Коғоз бичими А4 (210x297)

Ҳужжатларнинг, суғурта фонди ва рўйхатларнинг ҳолати: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (ҳолатининг умумий тавсифи)

Бир вақтда берилаётган ҳужжатлар: \_\_\_\_\_

---

---

(ИМА тури, унинг ҳажми ва ҳолати)

Архив хонасининг ҳолати: \_\_\_\_\_

---

---

(ҳолатининг умумий тавсифи)

Қурилма ва инвентарларнинг мавжудлиги ва ҳолати: \_\_\_\_\_

---

---

(ҳолатининг умумий тавсифи)

Топширди:                      имзо                              имзо шарҳи

Қабул қилди:                      имзо                              имзо шарҳи

Комиссии раиси                      имзо                              имзо шарҳи  
(учинчи шахс)

Комиссия аъзолари:                      имзо                              имзо шарҳи

**Архив мудири (архив учун масъул шахс) ўзгаргандаги қабул қилиш-топшириш  
далолатномаси шакли (орқа томони)**

Қоғоз бичими А4 (210x297)

---

(давлат архивининг номи)<sup>1</sup>

---

(фонднинг номи)

**ФОНД №** \_\_\_\_\_

**РЎЙХАТ №** \_\_\_\_\_

**Доимий саклов ҳужжатлари рўйхатининг титул вараги шакли**

Коғоз бичими А4 (210x297)

Ташкилотнинг номи

Фонд № \_\_\_\_\_

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

---

<sup>1</sup> Давлат архивида тўлдирилади

РҮЙХАТ №\_\_\_\_\_  
йил учун  
доимий сақлов йиғмажилдлар

Ташкилот раҳбарининг лавозими  
номи  
имзо имзо шархи  
Сана

Бўлимнинг номи (таркибий бўлинма)					
№	Йиғма-жилд индекси	Йиғмажилд сарлавҳаси (том, қисми)	Йиғмажилдни (том, қисмини) чегара саналари	Йиғмажилд (том, қисми) ва рақлари сони	Изоҳ
1	2	3	4	5	6

Рўйхатнинг мазкур бўлимига №\_\_\_\_\_ дан №\_\_\_\_\_ гача,

йиғмажилд киритилган, шу жумладан  
(рақам ва сўз билан)

ва рақларнинг литерли рақамлари: \_\_\_\_\_

тушиб қолган ва рақларнинг рақамлари: \_\_\_\_\_

Рўйхатни тузувчининг лавозими номи имзо имзо шархи

Идоравий архив мудири имзо имзо шархи  
(архив учун масъул шахс лавозими)

Сана

ТАСДИҚЛАНГАН  
Архив муассасасининг  
даги №\_\_\_\_\_  
ЭТК баённомаси

МАЪҚУЛЛАНГАН  
Ташкилотнинг  
даги №\_\_\_\_\_  
МЭК (ЭК) баённомаси

Доимий сақлов ҳужжатлари йиғма рўйхатининг йиллик бўлими шакли

Коғоз бичими А4 (297x210)

РҮЙХАТНИНГ ТАСДИҚ ВАРАҒИ № \_\_\_\_\_ (Ф. № \_\_\_\_\_)

Мазкур рўйхатда рақамланган жами варақлар сони \_\_\_\_\_

(рақам ва сўз билан)

шу жумладан:

литерли рақамлар \_\_\_\_\_

тушиб қолган рақамлар \_\_\_\_\_

Идоравий архив ходими лавозими номи

ИМЗО

ИМЗО шархи

сана

Йигмажиллар рўйхатининг тасдиқ вараги шакли

Қоғоз бичими А4 (210x297)

сақ.бирл.

---

ва \_\_\_\_\_ хужжатларни рўйхатга олиш-назорат карточкалари  
*(рақам ва сўз билан)*  
 берилди<sup>1</sup>

Таркибий бўлинма ходимининг лавозими номи                      имзо      имзо шарҳи

Сана

---

йиғмажиллар ва \_\_\_\_\_  
*(рақам ва сўз билан)*                      *(рақам ва сўз билан)*  
 хужжатларни рўйхатга олиш-назорат карточкаларини қабул қилиб олдим

Идоравий архив ходимининг лавозими номи                      имзо      имзо шарҳи

Сана

**Ташкилотнинг таркибий бўлинмаси йиғмажиллари рўйхатининг якуний ёзуви  
 ва ишонч ёзувининг шакли**

Коғоз бичими А4 (210x297)

---

<sup>1</sup> Девонхонадаги йиғмажиллар билан биргаликда берилади

5-илова

Ташкилотнинг номи

Фонд № \_\_\_\_\_

йил учун

вақтинча сақлов йиғмажиллари

РЎЙХАТ № \_\_\_\_\_

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ташкилот раҳбарининг лавозими**  
**номи**  
**имзо имзо шарҳи**  
**Сана**

## Бўлимнинг номи (таркибий бўлинма)

№	Йиғма-жилд индекси	Йиғмажилд сарлавҳаси (том, қисми)	Йиғмажилдни (том, қисмини) чегара саналари	Сақлаш муддати	Варақлар сони	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7

Рўйхатнинг мазкур бўлимига № \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача,

йиғмажилд киритилган, шу жумладан

(рақам ва сўз билан)

варақларнинг литерли рақамлари: \_\_\_\_\_

тушиб қолган varaқларнинг рақамлари: \_\_\_\_\_

Рўйхатни тузувчининг лавозими номи

имзо

имзо шарҳи

Идоравий архив мудири

имзо

имзо шарҳи

(Архив учун масъул шахс лавозими)

Сана

МАЪҚУЛАНГАН

Ташкилотнинг

даги № \_\_\_\_\_

МЭК (ЭК) баённомаси

**Вақтинча сақлов хужжатлари йиғма рўйхатининг йиллик бўлими шакли**

Қоғоз бичими А4 (297x210)

Идоравий архивларнинг

Ташкилотнинг номи

Фонд № \_\_\_\_\_

РЎЙХАТ № \_\_\_\_\_

шахсий таркиб бўйича хужжатлар  
йиллар учун

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ташкилот раҳбарининг лавозими**  
**номи**  
**имзо имзо шарҳи**  
**Сана**

Бўлимнинг номи (таркибий бўлинма)					
№	Йиғма-жилд индекси	Йиғмажилд сарлавҳаси (том, қисми)	Йиғмажилдни чегара саналари	Йиғмажилд варақлари сони	Изоҳ
1	2	3	4	5	6

Рўйхатнинг мазкур бўлимига № \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача,

йиғмажилд киритилган, шу жумладан  
(рақам ва сўз билан)

варақларнинг литерли рақамлари: \_\_\_\_\_

тушиб қолган варақларнинг рақамлари: \_\_\_\_\_

Рўйхатни тузувчининг лавозими номи

имзо

имзо шарҳи

Идоравий архив мудири  
(Архив учун масъул шахс лавозими)

имзо

имзо шарҳи

Кадрлар хизмати бошлиғи

имзо

имзо шарҳи

Сана

МАЪҚУЛАНГАН

Ташкилотнинг

даги № \_\_\_\_\_

МЭК (ЭК) баённомаси

КЕЛИШИЛГАН

Архив муассасасининг

даги № \_\_\_\_\_

ЭТК баённомаси

**Шахсий таркиб бўйича хужжатлар йиғма рўйхатининг йиллик бўлими шакли**

Коғоз бичими А4 (210x297)

Идоравий архивларнинг  
Асосий иш қоидаларига

Ташкилотнинг номи

Сақланиши керак бўлмаган ҳужжатларни йўқ  
қилишга ажратиш ҳақида

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ташкилот раҳбарининг лавозими**  
**номи**  
**имзо      имзо шарҳи**  
**Сана**

**ДАЛОЛАТНОМА**

№ \_\_\_\_\_

(тузилган жойи)

№ \_\_\_\_\_ фонднинг ҳужжатлари

(фонд номи)

(хужжатларнинг сақлаши муддатлари кўрсатилган рўйхатнинг номи ва чиқии маълумотлари)

асосида, амалий аҳамиятини йўқотган ва илмий-тарихий қимматга эга бўлмаган  
ҳужжатлар сифатида йўқ қилишга ажратиб олинди

№	Йиғмажилдни ёки ҳужжатлар гурухини номи	Чегара саналар	Рўй- хат №	Номенклатура бўйича йиғмажилд индекси ёки рўйхат бўйича йиғмажилд №	Йиғма- жиллар сони	Сақлаш муддатлари ва рўйхат бўйича тегишли банд №	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8
ЖАМИ	йиллар учун					йиғмажилд	

(ракам ва сўз билан)  
Доимий сақлов йиғмажилларининг рўйхати \_\_\_\_\_  
шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_  
(архив муассасасининг номи)

ЭТКси билан келишилган.

№ \_\_\_\_\_ баённома.

Ҳужжатларнинг қимматдорлик экспертизасини ўтказган  
шахснинг лавозими номи                  имзо                  имзо  
Сана

**КЕЛИШИЛГАН**  
Ташкилотнинг МЭК (ЭК) баённомаси  
№ \_\_\_\_\_

**Сақланиши керак бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақида  
далолатнома шакли**

Қоғоз бичими А4 (210x297)

Ҳужжатлар \_\_\_\_\_ та йиғмажилд микдорида,  
(ракам ва сўз билан)

\_\_\_\_\_ кг. оғирликда \_\_\_\_\_ га  
 (қайта ишилаш ташкилотининг номи)  
 № \_\_\_\_\_ қабул қилиш-топшириш юк қоғози

бўйича қайта ишилаш учун топширилди

Хужжатларни топширган ходимнинг  
 лавозими номи

имзо

имзо шарҳи

Сана

**Сақланиши керак бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақида**  
**далолатнома шакли** Коғоз бичими А4 (210x297)

---

(давлат архивининг номи)

---

(таскилотнинг номи)

**Фонд №\_\_\_\_\_**  
**Рўйхат №\_\_\_\_\_**

---

(рўйхатнинг номи)

---

(чегара саналар)

**Доимий сакловдаги электрон ҳужжатлар рўйхатининг титул вараги шакли**  
Коғоз бичими А 4(210x297)

Фонд № \_\_\_\_\_

Рўйхат № \_\_\_\_\_

йиллар учун

Ҳисоб бирлиги № 1	Саклов бирлиги № 2	Ҳисоб бирлиги номи 3	Яратилган сана 4	Ҳажми (Мбайт) 5	Ёзувлар сони (маълумотлар базаси учун) 6	Маълумотлар шакли 7	Матнли йўлланма хужжат- ларининг таркиби 8	Изоҳ 9

Рўйхатнинг мазкур бўлимига № \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_ ҳисоб бирл.,  
*(ракам ва сўз билан)*

№ \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_ сақл.бирл. \_\_\_\_\_ Мбайт  
*(ракам ва сўз билан)*  
 ҳажмда киритилди.

Рўйхатга жами № \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_ ҳисоб бирл.,  
*(ракам ва сўз билан)*

№ \_\_\_\_\_ дан № \_\_\_\_\_ гача \_\_\_\_\_ сақл.бирл. \_\_\_\_\_ Мбайт  
*(ракам ва сўз билан)*  
 ҳажмда киритилди.

Рўйхатни тузган шахс лавозими номи

имзо

имзо

шарҳи

Сана

Ташкилотнинг МЭК (ЭК) баённомаси 00.00.00 № \_\_\_\_\_

Ташкилотнинг МЭК (ЭК) раиси \_\_\_\_\_  
*(лавозими, имзоси, имзо шарҳи)***Доимий сакловдаги электрон хужжатларнинг рўйхати шакли**

Қоғоз бичими А 4(210x297)

Ташкилотнинг номи

**ЙИҒМАЖИЛДЛАР  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

№ \_\_\_\_\_  
  
*(тузилган жсойи)*  
 йил учун

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Ташкилот раҳбарининг лавозими**  
**номи**  
**имзо имзо шарҳи**  
**Сана**

Йифма- жилд индекси	Йифмажилд (жилд, қисми) сарлавхаси	Йифма- жилдлар (жилд, қисмлар) сони	Йифмажилдни (жилд, қисмни) сақлов муддати ва модда тартиб раками	Изоҳ
1	2	3	4	5
Бўлимлар номи				

Ташкилотнинг иш юритиш хизмати  
раҳбарининг лавозими номи

имзо

имзо шарҳи

Архив раҳбарининг  
(архив учун масъул шахснинг) имзоси

МАЪҚУЛЛАНГАН даги № _____ МЭК (ЭК) баённомаси	КЕЛИШИЛГАН Архив муассасасининг даги № _____ ЭТК баённомаси
---	--

**Ташкилотнинг йифмажиллар номенклатураси шакли**

Қоғоз бичими А 4 (210x297)

\_\_\_\_\_ йилда юритилган йифмажилларнинг тоифалари ва сони тўғрисидаги якуний ёзув

Сақлов муддатлари бўйича	Жами	Шу жумладан:	
		кейинги йилга ўтувчи	ЭТК белгиси билин
1	2	3	4
Доимий			
Вақтинча (10 йилдан ортиқ)			
Вақтинча (10 йилгача тўлиқ)			
<b>ЖАМИ:</b>			

Ташкилотнинг иш юритиш хизмати  
раҳбарининг лавозими номи  
Сана

имзо имзо шарҳи

Якуний маълумотлар идоравий архивга топширилди.  
Маълумотларни топширган  
шахснинг лавозими номи  
Сана

имзо имзо шарҳи

### Ташкилот йиғмажиллар номенклатурасига якуний ёзув шакли

Қоғоз бичими А4(210x297)

Ташкилотнинг номи

Таркибий бўлинманинг номи

**ЙИҒМАЖИЛДЛАР  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

№ \_\_\_\_\_

(тузилган жойи)

